

УЛУҒБЕК ИНОЯТОВ



**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА  
УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ**

УЛУФБЕК ИНОЯТОВ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

## **Иноятов, Улуғбек**

Янги Ўзбекистонда узлуксиз таълим. / Улуғбек Иноятов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2024. – 176 б.

ISBN 978-9910-790-53-9

Халқимизнинг келажаги, давлатнинг ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий барқарор бўлиши таълимнинг қандай йўлга қўйилиши билан чамбарчас боғлиқ экани ҳаммамизга маълум ҳақиқат. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш борасида барча соҳалар қатори таълим тизими-га ҳам янги ғоялар, изчил ўзгаришлар кириб келмоқда. Учинчи Ренессанс учун том маънода мустаҳкам пойдевор яратилмоқда.

Қўлингиздаги китоб таълимнинг ҳар бир босқичида амалга оширилаётган замонавий ислоҳотлар таҳлилига, ҳал этилаётган муаммолар ва эришилаётган ютуқлар, шунингдек, соҳадаги устувор мақсадларга бағишланган.

Ушбу китоб таълим тизими ходимлари, тадқиқотчилар, ота-оналар, кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.

ISBN 978-9910-790-53-9

© Улуғбек Иноятов, «Янги Ўзбекистонда узлуксиз таълим», «Янги аср авлоди», 2024 йил.

## **ИСЛОҲОТЛАР БАҲОСИНИ ХАЛҚ БЕРМОҚДА**

Ижтимоий-иқтисодий ва технологик жиҳатдан оламшумул ютуқларга эришган давлатларнинг ривожланиш босқичини таҳлил қилиб, улар тараққиётининг асосида таълим-тарбияга эътибор ётганига қайта-қайта ишонч ҳосил қиламиз. Янги Ўзбекистон ҳам ривожланишнинг дунё тажрибасидан ўтган ва ўзини тўлақонли оқлаган мана шу йўлини танлаб, таълим-тарбия, илм-фанни қўллаб-қувватловни, пировард натижада инсон капиталига эътиборни тараққиётнинг драйвери сифатида кўрди.

Давлатимиз раҳбари муҳтарам Шавкат Мирзиёевнинг «Биз юртимизда Учинчи Ренессансни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз. Мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессанснинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устунни, деб ҳисоблаймиз», деган сўзлари танланган йўлнинг пойдевори мустаҳкам ишонч ва қатъиятга асосланганини тасдиқлади.

Шавкат Мирзиёев Президентлигининг дастлабки йиллариданоқ таълим ислохотларига эътибор қаратгани бежиз эмас. Узлуксиз таълим-тарбия соҳасидаги муаммолар халқнинг ҳам тизимда ишлаётганларнинг ҳам силласини нечоғлик қуритгани эсимиздан чиққани йўқ. Келинг, шу ўринда рақамларга юзлансак. Мамлакатимизда 2017 йилда мактабгача таълим қамрови бор-йўғи 27 фоиз атрофида эди. Мана шу 27 фоиз бола тарбияланган 5 минг 211 та мактабгача таълим ташкилотининг ҳам аксаридида замонавий қўлланмалар йўқ, таъмирталаб биноларда фаолият юритаётган эди. Халқнинг фарзандларига илк ҳаётий кўникмалар бериш, ижтимоийлашувга қўмаклашиш, мактабга тайёрлаши керак бўлган боғчалар болаларни вақтинча сақлаб, овутиб турадиган масканлар даражасида бўлгани ҳам ҳақиқат.

Мана энди бугунги ҳолатга назар ташлаймиз: ҳозир мактабгача ёшдаги болаларни боғчага қамраб олиш кўрсаткичи 74 фоизга етди. Ўтган йил август ҳолатига кўра, мамлакатимизда қарийб 31 мингта мактабгача таълим ташкилоти фаолият юритмоқда. Бу кўрсаткич 2024 йил ва кейинги йилларда ҳам ошиши кутилмоқда.

Рақамлардаги тафовутни кўриб, мана, уддаласа, бажарса бўларкан-ку, деб айтамиз. Албатта, бўлади, дейсиз. Фақат бунинг учун мустаҳкам сиёсий ирода ва қатъий азму қарор даркор. Шу омиллар борлиги учун ҳам бугунги натижалардан кўзимиз ҳам кўнглимиз ҳам қувончга тўлади.

Халқ таълими ҳам муаммолар гирдобидида қолган эди. Айтиш мумкинки, ўқитиш тизимидаги энг муҳим бўғин таназзул ёқасига бориб қолган

нини оғриқ билан эслаймиз. Соҳада маош ва нуфузнинг кескин тушгани, мажбурий меҳнат, хусусан, пахта теримига жалб этиш анъана тусига киргани ўқитувчиликни жамиятдаги энг ночор касблардан бирига айлантириб қўйган эди. Шу боис, эркак муаллимлар мактабни ёппасига тарк этишга мажбур бўлди. Устига устак жойларда мактаб етишмас, ўқувчилар 3 сменада қатнарди. Моддий-техник база ҳаминқадар бўлиб, мавжудлари ҳам маънан эскирган эди. Бундай тизимли муаммолар ўғил-қизларнинг сифатли таълим олишга халаал берарди.

Мана шундай мураккаб паллада давлатимиз раҳбари яна бир салмоқли хайрли ишга қўл урди: «Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан бошланади», деган ғоя атрофида жамоатчиликни, зиёлиларни бирлаштирди. Бу куч ёрдамида мактаб таълимига эътиборни умуммиллий ҳаракат даражасига кўтарди. Ўқитувчиларнинг жамиятдаги маъқеини кўтаришни биринчи ўринга қўйди. Педагогларни мажбурий меҳнатга жалб этиш қатъий тақиқланди. Ҳақ-ҳуқуқлари кафолатини кучайтириш кун тартибидаги вазифа даражасига чиқди. Ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш мақсадида янги таҳрирдаги Конституциямизга ҳам қатор нормалар киритилди. Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги модда билан тўлдирилди. Унга кўра, таълим муассасаси педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралashiш ёки таълим муассасаси педагог ходимининг хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилиш жавобгарликка сабаб бўлади. Ниҳоят узоқ кутилган меъёрий-ҳуқуқий

хужжат – «Педагогнинг мақоми тўғрисида»ги Қонун бу йил 1 февралдан кучга кирди. Унда педагогнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятининг асосий кафолатлари мустаҳкамланди. Мана шундай янгиланишлар асносида кўплаб мактаблар қад ростлади, мавжудлари капитал таъмирланди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Энг муҳим жиҳатлардан бири шуки, миллий ўқитиш тизимимиз тарихида илк бор Президент таълим муассасалари деган замонавий билим масканлари очилди. Худудларда ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ташкил қилингани иқтидорли фарзандларимиз учун айти муддао бўлди. Бугун кунда-кунора шу таълим муассасаларининг ўқувчилари чет элнинг нуфузли университетлари грантини ютгани ҳақидаги хабарларни ўқиб, эшитиб, кўнглимиз тоғдек юксалиб юрибди.

Халқимиз азалдан илмга ниҳоятда ташна. Шу боис, бўлса керак, «Бешиқдан қабргача илм изланг», «Илми Чинга бориб бўлса ҳам ўрганинлар» деган ҳикматли сўзлар қон-қонимизга сингиб кетган. Мана шу илмпарварликнинг бир намунасини ҳар йили олий таълим муассасаларига қабул арафасида кўрамыз.

Бундан 7-8 йил илгари пойтахт ва вилоят марказларидаги университет, институтлар атрофи фарзандини олий маълумотли қилиш учун барча имкониятини сафарбар қилган ота-оналарга, бобо-бувиларга тўлиб кетарди. Аксига олиб, неча юз минглаб йигит-қиздан ўн мингга яқинигина талаба деган номга сазовор бўларди. Ўқишга киролмаганларнинг бир қисми қўшни давлатлардаги хусусий олий таълим муассаса-

ларига ўқишга кирар, яна бир қисми турмуш қуриб, оила юкини елкасига олар, жуда камчилик кейинги йил учун имконият пойлашга мажбур эди. 2016 йилгача бўлган даврда олий таълим муассасаларига қамров бор-йўғи 9 фоиз бўлгани вазиятнинг қанчалар оғир бўлганини эслатиб туради.

Соҳани ич-ичидан яхши билган Давлатимиз раҳбарининг изчил саъй-ҳаракати туфайли олий таълимга ҳам ислоҳотлар эпкини шиддат билан кириб келди. Қисқа муддатда олий таълимга қамров даражаси 48 фоизга етди. Бунга янги олий таълим муассасалари очиш, чет элдаги нуфузли университет ва маҳаллий ОТМларнинг филиалларини ташкил қилиш, хусусий секторга кенг ўрин ва рағбат бериш ҳисобига эришилди. Илгари ОТМлар асосан пойтахтда жойлашган, вилоят марказларида битта, нари борса, икки университет фаолият юритган бўлса, бугун ўнга яқин олийгоҳ йигит-қизларга муштоқ бўлиб турибди. Мана шундай кунларга етказганига шукр!

Ўша йиллари ўқишга кириш қийин бўлгани билан олий таълим муассасаларининг ҳам ўқитувчиларининг ҳам аҳволига ҳавас қилиб бўлмасди. Илмий муҳитдаги турфунлик даври олий таълим муассасаларидаги илмий салоҳиятнинг ўсишига жиддий тўсқинлик қилди. Натижада илмий даража ва унвонли кадрларнинг ўртача ёш кўрсаткичи кескин ошиб кетди. Фан номзодлари ва фан докторлари орасида ёшлар деярли кўринмай қолди. Бу, шубҳасиз, авлодлар ўртасидаги узилишни келтириб чиқарди. Иккинчи томондан, ёшларнинг ОТМларда дарс бериш ту-



гул илм қилишга рағбати ҳам йўқ эди. Сабаби оддий ўқитувчилар у ёқда турсин, илмий даража ва унвонли домлаларнинг ҳам маоши ҳавас қилгулик эмасди.

Давлатимиз раҳбарининг бу борадаги бир неча фармон ва қарорлари туфайли илм-фанда жонланиш юз берди. Амал-тақал қилиб кун кечираётган ўқитувчиларнинг қадди кўтарилди. Энди улар ҳам ҳалол маошига машина олиб минадиган, уй қурадиган, тўй қиладиган бўлди. Мана шундай туб ўзгаришлар натижасида ёшларнинг илм-фанга қизиқиши ошди. Биргина 2022 йилда 149 та фан докторлиги ва 1 минг 364 та фалсафа докторлиги илмий иши ёқлангани фикримизнинг тасдиғидир. Бу, ўз навбатида, ОТМларда илмий салоҳиятнинг ошишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйганига саккиз йилдан ошди. Шу вақт давомида ижтимоий ҳаётимизнинг барча йўналишлари қатори биргина таълим тизимидаги ислохотлар нечоғлик кўлам ва аҳамият касб этганини халқимиз ҳам биз таълим фидойилари ҳам барчамиз кўриб, ҳаётимизда ҳис қилиб турибмиз. Булар оддий ишлар эмас, балки халқнинг юрагини оғритиб турган кўп йиллик муаммолар ечими. Лўнда қилиб айтганда, инсон қадри учун, уни ҳаётдан рози қилиш учун қилинган фидокорона хизмат ҳосиласи. Хизмат бўлганда ҳам беминнат, холисона, бошидан охиригача халқпарварликка, ватанпарварликка йўғрилган хизмат.

Шу боис ҳам, ушбу тўплам юртимизда юз бераётган узлуксиз таълим-тарбия тизимидаги

туб янгилашишларни тизимли қамраб олгани ва бор бўйича кўрсатиб бергани учун ҳам алоҳида қимматга эга. Чунки унда мамлакатимиз тараққиётининг инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш билан боғлиқ муҳим палласи акс этган. Ўйлаймизки, таълим-тарбия соҳасида қисқа вақт ичида қилинган ишлар, тўпланган тажрибалар, албатта, ўрганилади. Кўплаб рисола ва илмий ишларга асос бўлади. Ўшанда бу тўплам муҳим манба сифатида жавонлардан жой олишига аминман.

*Турсунбой ФАЙЗУЛЛАЕВ,  
Наманган давлат университети  
профессори, сиёсий фанлар доктори,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
ёшлар мураббийи*

## **1 БОБ. ЯНГИДАН ЯРАТИЛГАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ**

### **Таълим ва тарбиядан узоқда**

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини ҳисобланади. Инсон умри давомида қабул қиладиган барча ахборотнинг 70 фоизини 5 ёшгача олиши болаларнинг шахс бўлиб улғайишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини билдиради.

«Қайси соҳани олмайлик, биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади», – деб таъкидлайди Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев.

Аммо реал ҳолат эзгу мақсадлардан анча олисда эди. Мамлакатимизда 2017 йилда мактабгача таълим билан қамраб олиш кўрсаткичи бор йўғи 27 фоиз атрофида эди. Болалар боғчаларида замонавий қўлланмалар йўқ, бинолари таъмирталаб эди. 2017 йилда мамлакатимизда 5 минг 211 та мактабгача таълим ташкилоти мавжуд бўлган.

«Биз юртимизда Учинчи Ренессансни барпо этиш масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий гоя даражасига кўтармоқдамиз. Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессансинг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зиёлиларимизни эса янги Уйғониш даврининг тўрт таянч устуниси, деб ҳисоблаймиз», – деб таъкидлайди Президентимиз Шавкат Мирзиёев.

Юртимизда болаларни мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олиш борасида кенг кўламли ўзгариш ва янгиликлар амалга ошириляпти. Бу борада йиллар ҳисобига назар ташланса, 2017 йилда қамров 27,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2018 йили 37,7 фоиз, 2019 йили 52,3 фоиз, 2020 йили 60,9 фоиз, 2021 йилнинг июнь ойи ҳолатига кўра эса 62,4 фоизга етди. Бу кўрсаткич йилдан йилга ортиб борапти. 2022 йилда 29 420 МТТ фаолият юритган. 2023 йилнинг август ойи ҳолатига республикамызда жами 30 792 та мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган.

Бугунги кунда мактабгача таълимда қамров даражаси 74 фоизга етган. 2024 йилда давлат боғчаларида яна 10 минг, хусусий боғчаларда 50 минг нафар бола қамраб олинishi режалаштирилган. Мулоҳаза юритсак, қисқа даврда мактабгача таълим билан қамровда қандай

катта натижаларга эришилгани, бундан минг-минглаб оилалар, ота-оналар ва болалар мамнун бўлаётгани англашилади. Албатта, бунга осонлик билан эришилаётгани йўқ. Ҳар бир натижанинг ортида стратегик ёндашув, ҳаётий ғоя-ташаббуслар, қатъий ирода ва маъсулият турибди.

Ўтган давр мобайнида мактабгача таълимнинг турли шакллари жорий этилди. Давлат-хусусий шериклик, хусусий оилавий мактабгача таълим ташкилотлари, мобил гуруҳлар ташкил этилди. Буларнинг ҳаммаси болаларга илк ёшдан сифатли таълим-тарбия бериш, уларни ҳар жиҳатдан етук қилиб тарбиялашни мақсад қилган.

2019 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент қарорига мувофиқ, 2030 йилга бориб мактабгача таълимга болаларнинг 80,8 фоизини қамраб олиш режалаштирилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, 2016 йилгача мамлакатимизнинг турли бурчакларида нечи юзлаб болалар боғчаси ташландиқ ҳолда, хароба бўлиб ётар эди. Бу боғчаларнинг аксарияти қишлоқ жойларда бўлиб, қишлоқ болалари боғча деганда ана ўшандай хароб, ташландиқ биноларни тушунишар эди. Минг шукурлар бўлсинки, бугунги кунда ўша боғчаларнинг ўрнида ҳар томонлама замонавий жиҳозланган, қулай ўйин майдонларига эга

мактабгача таълим муассасалари қад ростлади ва ростламоқда. Бу жараён давом этмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, болаларда айнан мактабгача бўлган ёшда ақлий фаоллик ошади, ахлоқий-эстетик ва жисмоний хислатлар шаклланади.

Мактабгача таълим ташкилотида бола ривожланади, янги таассуротлар ва тажрибалар олади. Ота-оналар болалар боғчасининг ёрдамсиз мустақил равишда фарзандларини ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиши мумкин. Доимий равишда ғайриоддий нарсаларни кўрсатиш, ижодкорлик ва спорт билан шуғулланиш, музейларга бориш, мусиқа билан таништириш ва саёҳат қилиш. Аммо ўз-ўзидан тўлиқ тажрибани тақдим этиш учун ота-оналар жуда кўп вақт ва куч сарфлашлари, турли мутахассисларни жалб қилишлари керак.

Болалар боғчаси бу билан мукамал тарзда шуғулланади – жуда кўп тактик, визуал, ижтимоий имкониятлар яратади, бола жуда кўп янги билимларни синаб кўриши мумкин бўлган муҳитни таклиф қилади.

Мактабгача таълим ташкилоти боланинг ривожланишини кузатишга ёрдам беради. Болада муаммолар пайдо бўлса, ўз вақтида қийинчиликларни енгишга кўмаклашади. Болалар боғчасининг асосий афзаллиги ривожланиб борувчи муҳитни яратишидир. Бу ерда болага турли хил машғулотларни синаб кўриш ва

у энг яхши кўрган машғулоти топиши учун имконият берилади.

Бола ўз-ўзидан дўстлашишни ва бу муносабатларни сақлаб қолишни, бошқаларнинг шахсий маконини ҳурмат қилишни, баҳам кўришни ва рад этишни, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишни ўрганиши керак. Болалар боғ-часи мулоқотни машқ қилиш учун кўп имкониятларни тақдим этади.

Боланинг дунёси бир уй билан чегараланиб қолиши мумкин эмас, бола ўз дунёсининг чегараларини кенгайтириш ва бошқа уфқларни кўришни хоҳлайдиган вақт келади.

### **Мактабгача таълим болани кашф қилади**

Болалар ҳаётининг ритми боғчада катталарникига ўхшаб ўзгаради: улар энди тенгдошлари билан соатлаб югуришмайди. Бола бошқа одамларнинг фикри ва истаклари билан ҳисоб-китоб қила олишни, низоларни ўзи ҳал этишни ўрганади. Тенгдошлари орасида бола шахсиятининг асосий фазилатлари шаклланади ва намоён бўлади.

Болаларнинг иқтидорини кашф қилиш ёки уларни фанга, умуман, ўрганишга қизиқтиришни «юқтириш» учун чин дилдан завқландиган одам бўлиши лозим. Онанинг бир вақтнинг ўзида ҳамма нарсани қила олиши жуда мушкул вазифа: расм чизиш, қўшиқ айтиш, чолғу асбобларини чалиш, турли тилларда га-

пириш. Боғчаларга бир вақтнинг ўзида бир нечта мутахассислар жалб қилинган бўлиб, улар болага зарур ёрдам кўрсатиши мумкин.

Болалар боғчаларида махсус ривожлантирувчи дидактик материаллар қўлланилади: қўлланмалар, расмлар, махсус техникалар, ўйинчоқлар. Болалар ўйин орқали завқ билан ўрганадилар. Бу учун эса ўйин методи орқали таълим-тарбия жараёнини ташкил қилиш учун алоҳида ривожлантирувчи муҳит яратиш керак бўлади. Болалар боғчасида бу, албатта, шарт, уйда бундай шароитларни ҳар доим ҳам яратиб бўлмайди.

### **Ёшни ҳисобга олган ҳолда боланинг тўғри ривожланиши**

Деярли барча оналар уйда фарзандлари билан шуғулланишади, лекин ҳамма оналар ҳақиқатан ҳам болаларнинг ривожланиш хусусиятларини, боласи билан нима қилишлари мумкинлигини ва бола ўсиб улғайгунча қандай машғулотларни ҳозир, қайсиларини кейин бажариши кераклигини билишмайди. Тарбиячи буларни жуда яхши билади. Чунки унда махсус дастурлар мавжуд.

Тарбиячи боланинг очилмаган жиҳатларини ривожлантиради. Масалан, 3 ёшли бола 100 га қадар санай олмаслиги ва ўқишни билмаслиги мумкин, лекин 4 рангни билиши керак.

Умуман олганда, болалар боғчаси бу – ўзига хос параллел дунё бўлиб, у ерда бола тинг-



лашни – эшитишни, қарашни – кўришни, солиштиришни, ҳис қилишни ва уйда яратилмайдиган муҳитни татиб кўришни ўрганади.

### **Тўғри ва фойдали овқатланиш**

Бола учун онанинг уйда пиширган ширинликларидан кўра, тажрибали диетологлар томонидан тузилган тўлиқ, мувозанатли боғча диетаси фойдалироқ ҳисобланади. Оилада бола кўпинча эркаланади, мазали, аммо носоғлом таомлар билан озиқланади.

Бундай маҳсулотлардан болаларнинг танаси ортиқча шакар, бўёқ ва ёғлардан азият чекади. Боғчаларда эса болалар зарур калориялар, витаминларни тананинг эҳтиёжларига ва овқатланиш бўйича мутахассисларнинг қатъий тавсияларига мувофиқ олади.

### **Соғлом турмуш тарзи**

Кўпинча уйда боланинг тўғри кун тартибига қатъий риоя қилинмайди. Болалар кечаси билан телевизор ёки телефонга чалғиб, эрталаб кеч уйғониши мумкин. Ота-оналар боланинг ҳаётида аниқ кун жадвалининг муҳимлигини билишади, лекин ҳар доим ҳам унга риоя қилиш учун куч топа олмайди. Боғчада тарбиячилар белгиланган тартиб-қоидага риоя қилдилар, доимо интизомни сақлайдилар. Ҳамма нарсани «соат бўйича» қилишга одатланган

боланинг кейинчалик мактаб қоидаларига мослашиши осонлашади.

«Уй болалари» кўп вақтларини уйда мультфильмлар томоша қилиш ва планшетларда ўйин ўйнаш билан ўтказадилар. Бундай томошалар зарарли бўлиши мумкин, боланинг танаси ҳаракатга муҳтож. Мактабгача таълим муассасаларида болалар билан машғулотлар ўтказилади, уларга югуриш ва сайр қилиш, эстафета ва спорт мусобақаларини ташкил қилиш имконияти берилади.

Ота-оналар боласини спортда чемпион ёки санъаткор қилишга интилади. Боғчада тарбиячилар маълум бир ёшда бола билан нима кераклиги, қанча вақт янги билимларни ўрганишини, қанча ўйнаш ва дам олишни билишади.

Айрим ота-оналар фарзандларини майл ва истакларини ҳисобга олмасдан, сузиш, гимнастика, от миниш, инглиз ёки бошқа хорижий тилларига юборишади. Боланинг онги оналар ва оталар унга юкламоқчи бўлган мураккаб маълумотларни идрок этишга тайёр бўлмайди. Мактабгача таълим муассасасида тарбиячилар болада ижодий қобилият, тил ўрганиш ёки спорт ўйнаш қобилиятини аниқлашлари мумкин. Агар бола сурат чизишга интилса, тарбиячилар унга чизиш имкониятини беришади, лекин улар уни соатлаб бошқа нарсани ўрганишга мажбурламайдилар.

Боланинг уйда бажарадиган уй вазифаси одатда тартибсиз ва тизимлашмаган бўлади.

Болалар боғчасида эса турли ёшдаги болаларни ривожлантириш ва уларни мактабга тайёрлаш дастури ишлаб чиқилган. Болалар нафақат ҳарф ва рақамларни, ўқиш, моделлаштириш ва чизиш кўникмаларини эгаллайди, балки мустақил ва изчил ишлаш, ўз олдига қўйган мақсадига эришиш қобилиятини ҳам ўрганади.

### **Жамоанинг кучи**

Уйда бола маълум бир ролни олади. Бола уйда доимий васийлик ва таълимотга муҳтож бўлган ролни ёки барча инжиқликлари бир зумда амалга ошадиган ёки катталарнинг амалга ошмаган орзуларини амалга ошириш учун яратилган ролларни бажаради. Аммо жамоада бола кўп тенгдошларидан бирига айланади. Бу ерда у турли болалар билан мулоқот қилиши, ҳамма билан умумий тил топишни ўрганиши ва ўз позициясини ҳимоя қилиши мумкин. Болалар боғчасига бориш тўғри мулоқот қобилиятларини, жамиятда хулқ-атворни ривожлантириш учун ҳам зарур ҳисобланади.

**Шундай қилиб, мактабгача таълимнинг қуйидаги асосий афзалликлари бор:**

- фаол, кўп қиррали мулоқот ва жамоада ўзаро муносабатларни ўрганиш;
- янги кўникмаларни эгаллаш;
- қобилиятларни аниқлаш ва тўғри ривожланиш;

- мувозанатли болалар овқатлари;
- интизом ва мустақилликка ўрганиши.
- шахсий позициясига эга бўлиши.

Улуф мутафаккир Абдулла Авлоний болани идишда турган сувга қиёслаган. Сув қайси ранг ва қандай ҳажмдаги идишда турганига қараб, худди шу тусда товланади. Бу ҳеч қачон ўз моҳиятини йўқотмайдиган ҳақиқат. Болаларга қандай эътибор берилса, эртанги кунга шунга монанд келажак кутилади.

### **Мактабгача таълимда стратегик ислоҳотлар**

Фарзандлар таълим-тарбиясига сармоя киритиш миллат келажакига қўйилган сармоядир. Мамлакат болаларнинг таълим-тарбиясига эътибор қаратса, у ҳар бир бола ва унинг оиласига кенг имтиёзларга замин яратган бўлади.

Саводли халқ фаровон ва барқарор иқтисодиётнинг асосини ташкил қилади. Сифатли таълим олган болалар билим, қўникма ва танқидий фикрлаш қобилиятларини эгаллайди, бу эса уларнинг келажакдаги самарадорлигига ҳисса қўшади. Улар ишчи кучига айланган сари инновациялар, самарадорлик ва иқтисодий ўсишни рағбатлантирадиган қимматли активларга айланади. Малакали ва билимли ишчи кучи хорижий сармояларни ҳам жалб этиб, иқтисодий ривожланишни янада рағбатлантиради.

Болаларнинг таълим-тарбиясига боғчада-ноқ эътибор қаратиш давлатнинг барқарор ўсиши ва ривожланиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда бу борада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда бир қатор қонун ҳужжатлари – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Президентнинг 2019 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги «Мактабгача таълим тизимига илғор ахборот ва педагогика технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 майдаги «Мактабгача таълим тизими учун кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 июлдаги «Давлат мактабгача таълим ташкилотларида соғлом овқатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги

«Мактабгача таълим ва тарбиянинг давлат стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари қабул қилингани қайд этиш жоиз.

Мазкур қонун ҳужжатларини қабул қилишдан мақсад этиб мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий механизмларини жорий этиш, тарбия ва ўқув жараёнини такомиллаштириш, мактабгача таълим муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан тўлдириш, уларнинг инфратузилмаси ва моддий-техник жиҳозланишини яхшилаш, мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик жараёнларини янада такомиллаштириш, мактабгача таълим тизими учун юқори малакали, замонавий фикрлайдиган, таълим ва тарбиянинг илғор технологияларини ўзлаштирган педагог кадрлар ва мутахассислар тайёрлаш ҳамда улар билан мактабгача таълим ташкилотларини таъминлаш, таълим-тарбия жараёнига болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний ривожлантиришни таъминлайдиган замонавий таълим дастурлари, илғор ахборот ва педагогика технологияларини жорий этиш, уларни мактабга тайёрлаш даражасини ошириш, мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий стандартларини яратиш кабилар белгиланган.

Ёш болаларнинг юқори сифатли эрта таълим олишларини таъминлаш, уларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун хавфсиз ва тарбиявий муҳитни яратиш мактабгача таълим ва тарбия тўғрисидаги қонунни қабул

қилиш заруратини тугдиради. Бундай қонун кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва уларга ғамхўрлик қилиш стандартларини белгилаш, ўқитувчилар ва тарбиячиларнинг тегишли ма- лака ва тайёргарликка эга бўлишини таъмин- лаш, мактабгача таълим тизимидаги болалар- нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қонуний асос бўлиб хизмат қилади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги қонуни 2019 йил 16 декабрда қабул қилиниб, 2020 йил 18 июндан кучга кирди. Бу қонун- нинг мақсади мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш- дан иборат.

Қонун билан мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўна- лишлари, шунингдек, мактабгача таълим ва тарбия олишга доир давлат кафолатлари аниқ белгилаб берилди.

Хусусан, давлат ҳар бир боланинг умумий ўрта таълим ташкилотига ўқишга киришидан бир йил олдин давлат мактабгача таълим таш- килотларида умумий ўрта таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтишга бўлган ҳуқуқини кафолатлайди.

Қонунга мувофиқ, мактабгача таълим таш- килоти давлат ва нодавлат ташкилоти бўлиши мумкин.

Қонунда мактабгача бўлган ёшга алоҳида таъриф берилган. Унга биноан болаларнинг туғилган пайтидан етти ёшгача, то уларга

умумий ўрта таълим ташкилотларида таълим бериш бошланган пайтга қадар бўлган ёши мактабгача бўлган ёш ҳисобланади.

Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳам қонунда мустақамлаб қўйилган.

Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– ҳар бир боланинг мактабгача таълим ва тарбия олишга бўлган ҳуқуқи амалга оширилишини таъминлаш;

– болаларнинг мактабгача таълим ва тарбияга тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

– боланинг ривожланишида, мактабгача таълим ва тарбия олишида оилага ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

– болаларнинг, шу жумладан, алоҳида таълим олиш эҳтиёжлари бўлган болаларнинг сифатли мактабгача таълим ва тарбия олиши учун шарт-шароитлар яратиш;

– таълим ва тарбия беришнинг муқобил шакллари яратиш ҳамда ривожлантириш;

– мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

– мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтиришга қаратилган давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий этиш ва ривожлантириш;

– мактабгача бўлган ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида замо-



навий инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

– халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Шунингдек, қонунда мактабгача таълим ва тарбия олишга доир давлат кафолатлари ҳам белгиланган.

Ҳар бир бола мактабгача таълим ва тарбия олиш ҳуқуқига эга.

Давлат ҳар бир боланинг умумий ўрта таълим ташкилотига ўқишга киришидан бир йил олдин давлат мактабгача таълим ташкилотларида умумий ўрта таълимга мажбурий бир йиллик тайёргарликдан ўтишга бўлган ҳуқуқини кафолатлайди.

Боланинг мактабгача таълим ва тарбия олишига доир давлат кафолатлари давлат мактабгача таълим ташкилотлари негизида мактабгача таълим ва тарбия хизматларини кўрсатиш, шунингдек таълим ва тарбия беришнинг муқобил шакллари ташкил этиш орқали таъминланади.

Давлат мактабгача таълим ташкилоти юридик шахс шаклида ташкил этилади ва ўз фаолиятини устав асосида амалга оширади. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари давлат мактабгача таълим ташкилотининг муассислари ҳисобланади. Бошқа давлат органлари ва ташкилотлар ҳам қонунчиликка мувофиқ давлат мактабгача таълим ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти юридик шахс шаклида ташкил этилади ва ўз фаолиятини устав ҳамда мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги лицензия асосида амалга оширади. Юридик ва жисмоний шахслар нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг муассислари бўлиши мумкин.

Юртимизда 2025 йилга бориб 6 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг 100 фоизи бошланғич мактабга мажбурий бир йиллик бепул тайёрлов гуруҳларига қамраб олинishi режалаштирилган.

«...Авваламбор, ёшлар ва болаларга эътибор ва амалий ғамхўрлик кўрсатиш, уларни жисмоний ва маънавий баркамол этиб тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратмоқдамиз. Болаларни кичик ёшдан бошлаб ривожлантириш орқали келажакда уларнинг ўзлигини тўла намоён этишига мустаҳкам замин яратяпмиз. Зеро, бу эзгу мақсадимиз йўлида сарфланган инвестициялар эртага бир неча баробар ортиғи билан қайтишига шубҳа йўқ», – деб таъкидлаган эди Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган кичик ёшдаги болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш масалалари бўйича жаҳон конференциясида.

Сўнги йилларда мамлакатимизда ўсиб келаётган авлодни соғлом ва ҳар томонлама етук вояга етказиш, таълим-тарбия жараёнига самарали таълим ва тарбия шакллари жорий этишга қаратилган кенг ислохотлар амалга оширилмоқда.

«Илк қадам» давлат ўқув дастури доирасида ҳар бир мактабгача таълим ташкилотида 5 та ривожланиш марказлари ташкил этилган бўлиб, педагог-тарбиячилар болажонларга қурилиш ва математика, санъат, илмий ва табиат, тил ва нутқ, сюжетли-ролли ўйинлар каби йўналишларда таҳсил беришмоқда.

Хусусан, 2024 йил 5 февраль куни Президент бошчилигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида мактабгача таълим агентлигига боғча мудиралигига номзодларни саралаш, уларни лавозимга тайинлаш тизимини ишлаб чиқиш, барча боғчаларда овқат, давомат, бадал пули каби барча жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш, 250 та давлат боғчасида таълим ва тарбия сифатини халқаро стандартлар асосида баҳолаш тизимини жорий қилиш топширилди.

Ҳар бир соҳа кутилган натижа бериши учун у доимий янгиланиб, ислоҳ этилиши керак. Энди боғча мудираси номзодлар орасидан танлаб олинади. Демак, билимли, ишончга муносиб, масъулиятли кадрлар ўзига муносиб лавозимда ишлайди. Юзлаб, минглаб ота-оналар ўз фарзандини ишониб топширган даргоҳ ишончли қўлларда бўлади.

Тизимнинг тўлиқ рақамлаштирилиши орқали очиқлик ва шаффофлик таъминланади, коррупциянинг олди олинади. Боғчалардаги таълим-тарбия жараёнининг жаҳон андозаларига мос баҳоланиши эса ҳаётни таниётган, дунёқараши шаклланаётган ўғил-қизларнинг таълимдаги илк қадамларида яхши натижа бериши аниқ,

## **Соҳани концепция асосида ривожлантиришнинг зарурати**

Мактабгача таълим тизими ислоҳотидаги яна бир муҳим ислоҳот – Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги «Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ги қарорининг қабул қилиниши бўлди. Бу соҳадаги муаммолар йиллар давомида йиғилган, уларни бартараф этиш учун стратегик ҳужжат зарур эди.

Мазкур тасдиқланган концепция мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларнинг сифатли мактабгача таълимдан тенг фойдаланишини таъминлаш, мактабгача таълим хизматларини ривожлантириш, бир сўз билан айтганда, мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг мақсадли вазифаларини қамраб олган бўлиб, жараённинг устуворликлари ва босқичларини белгилаб беради.

Концепцияда 2030 йилгача 3–7 ёшдаги болаларнинг 80,8 фоизини мактабгача таълим билан қамраб олинишининг таъминланиши кўзда тутилган.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш ҳам Концепциянинг асосий йўналишларидан биридир. Мазкур тизимда инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-комму-

никация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида мактабгача таълим ташкилотларини компьютерлар билан таъминлаш, интернет тармоғига уланиши босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Концепцияда болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун мактабгача таълим соҳасида қулай инвестиция муҳитини яратиш, хусусий секторни мактабгача таълим ташкилотларининг қувватларини оширишга янада рағбатлантириш ва манфаатдорлигини ошириш, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларини нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил қилишда услубий қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган. Бу эса болаларни эрта таълимга қамраб олишни таъминлаш бўйича мақсадларга эришиш учун мактабгача таълимда қулай инвестиция муҳитини яратади. Хусусий секторнинг мактабгача таълим ташкилотлари салоҳиятини кенгайтиришга қизиқишини рағбатлантиради.

Хусусий сектор инвестицияларини рағбатлантириш мактабгача таълим муассасаларини ташкил этиш, болалар учун таълим олиш имкониятларини кенгайтиради. Муҳими, бу умумий иқтисодий ва ижтимоий ривожланишни яхшилашга ва мактабгача таълим соҳасида иқтисодий фаолликни оширишга ёрдам беради.

Шунингдек, концепцияда ҳамма жойда болаларни умумий бошланғич таълимга бепул мажбурий бир йиллик тайёрлашнинг ягона

тизимини жорий этиш, мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ва самарали ташкил қилиш заруратини ҳисобга олган ҳолда қурилаётган тураржой комплекслари ва бошқа объектларни керакли ижтимоий инфратузилма билан таъминлаш республиканинг барча мактабгача таълим ташкилотларини ичимлик суви, иситиш тармоғи, электр энергияси ва табиий газ билан, шу жумладан замонавий энергия тежовчи технологияларни жорий этиш йўли билан босқичма-босқич таъминлаш назарда тутилган.

Умумий бошланғич таълимга бир йиллик бепул мажбурий тайёргарликнинг ягона тизимини жорий этиш барча болаларнинг бошланғич мактаб ёшига пухта тайёргарлик кўришини таъминлайди. Ушбу тайёргарликни ҳамма учун экан таълимда тенгликни таъминлашга ва барча болаларнинг бошланғич мактабда ўсиши учун тенг имкониятларга эга бўлишига замин яратади.

Мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш, зарур ижтимоий инфратузилма билан таъминланган ҳолда қурилаётган турар-жой мажмуалари ва бошқа объектларни самарали ташкил этиш болаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун қулай шарт-шароит ҳозирлайди. Ушбу инфратузилмани ривожлантириш, жумладан, ичимлик суви, иситиш, электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш, болалар учун хавфсиз ва қулай таълим муҳитини яратиб беради. Бундан

ташқари, замонавий энергия тежовчи технологияларни жорий этиш таълим инфратузилмаси барқарорлигини таъминлаб, узоқ муддатли харажатларни тежайди.

Бошланғич таълимга бир йиллик тайёргарликни мажбурий ва бепул қилиш орқали барча болалар бошланғич мактабга муваффақиятли ўтиш учун зарур кўникма ва билимларни шакллантиради.

Шу билан бирга, концепцияда таълим хизматларини кўрсатишнинг вариативлиги ҳисобига ривожланишида жисмоний ёки руҳий бузилишлари бўлган болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш, мактабгача таълимнинг бола шахсини шакллантиришдаги роли ва муҳимлиги ҳақида тушунтириш тadbирларини олиб бориш, ушбу фаолиятга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, жамоатчилик ва ота-оналарни фаол жалб қилиш қайд этилган.

Жисмоний ёки ақлий нуқсонли бўлган болалар учун мактабгача таълим кўламини кенгайтириш инклюзив таълимни ривожлантириш йўлидаги ҳал қилувчи қадамдир. Ушбу болаларга сифатли мактабгача таълим хизматларидан фойдаланиш имкониятини бериш орқали барча болаларнинг турли эҳтиёжларини қондириш ва уларнинг ҳар томонлама ривожланишига кўмаклашилади.

Мактабгача таълимга имконияти чекланган болаларни қамраб олиш барча болалар учун

қобилиятидан қатъи назар, қадрланадиган ва қўллаб-қувватланадиган муҳитни яратади. Бу болалар ўртасидаги қабул қилиш ва тушунишга ёрдам беради ва ижобий муносабатларни рағбатлантиради.

### **Хусусий, оилавий ва давлат хусусий шерикчилик МТТлари**

Ўзбекистонда мактабгача таълимнинг бир неча шакли йўлга қўйилди. Хусусан, давлат, хусусий, оилавий ва давлат хусусий шерикчилик кўринишидаги мактабгача таълим ташкилотлари мавжуд.

Нодавлат МТТнинг ташкил этилишининг аҳамияти шундаки, биринчидан, давлат боғчаларига қамраб олинмаган болалар нодавлат боғчаларга жойлашиши мумкин. Иккинчидан, нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг ташкил этилиши аҳолини, хусусан, хотин-қизларни иш билан таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

2022 йилда 29 420 МТТ фаолият юритган, шундан 6 598 таси давлат, 22 822 таси нодавлат, яъни 833 та хусусий, 1 313 та ДХШ асосидаги ҳамда 20 676 оилавий МТТларидир.

2023 йилнинг август ойи ҳолатига республикада жами 30 792 та мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилган. Уларнинг 6 734 таси давлат ва 24 058 таси нодавлат, шундан 789 та хусусий, 21 941 та оилавий ва ДХШ асосидаги 1 328 та нодавлат



мактабгача таълим ташкилоти. Шунингдек, МТТларда 2 111 487 нафар ёки 72 фоиз болалар мактабгача таълимга қамраб олинган.

2024 йил февраль ҳолатига кўра, республика бўйича мактабгача таълим ташкилотлари сони 33 942 тани ташкил этди (6 780 таси давлат ва 27 162 таси нодавлат).

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг 847 таси хусусий, 1 388 таси давлат-хусусий шерикчилик асосидаги ва 24 927 таси оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этади.

Маълумот учун айтиб ўтиш лозимки, бугунги кунда Республика бўйича 2 930 844 нафар 3–7 ёшли болаларнинг 2 168 825 нафари ёки 74,0 фоизи мактабгача таълимга қамраб олинган. Бу кўрсаткич 2017 йилда 27,7% ни ташкил этар эди.

Мамлакат таълим тизимида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг ўрни катта. Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги бўшлиқларни тўлдиради. Айниқса, қишлоқ жойларда ёки давлат мактабгача таълим ташкилотлари талабни қондириш учун етарли бўлмаган ҳудудларда бу жуда катта самара беради. Қўшимча мактабгача таълим имкониятларини тақлиф қилиш орқали нодавлат ташкилотлар кўпроқ болаларга таълим олиш имкониятини беради ва шу билан таълимдаги тенгсизликни камайтиради.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари кўпинча турли хил таълим ёндашувлари ва дастурларини таклиф қилади. Одатда стандартлаштирилган ўқув дастурига амал қиладиган давлат мактабгача таълим ташкилотларидан фарқли ўлароқ, нодавлат ташкилотлар муқобил ўқитиш усуллари ва махсус ёндашувларни қўллаш учун мослашувчанликка эга. Бу хилма-хиллик ота-оналар ва тарбиячиларга уларнинг қадриятлари, афзалликлари ва болаларининг ўзига хос эҳтиёжларига мос келадиган таълим муҳитини танлаш имконини беради.

Бу таълим ташкилотлари кўпинча таълим соҳасида инновациялар ва рақобатни кучайтиради. Мактабгача таълим ташкилотлари ўртасидаги рақобат таълим сифатини, ўқитиш усулларини ва кўрсатилаётган умумий хизматларни яхшилашни рағбатлантиради. Натижада нодавлат таълим ташкилотлари мамлакатда боғча ёшидаги болалар таълимини ҳар томонлама яхшилашга ҳисса қўшади.

Мазкур мактабгача таълим ташкилотлари болаларнинг бир қисмини таълимга қамраб олиш орқали давлат мактабгача таълим ташкилотлари юкини енгиллаштиришга ёрдам беради. Бу давлат мактабгача таълим ташкилотларидаги тарбияланувчилар сонини камайтириб, болатарбиячи нисбатини оширади ва давлат мактабгача таълим ташкилотларига қатнайдиган болаларга индивидуал эътибор ва ёрдам кўрсатиш имконини беради.

Умуман олганда, Ўзбекистонда нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини кенгайтириш, инновацияларни рағбатлантириш, таълим сифатини ошириш, бандлик имкониятларини яратиш ва давлат мактабгача таълим тизимини энгиллаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Уларнинг мавжудлиги аҳоли учун кенгроқ таълим имкониятларини таъминлайди ва мамлакатдаги мактабгача таълим тизимини ҳар томонлама ривожлантириш ва такомиллаштиришга ҳисса қўшади.

### **Оилавий МТТ**

Оилавий мактабгача таълим ташкилотлари Ўзбекистон таълим тизимида кўп асосларга кўра муҳим аҳамиятга эгадир.

Аввало, оилавий мактабгача таълим ташкилотлари бошқа мактабгача таълим ташкилотларига нисбатан тежамкорроқ ҳисобланади. Жисмоний шахслар ёки оилалар томонидан бошқариладиган бу муассасалар кўпинча бошқа турдаги мактабгача таълим ташкилотларига қараганда камроқ тўлов олади, бу эса боғча таълимини оилалар, айниқса, кам таъминланганлар учун арзонроқ қилади. Бундан ташқари, оилавий мактабгача таълим ташкилотлари ишлайдиган ота-оналарнинг ёки мослашувчан жадвалга муҳтож бўлганларнинг эҳтиёжларини қондириш учун жуда қулайдир.

Шунингдек, оилавий мактабгача таълим ташкилотлари кўпинча маданий анъаналар ва

қадриятларни сақлашда муҳим роль ўйнайди. Ушбу муассасаларнинг аксарияти маҳаллий урф-одатлар, анъаналар ва тиллардан фойдаланишга, маданий элементларни ўз ўқув дастурларига киритишга эътибор қаратади. Бу орқали улар Ўзбекистоннинг бой маданий меросини асраб-авайлаш ва жамият интеграциясини ривожлантиришга фаол ҳисса қўшади.

Оилавий мактабгача таълим ташкилотлари одатда кичикроқ гуруҳларга эга бўлиб, тарбиячиларга ҳар бир болага кўпроқ индивидуал эътибор бериш имконини беради. Ушбу ёндашув ўзига хос ёрдамга муҳтож бўлган болаларга фойда келтиради, уларнинг ҳиссий ва ижтимоий ривожланишини самарали таъминлайди. Оилавий мактабгача таълим ташкилотларининг тарбиячилари ўқув дастурини болаларнинг индивидуал эҳтиёжлари ва қизиқишларига мослаштириши мумкин, бу эса ёшлигиданоқ ўрганишга бўлган меҳрни уйғотади.

Бу мактабгача таълим ташкилотлари уй ва расмий таълим ўртасида ҳал қилувчи кўприк бўлиб хизмат қилади. Улар ижтимоийлашув, асосий саводхонлик, ҳисоблаш ва муҳим ҳаётий кўникмалар каби асосий кўникмаларни жорий этиш орқали болаларни расмий мактабга ўтишга тайёрлайди. Оилавий мактабгача таълим ташкилотларида ҳар томонлама ривожланишга алоҳида эътибор қаратилаётгани болаларнинг келажакдаги ўқув муваффақияти ва умумий фаровонлиги учун мустаҳкам замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августда «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Шу қарор билан тасдиқланган Оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисидаги низом тасдиқланган. Мазкур низом оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг мақсади ва вазифаларини, уларнинг фаолиятини ташкил этиш, моддий-техник ва методик жиҳатдан таъминлаш, молиялаштириш, шунингдек, уларни бошқариш тартибини белгилайди.

Оилавий МТТ фақат давлат-хусусий шерикликнинг оилавий МТТни моддий-техник ва методик жиҳатдан таъминлаш шакли асосида ташкил этилади. Бу мактабгача таълим шаклида таълим хизматлари якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахслар томонидан кўрсатилади.

Мазкур МТТнинг мақсади қуйидагилар:

- мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш;
- таълим-тарбия бериш орқали болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш;
- болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш.

Оилавий МТТнинг вазифалари эса қуйидагилардир:

– таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини жорий этиш;

– болаларнинг ҳаётини муҳофаза қилиш ва соғлиғини мустаҳкамлаш;

– бола шахсини соғлом ва етук, мактабда ўқишга тайёрланган тарзда шакллантириш;

– болаларнинг интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожланишини таъминлаш;

– болаларда халқимизнинг юксак маънавияти ва инсонпарварлик анъаналарига садоқат туйғуларини шакллантириш.

Оилавий МТТлар ота-оналар билан келишув бўйича қўшимча хизматлар кўрсатиш (шу жумладан, ўқитувчилар, мураббийлар, тиббиёт ходимларини таклиф қилиш), белгиланган тартибда тарбияланувчилар сонидан келиб чиқиб субсидия маблағлари ҳисобидан 2,5 та штат бирлигигача тарбиячи ва 2 та штат бирлигигача тарбиячи-ёрдамчисини ёллаш, давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган тартибда ўз маблағлари ҳисобидан ташкилот ходимларининг малакасини ошириш, хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар ҳисобига ўз ходимлари ишини қўшимча равишда рағбатлантириш, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидия олиш ҳуқуқига эга.

Айтиш керакки, оилавий МТТлар очиш учун тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилган. 2018 йилдан давлат томонидан мазкур йўна-

лишдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун 3,5 триллион сўм субсидия ажратилган.

Оилавий МТТда 50 нафаргача болаларга тарбия берилишига йўл қўйилади. Бунда, оилавий МТТда ҳар битта гуруҳ 12 – 25 нафаргача турли ёшдаги болалардан иборат бўлади. Биринчи гуруҳда 25 нафар бола тўлиқ шаклантирилганидан кейин иккинчи гуруҳнинг очилишига йўл қўйилади. Иккинчи гуруҳ учун субсидиялар ушбу гуруҳга камида 12 нафар бола қабул қилинганидан сўнг белгиланган тартибда тўлаб берилади.

Муҳим жиҳатлардан бири шуки, оилавий МТТ ташкил этилиши режалаштирилаётган турар ёки нотурар жойда болаларнинг соғлом ўсиши ва тарбия олишлари учун зарур шарт-шароитлар бўлиши, бино ва иншоотлар ёнғин хавфсизлиги ҳамда санитария қоидалари ва гигиеник нормативларга жавоб бериши лозим.

Оилавий МТТда 5 кунлик иш ҳафтаси учун, қоида тариқасида, 9 соатли кунлик иш тартиби жорий этилади. Оилавий МТТ жойлашган ҳудудда яшайдиган аҳоли талабларидан келиб чиқиб 6 кунлик иш ҳафтаси ҳам жорий этилиши мумкин.

Оилавий МТТни бошқариш уни ташкил этган якка тартибдаги тадбиркор томонидан амалга оширилади. Оилавий МТТ фаолиятини назорат қилиш уни ташкил этган якка тартибдаги тадбиркор, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилади.

## **Давлат-хусусий шериклигидаги МТТлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги «Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар ва компенсациялар тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фаолият юритадиган мактабгача таълим ташкилотларига аниқ тафсиф берилган.

Унга биноан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фаолият юритадиган нодавлат мактабгача таълим ташкилотларига субсидиялар ва компенсациялар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим амал қилиш даврида, ўқув йили ва соғломлаштириш даври мобайнида ҳисобланади ва тўланади.

Ҳужжатда давлат-хусусий шериклиги давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришга асосланган мактабгача таълим соҳасидаги ўзаро самарали ҳамкорлиги деб изоҳланган.



Тартибга кўра, давлат шериги ва хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим томонларидир. Давлат шериги бу – Мактабгача таълим агентлиги, хусусий шерик эса қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини юритиш учун давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузган тадбиркорлик субъекти ҳисобланади.

Томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини ижро этишнинг бошқа шартларини белгиловчи давлат шериги ва хусусий шерик ўртасида тузилган шартнома давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим дейилади.

ДХШ асосидаги МТТга (оилавий МТТ бундан мустасно) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қуйидаги субсидиялар тўланади:

1. ДХШ асосидаги МТТга ушбу ташкилотларда таълим олаётган ҳар бир бола учун 9 соатлик иш режимидаги давлат мактабгача таълим ташкилотининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланадиган харажатлар суммасига нисбатан:

Тошкент шаҳрида – 30 фоиз миқдорида;

Нукус шаҳри ҳамда вилоятлар марказларида – 40 фоиз миқдорида;

олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ДХШ асосидаги МТТда – 75 фоиз миқдорида;

қолган ҳудудларда – 50 фоиз миқдорида;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги 3651-қарори билан тасдиқланган Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги низомда назарда тутилган хусусий шерик мулки негизида ташкил этилган ДХШ асосидаги МТТга директор, методист, тарбиячи, дефектолог, психолог, musiқа ходимларининг иш ҳақини тўлаш учун – давлат мактабгача таълим ташкилотларида ушбу ходимлар учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари ва миқдорларида;

3. Фарзанди ДХШ асосидаги МТТда таълим ва тарбия олаётган боқувчисини йўқотган аёлларнинг ота-оналар тўловини қоплаш учун – тегишли ҳудуддаги 9 соатлик иш режимидаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари учун белгиланган миқдорларда.

Олис ва чекка ҳудудларда жойлашган ДХШ асосидаги МТТда (оилавий МТТлар бундан мустасно) «Ёшлар дафтари», «Темир дафтар» ёки «Аёллар дафтари»га киритилган оилаларнинг ҳар бир тарбияланувчи фарзандлари учун мазкур дафтарлар жамғармалари ҳисобидан давлат мактабгача таълим ташкилотининг бир нафар тарбияланувчиси учун сарфланадиган харажатлар суммасининг 25 фоизи миқдориди субсидия тўланади.

ДХШ асосидаги МТТ (оилавий МТТлар бундан мустасно) ва бошқа нодавлат МТТга ҳисобот ойида фойдаланган электр энергияси ва табиий газ хизматлари нархининг 50 фоизи миқдориди Давлат бюджети маблағлари

ҳисобидан ҳар ойлик компенсация тўланади. Субсидия ажратиш давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда кўрсатилган муддат давомида амалга оширилади.

ДХШ асосидаги МТТга Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялар уларда таълим олаётган 3 ёш ва ундан катта ёшдаги (боқувчисини йўқотган аёлларнинг 2 ёш ва ундан катта ёшдаги), шу жумладан, 7 ёшга тўлган, бироқ мактабга қабул даврини кутаётган болалар учун тўланади.

ДХШ асосидаги ва бошқа нодавлат МТТ учун субсидиялар ва компенсацияларнинг қатъий миқдорлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Мактабгача таълим агентлиги томонидан ҳар йили апрель ойида – жорий йил апрель ойидан кейинги йилнинг март ойигача бўлган муддат учун тасдиқланади.

Йил давомида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорлари ва шартлари ўзгарган ҳолатларда ДХШ асосидаги МТТга тўланадиган иш ҳақи харажатлари учун субсидияларнинг миқдорлари қайта кўриб чиқилади.

### **Хусусий мактабгача таълим ташкилотлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

391-қарори билан Умумий турдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисидаги низом тасдиқланган. Мазкур низом умумий турдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотларининг мақсадлари ва вазифалари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Ушбу ҳужжатда нодавлат мактабгача таълим ташкилотига қонунчиликда белгиланган тартибда берилган лицензия асосида, шунингдек, илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ мактабгача таълим соҳасида таълим хизматларини кўрсатувчи юридик шахс деб таъриф берилган.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга эга, ўз мажбуриятлари бўйича ихтиёридаги мол-мулк билан жавоб беради, ўз номи ёзилган муҳр ва штампга эга бўлиши мумкин.

Қуйидагилар нодавлат мактабгача таълим ташкилотининг мақсадлари ҳисобланади:

- боланинг таълим олишга бўлган ҳуқуқини амалга оширишни таъминлаш;
- боланинг жисмоний, ақлий ва маънавий камолотини сақлаш ва мустаҳкамлаш;
- умумтаълим муассасаларида боланинг жамиятга мослашишини ва таълим олишни давом эттиришга тайёрлигини таъминлаш.

Қуйидагилар мактабгача таълим ташкилоти вазифалари ҳисобланади:

– болаларга, шу жумладан, ўзига хос эҳти-  
ёжлари бор болаларга якка тартибда таълим  
дастурларидан фойдаланиш, шунингдек, ўз  
вақтида инклюзив мактабгача таълим ва тар-  
бия олиш имконини берадиган қулай муҳит  
яратиш;

– болаларда Ватанга муҳаббат туйғусини,  
оилага, ўз халқининг миллий, тарихий, мада-  
ний қадриятларига ҳурмат билан муносабатда  
бўлишни, атроф-муҳитга эҳтиёткор муноса-  
батни шакллантириш;

– боланинг шахсини шакллантириш, унинг  
ижодий қобилиятларини ривожлантириш, иж-  
тимоий тажриба орттиришини таъминлаш;

– боланинг жамиятга мослашишини ва бош-  
ланғич таълимга тайёригини таъминлаш;

– таълим-тарбия жараёнига замонавий таъ-  
лим дастурлари ва технологияларни жорий  
этиш.

Мактабгача таълим ташкилотлари:

– илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривож-  
ланишига қўйиладиган давлат талабларига  
мувофиқ таълим-тарбия жараёнини амалга  
ошириши;

– мактабгача таълимнинг тегишли сифати-  
ни таъминлаши;

– болани тарбиялаш ва ўқитиш масалалари  
бўйича унинг қонуний вакилларига маслаҳат-  
лар билан ёрдам бериши;

– болаларни камол топтириш, тарбиялаш  
ва ўқитиш учун хавфсиз шарт-шароитларни  
яратиши;

– мактабгача таълим сифати таъминланишини назорат қилишда ваколатли давлат органларига кўмаклашиши шарт.

Мактабгача таълим ташкилотлари қуйидагилар учун жавоб беради:

– боланинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилиши;

– болалар мактабгача таълим ташкилотида бўлган вақтида уларнинг ҳаётини ҳимоя қилишни ва соғлиғини мустаҳкамлашни ташкил этиш;

– таълим-тарбия жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган шакллар, усуллар ва воситаларнинг болаларнинг ёш, руҳий ва физиологик хусусиятлари, қизиқишлари, қобилиятлари, манфаатлари ва эҳтиёжларига мувофиқ келмаслиги;

– болаларни умумтаълим муассасаларидаги бошланғич таълимга шахсга йўналтирилган ёндашувни қўллаган ҳолда тайёрлаш сифати;

– таълим дастурлари тегишли сифатда ва белгиланган ҳажмда амалга оширилишини таъминлаш.

Нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятига директор жорий раҳбарлик қилади ва муассис олдида ҳисоб беради.

Шу ўринда изоҳлаш ўринлики, оилавий, давлат-хусусий шериклик ва хусусий мактабгача таълим муассасалари асосан ташкил этилиши тартиблари ҳамда шартларига кўра фарқланади.

## Мобил (кўчма) боғчалар

2019 йилдан бошлаб Ўзбекистонда кўчма боғчалар фаолияти йўлга қўйилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Мобил гуруҳлар базасида мактабгача таълим хизматларини кўрсатиш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида» қарори билан республиканинг барча ҳудудларида ИСУЗУ қайта жиҳозланган автобуслари негизида «Ақвой» номли мобил мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. «Ақвой» мобил боғчалари мактабгача таълим ташкилотлари бўлмаган чекка ҳудудлардаги болаларга бепул хизмат кўрсатади.

Дастлаб 16 та автобус ташкил этилиб, улар Ўзбекистоннинг барча ҳудудларини қамраб олди. Бундан ташқари, хавфсизликни таъминлаш ва мобил гуруҳлар тарбияланувчилари ўйнаши учун шароит яратиш мақсадида барча зарур ўйин жиҳозлари ва дидактик материаллар билан жиҳозланган кўплаб ўйин майдончалари қурилди. Айтиш керакки, креатив ва инновацион ушбу лойиҳа орқали болаларни боғчага қамраб олиш кўрсаткичлари сезиларли даражада ошди.

Ушбу гуруҳларга болаларни мактабгача таълим билан энг кам қамраб олинган, болалар боғчалари мавжуд бўлмаган чекка ҳудудларда очилмоқда. Мобил боғчаларда ҳамшира йўқлиги боис тарбиячилар зарурий тиббий билим ва кўникмалар бўйича тайёргарликдан ўтган.

Бундай боғчаларда болаларга таълим бериш методикаси, машғулотлар ўтказиш учун яратилган қулайликлар чет эл тажрибасига тўла мос келади.

2020 йилда Мактабгача таълим вазирлиги 49 та «Ақдвой» автобуси – мобил боғчаларнинг янги партиясини фойдаланишга топширди. Автобус салони болаларга қулай шароитга эга, турли ҳаво шароитларига мослаштирилган.

Дарслар ҳаво илиқ бўлган ҳолларда ташқарига ўрнатилган майдончаларда, совуқ бўлганда эса кондиционер ўрнатилган иссиқ автобус салоида олиб борилади. Кондиционер табиий қуёш энергиясидан ток олади.

2023 йилда мактабгача таълим билан қамраб олинган 661 945 нафар (93 %) 6 ёшли болаларнинг 787 нафари мобил гуруҳларга қамраб олинди.

### **Стратегик натижалар**

Ўзбекистонда мактабгача таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсадлари кўп қиррали бўлиб, мамлакатда мактабгача таълим сифати ва ундан фойдаланиш имкониятларини оширишга қаратилган. Келинг, ушбу мақсадларни ва улар натижасида юзага келган ижобий ҳолатларини батафсил таҳлил қилайлик.

**Биринчидан**, имконият ва қамров кўрсаткичи оширилди. Ўзбекистонда мактабгача таълим тизимидаги ислоҳотларнинг асосий



мақсадларидан бири барча болалар учун эрта таълимдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришдан иборат. Бунга қишлоқ жойларда янги мактабгача таълим муассасалари қуриш, мавжуд муассасалардаги ўринлар сонини кўпайтириш, ота-оналарни фарзандларини мактабгача таълим муассасаларига жалб этишни рағбатлантириш орқали эришилмоқда. Натижада қамров даражаси бир неча баробар ошди, бу эса болаларга таълимнинг мустаҳкам пойдеворидан фойдаланиш имконини берди.

**Иккинчидан,** ўқув дастурлари ва ўқитиш усулларининг такомиллаштирилиши: Мактабгача таълим тизимидаги ислоҳотларда боланинг ҳар томонлама ривожланишига урғу берадиган янги ўқув дастурини жорий этиш орқали таълим сифатини оширишга интилмоқда. Ўқув дастури когнитив, жисмоний, ижтимоий ва ҳиссий ривожланишга мувоzanатли ёндашувни ўз ичига олади. Бундан ташқари, ўқитувчи-тарбиячилар инновацион ўқитиш усулларини, жумладан, ўйинга асосланган таълим ва интерфаол ёндашувларни жорий этиш бўйича малакаларни ўзлаштиришга ўтдилар. Бу болалар учун янада қизиқарли ва самарали ўрганиш тажрибасини берди.

**Учинчидан,** инфратузилма ва ресурсларни такомиллаштирилади. Ислоҳотларнинг яна бир мақсади мактабгача таълим муассасалари инфратузилмасини янгилаш, самарали ўқи-

тиш ва таълим олиш учун зарур ресурслар билан таъминлашдан иборат. Бу мавжуд биноларни таъмирлаш, болалар учун қулай муҳит яратиш, мактабгача таълим муассасаларини тегишли ўқув материаллари, китоблар ва ўйинчоқлар билан жиҳозлашдан иборат. Ушбу яхшиланишлар болалар учун янада қулай ва рағбатлантирувчи таълим муҳитини яратди.

**Тўртинчидан,** тарбиячи-педагогларнинг тайёргарлиги ва малакаси оширилмоқда. Болалар ривожланиши ҳақидаги билимлар ва болалар билан ишлаш усуллари ривожлантириш учун ўқув дастурлари ишлаб чиқилган. Болаларга юқори сифатли таълим ва тарбия беришга қодир бўлган малакали ва ғайратли тарбиячи-ўқитувчилар таркиби шаклланишига олиб келмоқда.

Мактабга тайёргарлик сифатини ошириш, ўқув режаси ва ўқитиш усуллари такомиллаштириш болаларда асосий кўникмаларни ривожлантиришга ёрдам берди, уларнинг бошланғич мактабга тайёргарлигини оширди. Улар мактабга саводхонлик, ҳисоблаш ва ижтимоий кўникмалар бўйича мустаҳкам пойдевор билан киришади, бу уларга академик ва ижтимоий муваффақиятларга эришиш имконини беради.

**Юқори сифатли таълим.** Инфратузилма, ўқув ресурслари ва ўқитувчилар малакасини ошириш Ўзбекистонда мактабгача таълимнинг умумий сифатини оширди.

Таълим соҳасидаги тенгсизликлар бартараф этилмоқда. Қишлоқ жойларда ҳам мактабгача таълим муассасаларига бориш имкониятининг кенгайиши ва мақсадли йўналтириш орқали ислоҳотлар шаҳар ва қишлоқ жамоалари ўртасидаги таълимдаги тафовутларни сезиларли даражада қисқартирди. Кам таъминланган оилалардан бўлган кўпроқ болалар мактабгача таълим муассасаларига кириш имконига эга бўлиб, эрта таълимдаги номутаносибликни камайтиради.

**Кенгайтирилган ижтимоий интеграция.** Мактабгача таълим муассасалари турли муҳитдаги болалар учун қимматли ижтимоийлашув имкониятларини тақдим этади.

## 2 БОБ. МАКТАБ ТАЪЛИМИ

### Ўқувчилар қалбига йўл

Таълим болаларга оламни англаши, турли маданиятлар, жамиятлар ва дунёнинг мураккабликларини тушуниши учун зарур кўникмалар беради. Тарих, география, физика ва адабиёт каби фанларни ўрганиш орқали болалар кенгроқ дунёқарашга эга бўлиб, уларда танқидий фикрлаш, ижодий ёндашув каби хусусиятлар шаклланади.

Мактаб таълими болага ахлоқий-тарбиявий қадриятларни ўргатиш орқали уларнинг қалбига инсонийликни сингдиради. Адабиёт, ижтимоий фанлар ва ахлоқий тарбия орқали болалар меҳр-оқибат, ҳурмат ва ҳамкорликнинг аҳамиятини билиб оладилар.

Таълим болаларга ўзларини яхшироқ тушунишга имкон бериш орқали шахсий ривожланишга ёрдам беради. Бу орқали бола ўзини намоён қилиш, шахсий қадриятлар ва эътиқодларни ривожлантириш имкониятларига эга бўлади.

Санъат, мусиқа ва жисмоний тарбия каби машғулотлар билан шуғулланиш орқали болалар ўзларининг кучли томонларини, қизиқишларини ва ҳис-туйғуларини ўрганишлари ва тушунишлари мумкин, бу уларнинг ўзини ўзи қадрлаши ва умумий шахсий ўсиши учун жуда муҳимдир.

Мамлакатимизда умумий ўрта таълим ўқувчиларда умумтаълим ўқув дастурларини, зарур билим, малака ҳамда кўникмаларни ўзлаштиришга қаратилган.

### **Умумий ўрта таълим босқичлари**

Умумий ўрта таълим (I–XI синфлар) босқичлари қуйидагилардан иборат:

- бошланғич таълим (I–IV синфлар);
- таянч ўрта таълим (V–IX синфлар);
- ўрта таълим (X–XI синфлар).

Умумий ўрта таълим ташкилотининг биринчи синфига болалар улар етти ёшга тўладиган йилда қабул қилинади.

Бошланғич таълим таълим олувчиларда умумий ўрта таълимни давом эттириш учун зарур бўлган саводхонлик, билим, малака ва кўникмалар асосларини шакллантиришга қаратилган. Бошланғич таълим умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи ҳисобланади. Бошланғич таълим 1–4-синфларда болаларга илк таълим бериш, уларни маънавий камол топтиришнинг бошланиш давридир. Бунда таълим мазмунини белгилаш муҳим аҳамиятга эга. Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган саводхонлик, билим ва кўникма асосларини шакллантиришга қаратилган.

Таянч ўрта таълим таълим олувчиларга билим, малака ва кўникмаларнинг зарурий ҳаж-

мини беради, уларда мустақил фикрлаш ва таҳлил қилиш қобилиятини ривожлантиради.

Таянч ўрта таълим доирасида (VII синфдан сўнг) таълим олувчиларда касблар бўйича бирламчи билим ва кўникмаларни шакллантириш учун уларни профессионал ташхислаш, касбга йўналтириш бўйича чоралар амалга оширилади.

Ўрта таълим ўқув дастурига мувофиқ, таълим олувчилар томонидан зарур билим, малака ва кўникмалар ўзлаштирилишини, шунингдек таълимнинг кейинги тури танланишини ҳамда юқори малака талаб қилинмайдиган касблар эгалланишини таъминлайди.

Профессионал ташхислаш ва касб-ҳунарга йўналтириш, шунингдек, таълим олувчиларни юқори малака талаб қилинмайдиган касбларга тайёрлаш тартиби қонунчиликда белгиланади.

Умумий ўрта таълим умумий ўрта таълим ташкилотларида узлуксиз тарзда, мажбурий бўлган ўн бир йил давомида амалга оширилади.

Ўрта махсус таълим академик лицейларда тўққиз йиллик таянч ўрта таълим асосида икки йил мобайнида амалга оширилади ва таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятларининг жадал ривожланишини, шунингдек, чуқур, табақалаштирилган, касб-ҳунарга ва шахсга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

Иқтидорли ва истеъдодли болаларнинг қобилиятини ривожлантириш учун Президент,

ижод ва бошқа ихтисослаштирилган мактаблар, шунингдек мактаб-интернатлар ташкил этилиши мумкин.

Жисмоний, ақлий, сенсор (сезги) ёки руҳий нуқсонлари бўлган болалар, шунингдек, узоқ вақт даволанишга муҳтож бўлган болалар давлат ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим ташкилотларида инклюзив шаклда ёки уй шароитларида яқка тартибда таълим олади.

### **Ўн бир йиллик таълимга қайтиш**

Таълим тизимидаги мажбурий касб-ҳунар коллежларнинг самарасиз фаолияти жиддий оқибатларга ҳосил қилиб, кўпчилик учун муаммоларни юзага келтирди. Бу биринчидан, коллежларда ўқитиш сифатининг пастлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, ўқувчиларнинг оилавий муҳитдан узоқлашиб кетиши уларнинг тарбияси, маънавий-руҳий оламига салбий таъсир кўрсатди, учинчидан, коллежлар касб-ҳунар ўргатиш жараёни тизимли йўлга қўйилмади.

Тўртинчидан, коллежни битириш арафасида уч томонлама шартномани тўлдириш масаласи битирувчиларнинг, иш билан таъминлаш борасида давлат ва жамиятнинг асосий муаммосига айланиб қолган эди.

2017 йил июнь ойида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев масъуларга 11 йиллик таъ-

лимнинг ижобий томонларини тушунтириб берган эди:

**«Юқори синфларда болалар шахс сифатида шаклланади, жамоага бирлашади. Айнан шу даврда уларни ўзлари учун одадий бўлган муҳитдан ажратиш мумкин эмас. Бу ёшларнинг руҳиятига, охир-оқибатда эса таълим ва тарбия савиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис таълим жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш, ўқув дастурларини такомиллаштириш зарур».**

Тизимли тайёргарлик жараёнларидан кейин юртимизда 11 йиллик мактаб таълим тизими тикланди ва доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.

### **Ҳуқуқий асослар такомиллашиши**

Ҳар бир соҳанинг ривожланиши аввало қонунчилик такомиллашиши билан боғлиқ бўлади. Шу маънода, мамлакатимизда таълимга оид қонунчиликни замонавий тенденциялар асосида такомиллаштириш зарурати катта эди.

1997 йилдан буён амал қилиб келган «Таълим тўғрисида» қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлар дунёда ривожланиб бораётган қонунчилик амалиётидан анча орқада қолган эди.

Шунинг учун «Таълим тўғрисида» қонунни такомиллаштириш, жаҳон тажрибаси, янги



ислоҳотлар мазмун-моҳиятига мувофиқ равишда янгилашга киришилди. Бу борада кенг қамровли муҳокамалар, чуқур таҳлиллар олиб борилди.

Мазкур қонуннинг янгиланган таҳрири 2020 йил 23 сентябрида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланди. Шу тарзда Янги Ўзбекистонда тизимли таълим ислоҳотларини амалга ошириш, соҳани янгича мазмун ва руҳиятда ривожлантириш бўйича ҳуқуқий асос, айтиш мумкинки, бутунлай янгиланди.

***Давлат ташкилотларининг таълим жараёнларини ташкил этиш билан боғлиқ ваколат ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди.*** Ҳукумат, вазирлик, агентлик ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари тафсилотлари билан аниқлаштирилди.

Таълим жараёни иштирок этувчиларнинг ҳуқуқий мақомига кўпроқ эътибор қаратилди. Жумладан, педагогик ходимлар, таълим олувчилар, уларнинг ота-оналари ва бошқа қонуний вакиллари – ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва кафолатлар бўйича таснифланди. Қонунда таълим-тарбия жараёни иштирокчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирлари кафолатланди.

***Яна бир муҳим жиҳат шундаки, қонун билан*** давлат таълим стандартлари ва талаблари, ўқув жараёнига ўқув режалари ва

дастурларини, таълим соҳасига экспериментал ва инновацион фаолият таълимни жорий этиш билан боғлиқ масалалар тартибга солинди. Ўқишга қабул қилиш, жумладан, мақсадли қабул қилиш механизми баён этилди.

Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижтимоий-иқтисодий келиб чиқиши, жинси, этник келиб чиқиши ёки ногиронлигидан қатъи назар, барча шахслар учун таълим олиш ҳуқуқидан тенг фойдаланишни кафолатлашга асос бўлди.

Таълим тўғрисидаги қонунчилик ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, ўқитувчилар малакаси, инфратузилма ва баҳолаш тизимлари учун стандартлар ва қоидаларни белгилайди. Аниқ кўрсатмаларни белгилаш орқали қонунчилик таълим сифатини оширишга ёрдам беради, ўқувчиларнинг шахсий ўсиши ва келажакдаги касби учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни олишини таъминлайди.

Шунингдек, таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ўқувчилар, ота-оналар ва ўқитувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи қоидаларни ўз ичига олади. У таълим муассасаларида камситиш, таъқиб қилиш ва суиистеъмол қилишга қарши кафолатларни белгилайди.

Мактаб таълимига оид такомиллашган қонунчилик таълим соҳасида жавобгарлик учун асос яратади. Мониторинг ва баҳолаш механизмларини ўрнатиш орқали таълим му-

ассасаларининг зарур стандартларга жавоб бериши ва сифатли таълим берилишини таъминлайди.

Умуман, мактаб таълимига доир қонун ҳужжатларининг ислоҳ этилиши таълимдан тенг фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Сифат стандартларини қўллаб-қувватлайди, ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилади, масъулият ва инновацияларни рағбатлантиради, халқаро ҳамкорликни осонлаштиради.

### **Ўқитувчи-педагог ходимларнинг касбий фаолиятига аралashiш, тўсқинлик қилиш тақиқланди**

Ўқитувчилик катта шарафли, шу билан бирга, машаққатли касб. Лекин фарзандларимизга таълим ва тарбия бераётган ўқитувчи (педагог)ларнинг машаққатли меҳнатини билмайдиган, қадрламайдиган, уларнинг касбий фаолиятига асосиз равишда аралашадиган кишилар ҳам учраб туради. Айниқса, ўқитувчи-педагогнинг ўз бурчи-вазифасини бажаришига тўсқинлик қилиш ҳолатлари таълим учун, ўқувчи ёшлар учун, умуман, бутун жамиятимиз учун зарарли иллатдир.

Бундай ўта салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва педагоглар фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида 2020 йилда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш

ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Унга мувофиқ, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс янги модда билан тўлдирилди. Унда таълим муассасаси педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралashiш ёки таълим муассасаси педагог ходимининг хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилиш жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланди.

Ҳуқуқбузарлик содир этилганида таълим муассасаси педагог ходими маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузмасдан судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлди.

### **Конституция кафолати мустақкамланди**

2023 йил 1 майдан кучга кирган янгиланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам бир қатор нормалар белгиланди.

Жумладан, ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгаллиги, давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлаши, давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлаши қайд этилди.

Умумий ўрта таълим мажбурийлиги, мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълим давлат назоратида эканлиги белгилаб қўйилди.

Яна бир муҳим норма белгиландики, бу жуда катта аҳамиятга эгадир. Яъни, боланинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай ҳаракатлар тақиқланди.

Мамлакатимиз тарихида биринчи марта давлат ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этиши мустаҳкамланди.

Шунингдек, давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиши, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши ҳам белгиланди.

### **Педагог мақоми қонун билан ҳимояланди**

2024 йил 1 февралдан Ўзбекистон Республикасида «Педагогнинг мақоми тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Ушбу қонун ҳам тарихий, ҳам ижтимоий-ҳуқуқий, ҳам маънавий-руҳий жиҳатдан муҳимдир. Унда педагогнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда педагог фаолиятининг асосий кафолатлари мустаҳкамланди.

Хусусан:

– педагогни касбий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, шу жумладан ҳудудларни

ободонлаштиришга, қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилиш тақиқланди;

– давлат таълим ташкилотларида илмий фаолият билан шуғулланган педагогнинг базавий лавозим маошига тўланадиган устаманинг миқдорлари қонун даражасида белгиланган бўлди;

– умумий ўрта таълим ташкилотида илк бор касбий фаолият бошлаётган шахсга бир ўқув йили даврига мураббийликни амалга оширувчи педагог бириктириладиган бўлди;

– давлат таълим ташкилотларида фаолият юритаётган педагоглар давлат томонидан ўқув қўлланмалар, бирламчи ўқув-услубий материаллар ва ўқув қуроллари билан бепул таъминланиши белгиланди;

– педагогик фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайдиган шахслар тоифалари белгиланди;

– педагог ходимнинг касбий фаолияти давомида юқумли касалликларга қарши бепул профилактик эмлаш давлат томонидан таъминланиши кафолатланди.

Қонун жамиятимизда педагог касбининг аҳамияти ва нуфузини оширишга, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга, касбий фаолиятига ноқонуний аралашувлардан ҳимоя қилишга ҳамда меҳнатни муносиб рағбатлантириш имкониятлари кенгайтиришга хизмат қилади.

## Стратегик дастур ва қарорлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги фармони билан қабул қилинган «2022–2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастур» ҳам мактаб таълими фаолиятининг такомиллашишида катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Жумладан, қуйидагилар ривожлантириш дастурининг асосий йўналишлари этиб белгиланган:

– мактаб таълимига илғор халқаро тажрибалар асосида ишлаб чиқилган Миллий ўқув дастурини тўлақонли жорий этиш, маҳаллий ва хорижий муаллифлар томонидан яратилган замонавий дарсликларни амалиётга киритиш;

– жамиятда ўқитувчи касби нуфузини ошириш, педагоглар учун қулай ижтимоий шароитлар яратиш ва меҳнатини муносиб рағбатлантириш;

– ўқитувчиларнинг ёшларга таълим ва тарбия беришдаги масъулиятини, доимий касбий ривожланишдаги талабчанлигини ошириш;

– умумий ўрта таълим муассасалари учун миллий кадрлар захирасини шакллантириш, илғор мактаб директори ва намунали ўқитувчи мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда улар асосида раҳбар ва педагог кадрлар фаолиятини баҳолаб бориш;

– умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил

этиш, мазкур йўналишда узлуксиз мониторинг, баҳолаш ва прогнозлаш механизмларини йўлга қўйиш, бола таълим-тарбиясида оила, айниқса, ота-онанинг ўрнини ошириш;

– ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни касбларга йўналтириш тизимини такомиллаштириш;

– алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларнинг мактабгача ва мактаб таълими тизимига интеграциясини кучайтириш ҳамда инклюзив таълим жараёнларини жадаллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 февралда «Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинган. Унга биноан халқ таълими тизимини янада ривожлантириш, соҳага доир янги ташаббусларни илгари суриш ва уларни қўллаб-қувватлаш, таълим ва тарбия сифатига бевосита ва билвосита таъсир қилиши мумкин бўлган масалаларни ҳал қилиш, масъул вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича миллий кенгаш ташкил этилиши белгиланган. Республика кенгашига раисликни шахсан Президент ўзиммасига олган. Кенгашнинг маҳаллий Кенгашларга раислик қилиш эса вилоят ҳокимларига юклатилган.



Фармойишга кўра, Миллий кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

– миллий таълим тизимини йўлга қўйиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини замон талаблари асосида такомиллаштириш ҳамда уларнинг янги авлодини яратиш, ўқув дастурларини илғор хорижий тажриба асосида оптималлаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

– ўқитувчи касбининг мақоми ва обрўсини кўтариш, уларнинг моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватланишини таъминлаш, самарали меҳнат фаолияти учун муносиб шароитлар яратиш;

– Янги Ўзбекистон тараққиёти, бой маданий-тарихий мерос, миллий урф-одат, ватанпарварлик ва умуминсоний қадриятлар ғоялари асосида маънавий етук авлодни тарбиялашнинг самарали педагогик шакл ва методлари татбиқ этилишини ташкиллаштириш;

– халқ таълими соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкиллаштириш, мазкур соҳадаги қонунчилик ҳужжатларини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш;

– халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича туман (шаҳар) кесимида ишлаб чиқилган йиллик ҳудудий дастурларнинг вазирлик, идора ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан тўлиқ ҳамда ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш.

Умуман, кейинги йилларда мактаб таълими тизимининг ҳуқуқий асослари тубдан тақомиллаштирилди. Бу жараён ҳаётий эҳтиёж ва илғор тажрибалар асосида мунтазам, изчил давом этмоқда.

### **Реал ва амалий натижалар**

Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 30 сентябрь куни Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида шундай деди:

«Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда Учинчи Ренессансни йигирманчи асрда маърифатпарвар жадид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Нега деганда, бу фидойи ва жонкуяр зотлар бутун умрларини миллий уйғониш ғоясига бағишлаб, ўлкани жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, миллатимизни ғафлат ботқоғидан қутқариш учун бор куч ва имкониятларини сафарбар этдилар. Шу йўлда улар ўзларининг азиз жонларини ҳам қурбон қилдилар. Улар **«Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас»**, деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар. Миллий истиқлол, тараққиёт ва фаровонликка, аввало, маърифат орқали, дунёвий ва диний билим, замонавий илм-хунарларни чуқур эгаллаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисобладилар...

Минг афсуски, жадид боболаримиз ўз олди-га қўйган эзгу мақсадларни амалга оширишга мавжуд вазият, ижтимоий тузум йўл бермади. Маърифат фидойилари ўша даврнинг турли жоҳил кимсаларининг туҳмат-маломатларига дучор бўдилар. Аввал чор ҳукумати, кейинчалик совет ҳукумати уларни аёвсиз қувғун ва қатағон қилди. Шу тариқа миллий уйғониш ва тараққиёт ҳаракати эл-юртимиз учун армон бўлиб қолди.

Ватанимиз озодлиги ва халқимиз бахт-саодати йўлида жонини фидо қилган жадидларнинг илмий-маърифий, адабий-бадий мероси биз учун бугун ҳам беқиёс аҳамиятга эга».

Президент армон билан таъкидлаган мақсадлар энди Янги Ўзбекистонда амалга оширилиши имкониятлари очилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 10 200 дан ортиқ мактаб фаолият юритмоқда. Қайд этиш жоизки, кейинги йилларда 800 га яқин янги мактаб барпо этилди. Бу мактабларда 6,4 миллиондан зиёд ўқувчи таълим олмақда, 500 минг нафарда ортиқ ўқитувчи-педагог эса болаларга таълим беришмоқда.

Ўқитувчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қисқа даврда ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 2,5 бараварга ошди. Жумладан, чет тили, ахборот технологиялари, математика, кимё, биология бўйича миллий ва халқаро сертификати бор ўқитувчиларга устама, чекка

ҳудудга бориб ишлаган муаллимларга алоҳида тўлов жорий этилди.

Мактаблар юкламасини камайтириш мақсадида 700 минг ўқувчи ўрни яратилди. Бу ўтган даврга қараганда 15 баробар кўп, дегани.

«2022–2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент фармони ижросини таъминлаш мақсадида умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва бу борада мактаб директори, ота-оналар ва маҳалла раислари масъулиятини кучайтириш учун Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб республиканинг барча туман (шаҳар)лари кесимида намунали мактаблар рейтингини шакллантириш йўлга қўйилди.

Рейтинг доирасида ҳар ўқув йили якунида умумий ўрта таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳолати Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган мезонлар бўйича баҳолаб борилади.

Рейтинг кўрсаткичлари асосида «қизил» тоифага киритилган умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича зарур чоралар кўриладиган бўлди.

Айтиш лозимки, бу мактаблар ўртасидаги соғлом рақобатни ривожлантиради ҳамда

мактаб фаолиятига ҳар бир инсоннинг дахлдорлик ҳиссини кучайтиради. Чунки ҳудудидаги мактабнинг «қизил» тоифага тушиб қолишини ҳеч ким истамайди. Бу мактабда кимнингдир фарзанди, яна кимнингдир невараси таълим олади. Истаймизми йўқми, мактаб таълими ҳар бир одамни ўйлашга мажбур қилади. Шу сабабли юқоридаги тартиб мактаб таълимини ислоҳ қилишда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

Мазкур тартибга асосан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази бошқа вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб рейтинг кўрсаткичлари асосида «қизил» тоифага киритилган умумий ўрта таълим муассасаларида:

– зиёли ва нурунийлар, илғор тадбиркорлар, кластер ва саноат корхоналари раҳбарлари, машҳур санъаткор, спортчи ва актёрлар, таниқли блогерларни жалб қилган ҳолда мактаб ўқувчилари билан учрашувлар, мотивацион суҳбатлар ва маҳорат дарсларини ташкил этиш;

– ўқувчиларнинг меъморий ва тарихий обидалар, маданият муассасалари ҳамда муҳофазат этиладиган табиий ҳудудларга саёҳатини уюштириш;

– ўқувчиларнинг қизиқишлари, талаб ва истакларидан келиб чиқиб спорт мусобақала-

ри, концерт томошалари ва санъат асарлари кўргазмаларини ўтказиш;

– ҳаётӣ мисоллар асосида ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги ўрни, мажбурияти ва масъулияти ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш, уларни қизиқтирган ва хавотирга солаётган масалалар бўйича очиқ мулоқотлар ҳамда ўқув-семинарларни ташкил этиш белгиланган.

Тан олиб айтиш зарурки, бу каби амалий ишларни қилиш ўқувчилар тафаккурига жуда катта ижобий ўзгаришларни олиб киради. Бу ташаббуслар мактаб ўқувчиларига ҳар томонлама баркамол таълим-тарбия бериш, уларнинг ҳар томонлама камол топишида муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу тадбирлар бир қатор афзалликларни юзага келтиради. Жумладан, учрашувлар, суҳбатлар ва маҳорат дарслари орқали мактаб ўқувчиларини зиёлилар, нуронийлар, тадбиркорлар, рассомлар, спортчилар ва бошқа етук шахслар билан боғлаш жуда илҳомлантирувчи бўлади. Бу уларга турли истиқболлар, муваффақиятлар тарихи ва амалий билимларни очиб беради. Ҳамда уларни ўз орзуларига интилишга, мақсадлар қўйишга ва мукамалликка эришиш йўлида ишлашга ундайди.

Тарихий ёдгорликлар, маданий муассасалар ва табиий ҳудудларга бориш ўқувчиларга дунёқарашини кенгайтириш ва ўз мамлакатининг мероси ва табиий гўзалликларини қадрлаш им-

кониятини беради. Бу миллат маданияти, мамлакат тарихи ва атроф-муҳитини тушуниш ва ҳурмат қилиш ҳиссини ривожлантиради.

Ота-оналар учун ўқув семинарлари ва очиқ мулоқотлар ўтказиш уларнинг фарзандларини тарбиялашдаги роли, мажбуриятлари ва масъулиятини кучайтиради. Ҳаётий мисолларни баҳам кўриш ва тегишли муаммоларни муҳокама қилиш ота-оналарга уларнинг иштироки муҳимлигини тушунишга ёрдам беради, ота-оналар ва болаларнинг ижобий муносабатларини ривожлантиради.

Мазкур тадбирларни амалга ошириш орқали мактаблар ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишига, уларнинг истеъдодини тарбиялашга, қадриятларни сингдиришга, ватанпарварлик туйғусини ўстиришга, маданий ва илмий онгни ўстиришга ҳисса қўшади. Бу ташаббуслар бойитилган таълим муҳитини яратиб, ўз мамлакати тараққиёти ва равнақига ҳисса қўша оладиган масъулиятли, баркамол фуқароларга замин яратади.

Ҳар чоракда намунали ўқувчиларнинг ота-оналарини рағбатлантириш, уларга «миннатдорчилик хати»ни топшириш ва совғалар тақдим этиш, шунингдек, фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш амалиёти йўлга қўйилди.

Намунали ўқувчиларнинг ота-оналарини рағбатлантириш ва эътироф этиш жуда муҳимдир. Ота-оналарни намунали ўқувчиларни

тарбиялашдаги роли учун эътироф этиш ва уларга миннатдорчилик билдириш жамиятда ибратни кўпайтиради. Бу бошқа ота-оналарни фарзандининг таълимида фаол иштирок этишга ундайди. Қадрлаш ва ўзаро ҳурматга асосланган ижобий муносабатларни ўрнатади, бу эса ўқувчиларнинг ўқиши ва ривожланишини қўллаб-қувватлайди.

Оммавий ахборот воситаларида намунали ўқувчиларнинг ота-оналари фаолияти ва ютуқларини намойиш этиш бошқаларга ҳам илҳом беради. Бу ота-оналар иштирокининг ўқувчилар муваффақиятига ижобий таъсирини таъкидлаб, бошқа ота-оналарни ҳам фарзандининг таълимида иштирок этишга ундайди. Бу амалиёт ота-оналарнинг жамиятда иштирок этиш маданиятини шакллантиришга ёрдам беради.

2023 йили Республика илмий-методик маркази ташкил этилган эди. 2024 йил аввалида Лойиҳа офиси ташкил қилинди.

Марказ ва офисга тегишли вазирликлар билан биргаликда бир қатор вазифалар юкланди. Жумладан,

– мактабларда математика, физика, кимё, биология ва хорижий тиллар бўйича ўқув режа ва дастурларини халқаро стандартлар асосида янгилаш;

– ўқувчилар билими, таҳлилий, танқидий ва креатив фикрлаши, муаммоларга ечим топиб, амалиётда қўллаш олиш кўникмаларини шакл-



лантиришга қаратилган ўқув методикаларини ишлаб чиқиш топширилди.

Бунда, хорижий дастурлар (A-level, IB каби), ўқувчи ва ўқитувчилар билимини баҳолашда халқаро тажрибалар (PISA, TIMSS, PIRLS) босқичма-босқич жорий этилиши кўзда тутилган.

### **Халқаро даражадаги натижалар учун рағбат**

Улфайиб келаётган ёш авлоднинг илм эгаллашга иштиёқи ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини такомиллаштириш зарурати мавжуд эди.

Ёшларни амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айлантириш, илм-фанни ўрганишга рағбатни ошириш, изланувчанлик ва яратувчанлик фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида Фан олимпиадалари бўйича иқтидорли ўқувчилар билан ишлаш департаменти ташкил этилди.

Департаментнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгиланган:

– иқтидорли ўқувчи ёшларни аниқлаш, улар фаолиятини илмий ва услубий жиҳатдан таъминлаб бориш, соҳада илғор тажрибаларни оммалаштириш ва улар асосида таълим муассасалари учун тавсия ва қўлланмалар ишлаб чиқиш;

– юқори малакали мутахассисларни жалб қилган ҳолда олимпиадалар учун доимий янги назорат материалларини ишлаб чиқиш;

– олимпиадаларда юқори натижаларни қайд этган иқтидорли ўқувчиларнинг келгусидаги фаолиятини мониторинг қилиб бориш ва қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.

Белгиланган тартибга кўра, халқаро олимпиадалар ғолиблари ва уларнинг ўқитувчилари базавий ҳисоблаш миқдорининг қуйидаги миқдорларида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланадиган бўлди: 1 ўрин (олтин медаль) учун – 500, ўқитувчисига – 450 баравари; 2 ўрин (кумуш медаль) учун – 300, ўқитувчисига – 250 баравари; 3 ўрин (бронза медаль) учун – 200, ўқитувчисига – 150 баравари.

Асосий олимпиадалар республика босқичи ғолибларининг ўқитувчилари базавий ҳисоблаш миқдорининг қуйидаги миқдорларида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланади: 1 ўрин учун – 50 баравари; 2 ўрин учун – 35 баравари; 3 ўрин учун – 30 баравари.

Эътиборли жиҳати шуки, халқаро олимпиадалар ғолибларини тайёрлаган ўқитувчилар ва таълим муассасаси директорларига навбатдаги ўқув йили учун директор жамғармасидан олтин, кумуш ва бронза медаллари бўйича тегишинча қўшимча 200, 175 ва 150 фоизлик устама тўланади.

Шу қаторда таълим муассасаларида ўқитувчи бўлиб фаолият юритаётган халқаро олимпиадалар ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 150 фоиз асосий олимпиадалар республика босқичи ғолиблари лавозим маошига ҳар ой 100 фоизлик устама ҳақи тўланади.

Бундай катта ва тизимли рағбат яқин йилларгача юртимиздаги педагоглар, таълим соҳаси фидойилари учун орзу қилиб бўлмайдиган даража эди, тўғриси.

### **Таълим сифатини халқаро стандартлар асосида баҳолаш**

Таълимда туб ислоҳотларни амалга оширишдан пировард мақсад инсон капиталини илғор мамлакатлар даражасида ривожлантириш, ўқувчилар, ёшларнинг етук даражада таълим-тарбия олишига эришишдир. Шу нуқтаи назардан юртимиздаги таълим сифатини халқаро стандартлар асосида баҳолаш жуда муҳим. Президентимиз бошчилигида бу йўналишда босқичма-босқич ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг Ўқувчиларни халқаро баҳолаш дастури (PISA) тадқиқотларида иштироки йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача

ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонига кўра, 2030 йилгача халқаро баҳолаш дастурларида узлуксиз иштирок этиш, дунёнинг илғор мамлакатлари қаторига эришиш мақсадлари белгилаб берилди.

Шунга мувофиқ, равишда кенг миқёсли чоралар кўрилмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда PISA-2022 тадқиқотини ўтказиш бўйича қарийб 5 йиллик олиб борилган меҳнатлар, чора-тадбирлар ва тадқиқотлардан сўнг, 2023 йил 5 декабрь куни дунё миқёсида мазкур тадқиқотнинг натижалари эълон қилинди.

Ўзбекистон PISA халқаро тадқиқотида илк марта иштирок этди. PISA-2022 дастури 2000 йилда бошланганидан буён ўтказилган халқаро баҳолашнинг саккизинчи босқичи бўлиб, унда 81 мамлакат қатнашди. Қайд этиш керакки, ушбу иштирокчиларнинг барчаси, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам PISA-2022 лойиҳаси даврида COVID-19 пандемияси туфайли кўп қийинчиликларга дуч келди.

15 ёшли ўсмирларнинг саводхонлиги, креатив ва мантиқий фикрлаш қобилияти, мактабда олган билимларини реал ҳаётгий вазиятларда қўллай олиши, бир сўз билан айтганда, мустақил ҳаётга тайёргарлигини ўлчаш воситаси сифатида PISA халқаро баҳолаш дастури дунёда етакчи ўринларни эгаллайди.

PISA тадқиқотида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан тасодифий равишда танлаб олинган 202 та таълим муассасалари –

умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар мактабларидаги 7 минг 363 нафар 15 ёшли ўқувчилар иштирок этган.

Халқаро тадқиқотлар ҳар 3–5 йиллик даврийликда дунё мамлакатларида бир вақтнинг ўзида амалга оширилади. 2019 йил ноябрь ойида Инсон капитали индексини аниқлашга доир тадқиқот, 2021 йилда таълимдаги узилишларни баҳолашга оид РЕДС ҳамда ПИРАС тадқиқотлари, 2022 йилда PISA, 2023 йилда эса ТИМСС тадқиқоти ташкил этилди.

Бу изланишларда ўқувчиларнинг математик, табиий-илмий ва ўқиш саводхонлиги, креатив фикрлаш кўникмаларини баҳолаш бўйича тест топшириқлари, шунингдек, таълим олишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш юзасидан сўровномалар ўтказилди. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги устувор масаладир.

Тизимли ва қатъий саъй-ҳаракатлар натижасида Ўзбекистоннинг таълимга оид натижалари тарихимизда биринчи марта халқаро солиштирма тадқиқотларнинг ҳисоботларида намоён бўлди.

Ўзбекистон Жаҳон банкининг Инсон капитали индексида 0.62 индекс кўрсаткичини қайд этди. Бу даврий равишда инсон капитали ривожланишидаги ўзгаришларни кузатиб бориш, халқаро солиштирма таҳлилар қилиш имконини беради.

Ўзбекистоннинг илк иштирокида ўтказилган PISA-2022 натижалари таълим сиёсатига

оид қимматли маълумотларни тақдим этиши билан муҳимдир.

Халқаро нуфузли тадқиқот асосидаги ўрганиш натижалари, ўқувчиларнинг математика, ўқиш ва табиий фанлар бўйича ютуқлари, уларнинг ҳаётдан қониқиши, келажақдан умидлари, гендер тенглик, мактаб муҳити, таълимга инвестициянинг натижадорлиги каби маълумотлар тизимни келгусида янада ривожлантириб бориш учун зарурдир.

### **«Ўзбекистон – 2030» стратегиясидаги улкан мақсадлар**

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясида ҳар бир соҳа бўйича амалга оширилиши зарур бўлган қатъий режалар ва уларни амалга ошириш механизмлари аниқ белгилаб қўйилган.

Жумладан, мактаблар фаолиятида ҳам 2030 йилгача рўй берадиган ўзгариш ва янгилашнишлар замирида мамлакатимиз тараққиётининг кейинги босқичларида фаолият юритадиган етук, салоҳиятли ёш авлодни тарбиялашга қаратилган долзарб вазифалар белгиланган.

Хусусан, умумий ўрта таълим тизимида «Таълим учун қулай муҳит» дастурини амалга ошириш белгиланди.

Бунда:

– олис ва чекка ҳудудларда жойлашган 715 та умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун бепул автобусларни йўлга қўйиш;

– умумий ўрта таълим муассасаларини тоза ичимлик сув ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан тўлиқ таъминлаш.

Шунингдек, умумий ўрта таълим тизимини янги босқичга олиб чиқиш, бунга кўра эса:

– 700 га яқин номдаги янги дарсликлар, машқ дафтарлари, педагоглар учун методик қўлланмалар ва мобил иловалар яратиш;

– янги авлод дарсликлари асосида планшетлар учун 1 000 та мультимедиа дастурларини яратиш;

– таълим ташкилотларига ҳар йили 500 нафар «тил эгалари» бўлган хорижлик мутахассисларни жалб этиш;

– барча умумий ўрта таълим муассасаларида касб-ҳунарларга ўргатиш курсларини жорий этиш.

Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактабларнинг таълим методикасини барча умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқув жараёнларига жорий қилиш ҳам мақсад қилинган.

Таълим ёшларни мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва ривожланишига ҳисса қўшиш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиради. Яхши маълумотли ёшлар барқарор иш билан таъминлаш, юқори даромад олиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш ва умумий иқтисодий фаровонликни оширишга катта ҳисса қўшади.

Мактаб таълими ижтимоий ҳаракатчанлик имкониятларини таъминлайди, тенг имкони-

ятларни қўллаб-қувватлайди, шахсларга ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш ва олий маълумот олиш ёки яхши иш билан таъминлаш имкониятларини кенгайтириш орқали ижтимоий-иқтисодий номутаносибликни камайтиришга ёрдам беради.

Мактабдаги таълим демократик қадриятлар, танқидий фикрлаш ва фаол фуқаролик ҳиссининг дастлабки пойдеворини яратиши керак. Бу демократик жараёнларда фаол иштирок эта оладиган, ўз ҳуқуқ ва бурчларини тушунадиган, ўз мамлакатининг ижтимоий-сиёсий ривожланишига ҳисса қўша оладиган билимли ва масъулиятли фуқароларни шакллантиришга ёрдам беради.

Мактаб таълими ҳурмат, бағрикенглик ва ҳамкорлик қадриятларини сингдиради, турли кишилар ўртасида ижтимоий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлайди. Таълим, шунингдек, соғлиқни сақлаш натижаларини яхшилашга, ижтимоий фаровонликни ўстиришга ва жиноятчилик даражасини камайтиришга олиб келади, бу умумий жамият барқарорлиги ва ривожланишига ҳисса қўшади.

Шу маънода мактаб таълими йўналишидаги катта ва кенг мақсадларга эришилиши Янги Ўзбекистоннинг таянчини янада мустаҳкамлайди.



### Ибрат яратиш зарурати

**«Дунёда илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлмагай».** Муҳаддислар султони, дунё тан олган улуф аждодимиз Имом Бухорий айтган ушбу ҳикматли сўзлари бир неча юз йиллар ўтишига қарамай, долзарблиги ортиб бормоқда. Бугун ҳам айна шу йўл тараққиётга элтувчи энг тўғри танлов эканини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Давлатимиз раҳбари **«Таълим тизимини «оёққа қўймас» эканмиз, ислоҳотлар амалга ошмайди. Буни битта вазирлик ёки агентлик ҳам қилолмайди. Бунга бутун халқимиз, жамиятимиз маҳкам киришиши керак. Нажотимиз мактабда, нажотимиз таълимда, нажотимиз билимда»**, деган эди.

Дарҳақиқат, замон шиддат билан ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Илм ҳам бир жойда тўхтаб қолгани йўқ. Моддий эҳтиёжлар бир ён бўлса, маърифат, билим ва зиё тараққиётнинг асл тамал тоши эканини англаган ҳар қандай инсон илм олишдан тўхтамади ва тўхтамайди. Бугун кимки бирор ютуққа эришаётган бўлса, у хоҳ самоларни забт этадими, хоҳ денгиз сатҳи сирларини кашф қиладими, барига илм бош мезон экани кундек равшан.

Сир эмаски, иқтисодиётимизга жуда катта марра олинган. Йилдан йилга экспорт ҳажми-

ни ошириш бўйича чора-тадбирлар такомиллашиб борапти. 2025 йилга қадар мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини 100 миллиард долларга, экспорт ҳажмини 30 миллиард долларга етказиш режалаштирилган. Бу ишларни амалга ошириш учун билимли кадрлар керак.

Тўғри, Ўзбекистон тарихида бир муддат тўхталишлар, ортга чекинишлар ҳам бўлгани рост. Бутун дунёда таълим сифати ошиб, замонавий услублар, технологиялар асосида ўқитиш ривожланиб келган йилларда, афсуски, бизнинг таълим тизимида, буларнинг акси кузатилди. Натижада иқтидорли, қобилиятли болалар учун шароит яратиш у ёқда турсин, бор имкониятлар ҳам қўлдан бой берилди бошлади.

Бундан ташқари, яқин вақтгача ўқитувчилар фаолиятида дарсларни юқори сифатда ўтказишга ва педагогик фаолият билан шуғулланишга тўсқинлик қиладиган бир қатор муаммолар мавжуд бўлгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Оммавий тадбирлар, ҳашарлар, пахта терими каби жамоат ишларига жалб қилиш, ортиқча ҳисоботлар тайёрлаш билан боғлиқ бюрократик тўсиқлар педагогнинг ўз устида ишлаши учун имкониятдан маҳрум қилди. Ўқитувчилар бевосита вазифалари қолиб, иккинчи даражали ишларни бажариши натижа-сида таълим сифати тушиб кетаверди.

Сўнгги йилларда эса халқ таълими тизимида олиб борилаётган ислохотлар туфайли му-

аммоларни бартараф этиш билан боғлиқ муайян чора-тадбирлар йўлга қўйилди.

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар намуна сифатида ташкил этилиб, уларда бутунлай янгича услубдаги ўқитиш тизими шакллантирилди. Махсус мактабларда иқтидорли йигит-қизлар учун халқаро стандартлар мос бўлган энг илғор тажриба ва технологиялар асосида билим бериш устувор вазифа сифатида белгиланди. Дастлаб ҳар бир ҳудудда биттадан Президент мактаблари, ижод ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилди.

Президент мактаблари ташкил этилиши таълим сифатининг илғор андозалари қўлланилаётганидан далолат берса, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар мактаб таълими, ижодкорликни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Уларда нафақат тил ва адабиёт, балки табиий ва аниқ фанлар ҳам чуқурлаштирилган тарзда ўқитилиши ортидан «оқсаётган» мутахассисликларни яна оёққа турғизиш имкони юзага келди.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 10200 га яқин умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, уларнинг 2750 га яқини шаҳарларда, 7400 дан ортиғи қишлоқларда фаолият кўрсатмоқда. Уларда 6 миллион 400 мингга яқин нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Йилдан йилга сони кўпайиб бораётган ўқувчиларнинг келажаги улар бугун олаётган билимга бевосита боғлиқ-

дир. Шунини инобатга олган ҳолда, тубдан қайта ишланган тизимга зарурат бор эди.

Бир сўз билан айтганда, таълим сифатни кўтариш, юртимиз болаларини дунёнинг етакчи билимдонлари билан баҳслаша олиш даражасига етказиш зарурати туғилди. Бошланғич таълимдан то олий таълимдан кейинги таълимгача бўлган жараённи тубдан ислоҳ қилиш, сифатни ошириш билан боғлиқ ҳаракатларга кенг йўл берилди. Шу тариқа янги-ча услубга эга, билим эвазига ривожланган мезонга асосланган мактаблар ҳосил бўла бошлади. Янги номдаги ва услубдаги ўқув муассасалари вужудга келди. Бугун уларни биз Президент, ижод ёки ихтисослаштирилган мактаблар номи билан таниймиз. Болалар ҳам ушбу билим даргоҳлари ўқувчисига айланиш учун бор кучи билан интилмоқда.

Маълумот учун, 2022 йилда Президент таълим муассасалари агентлиги тизимида 197 та таълим ташкилотлари фаолият юритган бўлса, 2023 йилда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳузурида Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги этиб қайта ташкил этилди. Тизимдаги таълим ташкилотлар сони 208 тага етди. Булар 14 та Президент мактаби, 9 та ижод мактаби, 182 та ихтисослаштирилган мактаб ва мактаб-интернат, Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий маркази, «Янги Ўзбекистон» университети, Ренессанс болалар оромгоҳидир.

Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ташкил этишдан мақсад иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш, ўқитиш ва тарбиялашдан иборат. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир боланинг қизиқиши, иқтидори, салоҳияти ва қобилиятини инобатга олган ҳолда, Янги Ўзбекистон мактаблари фаолияти йўлга қўйилди.

Асосийси, уларнинг методологик ҳолати, шароити, ўқитиш, озиқ-овқат билан таъминлаш, одоб-ахлоқ қоидаларини ўргатиш, тартиб-интизом, инфратузилма, хоналарнинг тузилишидан тортиб, энг майда жиҳатларигача жаҳоннинг илғор тажрибасига мосдир. Бу орқали болалар ва уларнинг ота-оналарини ана шундай даргоҳда ўқишга қизиқишини оширишдан иборат.

Табийки, ўқувчилар орасида энг кучли, билимга ташналиги баланд бўлганлари бор. Ана шундай алоҳида иқтидор эгалари учун энг юқори даражадаги таълимни тақдим этиш лозим. Шу сабабли Янги Ўзбекистон мактабларининг ташкил этилиши ҳаётий эҳтиёж саналади.

### **Президент мактаблари ҳар жиҳатдан намуна**

**Президент мактаблари** – бу Президентимизнинг 2019 йилнинг 20 февралидаги қарори билан юртимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилиши кўзда тутилган мактаб са-

налади. Президент мактабини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад таълим жараёнида илғор технологияларни қўллаш орқали иқтидорли ёшларни аниқлаш ва ўқитиш тизимини шакллантириш, шунингдек, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш, маънавий бой, интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш кафолатларини таъминлашдан иборат.

Шунингдек, таълим муассасалари табиий ва аниқ фанларни чуқур ўргатиш, хорижий тиллар, муҳандислик ҳамда ахборот технологияларини ўзлаштиришни ташкил этиш, ўқувчиларнинг инновацион ғояларини ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, ўқувчиларни ўқитиш ва улар билимини баҳолашнинг замонавий услубларини, шунингдек, таълим дастурларининг интегратсиялашувига асосланган ўқитишнинг фанлараро ёндашувини жорий қилиш ва кейинчалик ижобий тажрибани республика халқ таълими тизимига татбиқ этиш режалаштирилган. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, уларда етакчилик кўникмалари ва нотиклик санъатини ривожлантириш, танқидий фикрлаш, ахборотни излаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, олинган билимларни амалиётда қўллаш бўйича малакасини ошириб боради.

Президент мактабларига ўқувчиларнинг умумтаълим фанлари бўйича халқаро олимпи-

ада, танлов ва мусобақаларда муносиб ишти-рокини таъминлаш вазифаси ҳам юклатилган. Ушбу мактабнинг асосий вазифаларидан бири эса ўқувчиларда ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат туйғусини, бағрикенглик, қонунлар, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан муносабатни, ҳаётга қатъий ишонч ва қарашларни шакллантириш ҳисобланади.

Энг билимли ўқувчиларни ўзида жамлай-диган Президент мактабларида умумий ўрта таълим олиш бепул амалга оширилади. Таълим вазирлик томонидан STEAM (Science табиий фанлар, Technology технологиялар, Engineering техник ижодкорлик, Art санъат, Mathematics математика) дастури бўйича тасдиқланади.

Ҳукумат тасдиқлаган низомда Президент мактабларига ўқувчиларни саралаб олиш тар-тиби белгиланган. Жумладан, иккита синфга бир хил 12 нафардан ўғил-қиз тақсимланиб, 24 нафар ўқувчидан иборат бўлган йиллик қа-бул квотаси доирасида қабул қилинади.

Ушбу мактабларга бола неча ёшидан қабул қилинади, деган савол ҳам кўпчиликни қи-зиқтиради. Дастлабки босқичда юқори синф ўқувчилари ҳам қабул қилинган эди. Бунга са-баб юқори синфда ўқийдиган билимли, алоҳи-да иқтидорга эга болаларга ҳам янги ташкил этилган мактабларда ўқиш имконини бериш-дан иборат.

Белгиланган тартибга кўра, Президент мак-табига республика умумтаълим муассасалари-

нинг 4 синф битирувчилари орасидан қобилиятли ва иқтидорлилари танлов асосида қабул қилинади. Имтиҳонлар эса ўзбек ва қорақалпоқ (Қорақалпоғистон Республикасида) тилларида ҳамда талабгорнинг танловига мувофиқ инглиз тилида ўтказилиши мумкин.

### **Бу мактабларда ижодкорлар тарбияланади**

Яна бир Янги Ўзбекистон мактаб тури – ижод мактаблари, деб аталади. Уларни ташкил этишдан асосий мақсад бадиий адабиёт ва ижод соҳаларига қизиқадиган, иқтидорли ёшларнинг истеъдодини янада ривожлантириш учун барча ҳудудларда шароит яратиш билан тафсилланади. Эътиборли жиҳати, мазкур турдаги таълим муассасаларида иқтидорли йигит-қизларга адабиёт ва тилшуносликдан ташқари чет тили ҳам мукамал ўргатилади. Бу орқали адабиётимизни турли хорижий тилларда ҳам тарғиб қила олиш, таржима қилиш, дунё адабиётидан доимий хабардор бўлиб бориш имконини беради.

Айни пайтда ижод мактабларининг ўқув режаси такомиллаштирилиб, янги ихтисослик фанлар қўшилди. Хусусан, Адабиёт қоидалари, Адабий жараён, Нотиқлик санъати, Халқ оғзаки ижоди, Матншунослик, Публицистика, Таржима қоидалари, Драматургия фанларини ўқитишга ҳафтаси учун 25 соат ажратилган.



Шунингдек, ижод мактаблари ўқувчилари дунё кинематографиясининг 100 та энг яхши намунасини ва дунё адабиётининг энг сара 100 та асарини тўлиқ ўрганиб, таҳлил қилиш имконига эга бўлади.

Мазкур турдаги муассасаларнинг умумтаълим мактабидан асосий фарқи она тили, адабиёт, чет тиллари ва ихтисослик фанлари чуқурлаштирилган тарзда ўргатилади. Ҳар бир бола билан индивидуал тарзда ишлашга имкон бўлади. Шу сабабли бир синфда ўқувчи сони 20 нафардан ошмайди.

Ўқувчиларнинг ўқишга қизиқишини рағбатлантириш мақсадида машҳур адиблар, ёзувчилар, шоирлар томонидан мунтазам равишда маҳорат дарслари ташкил этилади. Яна бир бир муҳим жиҳати шундаки, улар олий таълим муассасаларига бириктирилади. Бу орқали ОТМ лар методик ёрдам беради, ўқитувчилар билан таъминлайди.

12 та асосий, яъни она тили ва адабиёт, тарих, математика, физика, кимё, биология, информатика, тарбия, рус тили, инглиз тили, география, чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанларининг дарслик ва ўқув дастурлари янгидан ишлаб чиқилган тарзда интерактив тарзда чуқурлаштириб ўқитилади.

Муסיқа, тасвирий санъат ва чизмачилик, технология, жисмоний тарбия, дунё динлари тарихи, давлат ва ҳуқуқ асослари, одобнома, ватан туйғуси, иқтисодий билим ва тадбир-

корлик асослари сингари 10 та тўлдирувчи фаннинг бир қисми асосий фанларга интеграция қилиниши ва қолганларини факультатив сифатида ўқитилиши белгиланган.

Ижод мактаблари ўз ўқувчиларини таржимон, журналист, лингвист олим, шоир, ёзувчи, дипломат каби соҳаларнинг мутахассиси сифатида тарбиялайди. Шу билан бирга, улар ватанпарварликни тарғиб қилувчи кадр бўлиб етишади.

### **Ихтисослаштирилган мактаблар етук кадрлар бешиги**

Маълумки, ихтисослаштирилган таълим муассасаларининг икки турдагиси мавжуд. Булар айрим фанларга ихтисослаштирилган ва санаторий туридаги ихтисослаштирилган мактаблардир.

Санаторий турдаги муассасалар шахснинг ақлий, ҳиссий ва жисмоний ривожланишига ёрдам берадиган шарт-шароитлар яратиш, баркамол, жисмонан ва маънавий соғлом шахсни вояга етказиш, ўқувчиларда маданий-эстетик қадриятларни, фуқаролик ва ватанпарварлик ҳисларини шакллантириш каби мақсадида фаолият юритади.

Уларда ўқувчига давлат таълим стандартлари асосида сифатли таълим бериш, шу жумладан уларни касбга йўналтириш, болаларнинг индивидуал қобилиятларини ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли болаларни

тақдирлаш ва қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Шу билан бирга, болаларнинг психофизиологик ёш хусусияти, мойиллиги, қобилияти, қизиқиши, ҳаёти ва соғлиғи муҳофазаси талабларига мувофиқ равишда реабилитация ҳамда даволаш-соғломлаштириш тадбирлари ўтказилади.

Бугунги кунда кўплаб ота-оналар ва уларнинг фарзандларини қизиқтираётган ихтисослаштирилган мактаблар эса халқаро стандарт бўйича аниқ ва табиий фанларга йўналтирилган. Уларда ўқийдиган катта синф ўқувчилари учун амалиёт ўташ, 2 тил ўрганиш ва қизиқишларига кўра тўғарақларга қатнаш имконияти бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 апрелдаги фармонига асосан 2022 йилда 168 та, 2023 йилда 13 та ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилган. Улардаги ҳар бир синфга 24 нафар ўқувчи қабул қилинади. Ҳар бир мактаб учун умумий квота эса турлича бўлиши мумкин. Булар мактаб сифими, ҳудуддаги аҳоли сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Имтиҳонлар бир босқичли тест асосида ўтказилади. Тестдан юқори балл олган ўқувчилар тепадан пастга қараб, берилган квотага кўра мактабларга қабул қилинади.

## **Янги Ўзбекистон мактабларининг амалий натижалари**

**Президент мактабларининг** самараси тезда кўзга ташлана бошлади. Хусусан, 2022 йилда 14 та Президент мактаби Халқаро Кембридж ташкилотининг аккредитациясидан муваффақиятли ўтиб, расмий «A Level» имтиҳон марказларига айланган бўлса, 2023 йилда 6 та, яъни Тошкент, Жиззах, Бухоро, Андижон, Хива ва Навоий ҳудудидаги Президент мактаблари SAT (академик баҳолаш тести) халқаро сертификати имтиҳонларини ўтказадиган расмий марказлари сифатида тан олинди.

2022 йилда (Нукус, Хива, Наманган ва Тошкент шаҳридаги) Президент мактабларини жами 92 нафар ўқувчи битириб, уларнинг 88 нафари хорижий олий таълим муассасаларида ўқиш учун таклиф олган. Улар хорижий олийгоҳларнинг таълим грантини қўлга киритган. Хусусан, Хива шаҳридаги Президент мактаби битирувчиси Ҳидоят Рўзметов дунё рейтингда 37 ўринда турувчи Буюк Британиянинг King's College, Топ-300 таликка кирувчи University of Arizona ҳамда Топ-1000 таликка кирувчи жами 23 та олий таълим муассасасидан 2,5 млн доллар миқдорда таълим грантини ютиб олган.

Президент, ижод, ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари томонидан 4 йил давомида халқаро олимпиадаларда 88 та олтин, 25 та кумуш, 49 та бронза медали қўлга киритилди.

2023 йилда Президент мактабларини 326 нафар ўқувчи битириб, барчаси халқаро тил билиш ёки IELTS сертификатини қўлга киритди. Уларнинг 50 фоизи халқаро математика ва инглиз тилини билиш даражасини баҳоловчи – SAT сертификатга эга бўлди.

Масалан, Наманган шаҳридаги Президент мактаби битирувчиси Гўзалхон Ҳайдарова дунё рейтингида 7 ўринда турувчи АҚШнинг «Garvard» ҳамда «Princeton» университетларининг 100 фоиз грантини қўлга киритган бўлса, Тошкент шаҳридаги Президент мактаби битирувчиси Жафар Арифжанов дунё рейтингида 6 ўринда турувчи «California Institute of Technology» олийгоҳининг грантини ютган биринчи ўзбекистонлик талабага айланди.

Табииyki, бу каби кўрсаткичлар ота-оналар ва болаларнинг ушбу мактабларга қизиқиши ҳамда интилишини янада оширомоқда. Деярли барча ўқувчилар Президент мактабларида таҳсил олишни истасоқда. Ўз устида ишлаяпти. Имтиҳонлардан ўта олмаган болаларнинг қўшимча тайёргарлиги, билимини бойитиши келгуси ўқишида асқатмоқда. Билимга чанқоқ ёшлар кўпайиб, уларнинг бўш вақти ўқиш ўрганишга сарфланяпти.

Шундан келиб чиқиб, 2023 йилда Президент мактабларига ўқувчиларни саралаб олиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида низом такомиллаштирилади. Унга кўра, Президент мактаблари учун тасдиқланган анкета, гувоҳнома

нусхаси бекор қилинди. Ўқувчилар учун Президент мактабига ҳужжат топшириш билан бирга, қўшимча ихтисослаштирилган мактабга ҳам топшириш имконияти яратилди. Шунингдек, 6–11 синфлардаги бўш ўринларга ўқувчиларни қабул қилиш тартиби жорий этилди.

2023 йилда Президент мактабларига хорижий мутахассислар танловини (ёллашни) ташкил этиш ва ўтказиш тартиби такомиллаштирилди. Унга асосан Президент мактабларидаги ўқитувчилар таркиби 64 нафар хорижлик малакали мутахассислар билан бойитилди.

Президент таъбири билан айтганда, бу ишлардан кўзланган мақсад кун келиб иқтидорли ўғил-қизлар орасидан жаид боболаримизга муносиб авлод етишиб чиқишига ҳаракатдир.

Президент мактаблари очилгач, бутун мамлакат бўйлаб нафақат ўқувчиларнинг ўзида, балки миллионлаб ота-оналар орасида ҳам таълимга интилиш, умуммиллий иштиёқ пайдо бўлганини бир эслайлик. Бундай таълимга интилиш ҳаракати ҳозир ҳам давом этаётгани, албатта, жуда ижобий ҳолдир. Ҳали кўплаб олимлар, дунё тан олган етук мутахассислар етишиб чиқишига умид катта.

**Ижод мактаблари** ҳам ўз фаолияти давомида салмоқли ютуқларга эришиб келмоқда. Бунинг учун уларда йигит-қизларга таълим-тарбия бериб келаётган ўқитувчиларнинг хиз-

мати катта, албатта. Эътиборлиси, уларнинг 43 фоизи халқаро ва миллий сертификатлар соҳиби ҳисобланади. Бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 28 фоизга ўсган.

Ижод мактабларидаги 223 нафар 11 синф битирувчисининг 83 фоизи халқаро ва миллий сертификатни қўлга киритиб, уларнинг 15 фоизи муддатидан олдин хорижий, 85 фоизи эса маҳаллий олийгоҳларда ўқиш имкониятини қўлга киритишди. Бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга ўсган. Улар жами 5,3 млн АҚШ доллари миқдоригаги грант соҳиби бўлди.

Ижод мактаблари ташкил этилгандан буён 350 нафардан ортиқ ўқувчининг ижодий ишлари чоп этилган. Ижод мактаблари учун чуқурлаштирилиб ўқитиладиган фанлардан дарсликлар 100 фоиз мазмун ва сифат жиҳатидан халқаро талаблар даражасига етказилди.

Иккинчи тил ўргатиш борасида ҳам янгиликлар кўп. Масалан, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Абдулла Орипов, Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳамда Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабларида иккинчи хорижий тил сифатида турк тилини ўқитиш йўлга қўйилди. Бунинг учун хориждан турк тили ўқитувчилари жалб этилди.

Бундан ташқари, «Ижодий тўғарак», «Ёш таржимонлар», «Доира», «Дутор», «Най», «Ғиж-жак» ва «Қашқар рубоб» тўғаракларининг дастурлари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий

этилди. Ижод мактаблари ўқувчиларини замонавий ва миллий касб-ҳунарларга йўналтириш мақсадида 21 та касб-ҳунар рўйхати тасдиқланди. Бугунги кунда ўқувчиларни замонавий ва миллий касбларга ўргатиш ишлари олиб борилмоқда.

Айтиш мумкинки, ижод мактаблари ижодкор болаларимизнинг қобилияти ва истеъдодини ёшлигиданоқ кашф этишга хизмат қилмоқда. Агар имконият берилса, керакли шароит яратилса, бу истеъдод янада кучайиб, бир кун юлдуз бўлиб порлаши муқаррар. Зеро, ушбу муассасалар ёшлар учун креатив муҳитни, ҳар томонлама қулай билим майдонини яратиб беришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйгани бежиз эмас.

**Ихтисослаштирилган мактаблар**нинг таълим даражаси яхшиланиб, бир пайтнинг ўзида сифат ва натижа кўрсаткичлари ўсиб бормоқда.

Ёшларга қўшимча имконият яратиш ва уларни рағбатлантириш мақсадида президент мактабларининг 5 синф кириш имтиҳонлари 2-босқичида иштирок этиб, ўқишга кира олмаган талабгорлар ҳужжат топшириш жараёнида ўз ҳудудидаги ўзлари танлаган ихтисослаштирилган мактаблардан бирида ўқиш истагини билдирган тақдирда, квотанинг 50 фоизи доирасида баллар кетма-кетлиги асосида имтиҳонсиз ихтисослаштирилган мактабларга қабул қилиш йўлга қўйилди.



Муҳими, ўзгаришлар шу билангина тўхтаб қолмайди. Замонга мос равишда махсус мактаблардаги ўқув стандартлари ҳам янгиланиб бораверади. Чунки уларда болалар махсус фан бўйича тўлиқ билимга, кенг дунёқарашга эга бўлиши режалаштирилган.

Шуни ҳам айтиш керакки, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида ҳам халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ устувор вазифалар белгиланган. Аввало, улардаги шароитларни яхшилаш билан боғлиқ долзарб масалалар кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, 700 га яқин номдаги янги дарсликлар, машқ дафтарлари, педагоглар учун методик қўлланмалар ва мобил иловалар яратиш режалаштирилган. Янги авлод дарсликлари асосида планшетлар учун 1 000 та мультимедиа дастурларини ташкил этиш, таълим ташкилотларига ҳар йили 500 нафар «тил эгалари» бўлган хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳам белгиланган. Яна бир муҳим жиҳати, барча умумий ўрта таълим муассасаларида касб-ҳунарларга ўргатиш курсларини жорий этиш кўзда тутилган.

Президент мактаблари ва ихтисослаштирилган мактабларнинг таълим методикасини барча умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқув жараёнларига жорий қилиш ҳам асосий устувор вазифа сифатида қайд этилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривож-

лантириш концепцияси юртимизда умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий-ахлоқий ва интеллектуал ривожлантиришни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш, ўқув-тарбия жараёнига таълимнинг инновацион шакллари ва усулларини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган.

Бу орқали Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга бориб PISA (The Programme for International Student Assessment) Халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинги бўйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришиш мақсад қилинган. Мазкур ҳужжат асосида узлуксиз таълим тизими мазмунини сифат жиҳатидан янгилаш, профессионал кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ўқитиш методикасини такомиллаштириш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Ҳозир бутун дунёда, айниқса, ривожланган мамлакатларда «вариатив таълим» деган йўналиш тобора оммалашиб бормоқда. Масалан, фарзандингиз кимё-биология фанига қизиқади. Турли тарихий даврларни қамраб олган бир неча томлик тарих китоблари ёки юзлаб конвенцияларни ўз ичига олган ҳуқуқ-

шунослик курслари унга керак эмас. Вариант таълим айнан шуни, яъни боланинг қизиқиши ва қобилиятига қараб, таълим жараёнини муайян соҳага ихтисослаштиришни назарда тутлади.

Ушбу ёндашувга асосланган ихтисослаштирилган мактаблар Президентнинг махсус фармони билан ташкил қилинган эди. Мазкур ҳужжатга асосан бундай мактаблар тармоғи кенгайиб, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда таълим жараёнига малакали раҳбар ва педагог кадрларни жалб қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Ихтисослаштирилган мактабларнинг ташкил этилиши биринчи навбатда ҳар бир боланинг ўз қизиқишларига кўра соҳани эгаллашига кўмак беради ва бошқа предметларга чалғимасдан танлаган соҳанинг етук эгаси бўлишига замин яратади.

#### 4 БОБ. МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ

### **Болалар иқтидорини рўёбга чиқарувчи ва ривожлантирувчи тизим**

#### **Муסיқа маданияти ва дид тарбияси**

Ҳар бир бола ўзига хос иқтидорга эга. Фарзандларимизнинг истеъдодини рўёбга чиқаришда мактабдан ташқари таълимнинг ўрни катта. Фақат умумтаълим муассасалари орқали бунга эришиш мушкул.

Айни пайтда мамлакатимиздаги 324 та болалар муסיқа ва санъат мактабида 85 минг атрофида ўфил-қиз эстрада ва анъанавий чолғу, халқ чолғулари, торли чолғулар, дамли ва зарбли чолғулар ижрочилиги каби 15 йўналиш бўйича билим олмақда. Ҳар йили ўқувчиларининг 500 нафардан ортиғи мамлакат, 100 нафарга яқини турли даражадаги халқаро танловларда иштирок этаётир.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ҳузуридаги Педагог ходимларни қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тармоқ марказида болалар муסיқа ва санъат мактаблари ходимлари малакасини ошириш йўлга қўйилган.

Энг муҳими, сўнгги 10 йилда биринчи марта 19 номдаги ўқув қўлланма ва ноталар тўплами қарийб 159 минг нусхада чоп этилиб, болалар

мусиқа ва санъат мактабларига етказилгани таълим сифати ва мураббийлар салоҳиятини ошириш борасидаги ишлардан далолат.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларига ўғил-қизлар интилишининг яна бир сабаби бор: ойлик бадал пули бошқа тўғарақларга нисбатан оз. Масалан, туманларда базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи, вилоят марказида 30 фоизи, пойтахтда 50 фоизи ҳисобида бадал пули тўланади. Бу чекка ҳудудларда мусиқа таълими олаётган болаларнинг ойлик тўлови 100 минг атрофида бўлади, дегани.

Президентимизнинг 2019 йил 14 майдаги «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида муайян ҳудудлардаги болалар мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда бошқа таълим муассасалари қошида бахшичилик тўғарақларини ташкил этиш белгиланган.

Республика бахшичилик санъати марказининг «Устоз-шогирд мактаби» бўлими маълумотларига кўра, бугун водий вилоятлари ва Тошкент шаҳридан ташқари ҳудудлардаги болалар мусиқа ва санъат мактабларида 96 та бахшичилик синфи ташкил этилиб, икки мингга яқин ўқувчига 238 бахши-ўқитувчи бу ноёб санъат сирини ўргатапти.

Марказ ходимларининг фикрича, бахшичилик синфларини муносиб жиҳозлаш, уларга мос ўқув-услубий қўлланма ва дарсликлар яратиш учун бахшичилик ва дostonчилик санъатини

назарий ва амалий жиҳатдан яхши биладиган фольклоршунослар, соҳа мутахассисларини жалб этиш мақсадга мувофиқ. Бахшичилик синфхоналарида устоз бахшиларнинг шажара тахтаси, ижро услуби, бахшичиликка оид адабиётлар, дoston қаҳрамонлари акс эттирилган кўргазмали воситаларнинг жойлаштирилиши болаларнинг бахшичилик тарихи ҳақида керакли маълумотларни билишида катта ўрин тутади. Масалан, «Алпомиш» достони асосида тайёрланган суратлар адолат, миллий ғурур, она юрт ҳимояси учун тайёрлик ҳиссини тарбиялашга хизмат қилса, ўз ҳудудида яшаб ижод қилаётган таниқли бахшиларнинг ҳаёти ва ижодидан бохабарлик бу туйғуни кучайтиради. Қисқаси, бахшичилик санъати билан танишиш болаларнинг миллий ғурурини юксалтириб, нутқини бойитади. Дунёга муносабатини шакллантиради, ҳар томонлама камол топишида беқиёс ўрин тутади.

Болалар мусиқа ва санъат мактабларида фаолият юритаётган олий маълумотли ўқитувчилар салмоғи 50 фоизга етказилади. Шунингдек, болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини тўлақонли мувофиқлаштириш ҳамда уларга услубий-амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида жамоатчилик кенгашларини ҳар бир ҳудудда ташкил этиш назарда тутилган.

Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолияти рақамлаштирилди. Бунинг учун ягона электрон рақамли платформа ишлаб чиқи-

либ, бошқа платформалар билан интеграция қилинади. Рақамлаштириш орқали, биринчи навбатда, барча, айниқса, чекка ҳудудларда жойлашган таълим муассасаларида эришилаётган ютуқлар, муаммолар тўғрисидаги маълумотларни онлайн кузатиб бориш имконияти туғилади. Бу эса камчиликларни бартараф этиш бўйича ҳудудий ҳокимликлар, вазирлик бошқармалари билан ўз вақтида манзилли чора-тадбирларни кўриш имкониятини яратади.

Давр шиддат билан илгарилаб кетяпти. Авлодлар тафаккуридаги эврилиш ва янгилиниш суръати ҳам шунга монанд кечмоқда. Дунёдаги воқеалар ривожини мамлакатнинг тақдири ёшларнинг олган билим ва тарбиясига нечоғлиқ чамбарчас боғлиқлигини кўрсатмоқда. Шу маънода фарзандларимиз умрининг ҳар бир дақиқасидан унумли ва самарали фойдаланиши, ноёб иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шарт-шароит яратиш давлатимиз олдидаги муҳим вазифалардан.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги фармонида биноан тасдиқланган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида бу борадаги мақсад ва вазифалар аниқ-тиниқ, бандма-банд белгилаб қўйилгани масаланинг долзарблиги ва аҳамиятини кўрсатиб турибди.

2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари бўйича таълим тизимида амалга ошириладиган ис-

лоҳотлар ҳар бир ўғил-қизга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитларни яратишни кўзда тутди.

Стратегияда ёшларни замонавий касблар ва чет тилларга ўқитиш тизимини яратиш йўналишида мактаб битирувчилари камида 2 та хорижий тил ва 1 та касб эгаллашини таъминлаш, ёшлар ўртасида IT соҳасини янада оммалаштириш ҳамда соҳада хизматлар экспортини ошириш учун мактаб ўқувчиларини халқаро IT бозорида талаб юқори бўлган замонавий касбларга ўргатиш кўзда тутилган. «Баркамол авлод» марказлари айнан мана шу йўналишларда фарзандларимизнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш, пировардида инсон капиталини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Мана шу мақсадлар рўёби халқимиз орзу қилган жисмонан соғлом, интеллектуал юксак, маънан фарзандлар камолоти билан уйғун ва ҳамоҳанг.

### **Мактабдан ташқари таълим**

Жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрлайдиган, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол ёш авлодни тарбиялаш ҳамда вояга етказиш учун мамлакатимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.



Шу билан бирга, ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш, республикамизда жадал суръатлар билан амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги ислохотлар улғайиб келаётган ўспирин иқтидорини янада ривожлантириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, юрт равнақи йўлида уларнинг фаол иштирокини таъминлашни бугунги куннинг устувор вазифаларидан бири этиб белгиламоқда.

Юртимизда мактабдан ташқари таълим самарадорлигини янада ошириш, ўқувчи ёшларда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, касб-ҳунарга йўналтириш орқали мустақил ҳаётга тайёрлаш, интеллектуал баркамол авлодни тарбиялашда қуйидаги асосий вазифалар белгиланди:

– ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш, бунда уларнинг санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишини ошириш ҳамда қизларни ижтимоий фаол ҳаётга тайёрлашни ташкиллаштириш;

– замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш орқали болаларни индивидуал ривожлантиришга қаратилган

дастурлар ва услубий материалларни доимий такомиллаштириб бориш;

– робототехника, мехатроника, муҳандислик ва компьютер дастурий таъминоти йўналишларидаги тўғарақларни доимий ривожлантириб бориш;

– болалар ва таълим туризмларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш;

– ўқувчи ёшларнинг ижодий ишларини омалаштириш, шу жумладан дунё бозорига миллий анъаналаримиз асосида «Баркамол авлод» болалар мактабларининг тўғарақ аъзолари томонидан яратилган маҳсулотларни олиб чиқиш мақсадида «Арт шоп» электрон дўконларини ташкил этиш ва сотувини йўлга қўйиш;

– мактабдан ташқари таълим муассасаларига ўқувчилар қамровини ошириш, ўқувчилар қизиқишларига кўра тўғарақларни ташкил этиш ва доимий фаолият олиб боришини таъминлаш;

– болаларда касбни эгаллаш бўйича дастлабки билим ва кўникмаларни шакллантириш, тармоқ тўғарақлари фаолиятини методик таъминлаш, китобхонлик маданиятини ошириш учун мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини замонавий таълим дастурлари орқали такомиллаштириш.

## **«Баркамол авлод» болалар мактаблари**

Ўқувчиларни бўш вақтини мазмунли ўтказиш борасида мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш ҳамда «Баркамол авлод» болалар мактаблари фаолияти самардорлигини ошириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Қуйидагилар мактабнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

– ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини таъминлаш, бунда уларнинг робототехника, мехатроника, инженерлик, ментал арифметика, санъат, арт дизайн, ахборот технологиялари бўйича Java, Scratch, 3D дизайн йўналишларига бўлган қизиқишини ошириш;

– мактабларда «STEAM – таълим» (Science – табиий фанлар, Technology – технологиялар, Engineering – муҳандислик, Art – санъат, Mathematics – математика) дастурини жорий этиш ва тўғарақлар мазмунига сингдириш;

– бешта муҳим ташаббус доирасида ўқувчи-ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот-технологияларига қизиқишни ошириш, ўқувчи-қизларни ижтимоий фаол ҳаётга жалб этиш бўйича умумтаълим ташкилотларига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

– болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқ уларнинг ижодий ва бадиий

қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг фойдали дам олишини ташкил этиш, меҳнат-севарликни, касб тайёргарлигининг дастлабки ўқув ва кўникмаларини сингдириш, фан ва техникани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мувофиқ техник воситалар ва компьютер технологиялари ишини ўрганишни ташкил этган ҳолда болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш;

– ўқувчи ёшларнинг ижодий ишларини омалаштириш, тарғиб қилиш ҳамда сотувини йўлга қўйиш бўйича ўқувчи-ёшларнинг ижодий ишларини «Art shop» электрон дўконлари орқали дунё бозорига олиб чиқиш;

– ўқувчиларда жонажон ўлка тарихи, археологик ва бой маданий меросини чуқур ўргатиш, мамлакатимизнинг табиий бойликлари билан таништириш ҳамда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий билимларни эгаллаб олишларига имкон яратиш ҳамда болалар ва таълим туризмларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш;

– хорижий тилларни ўргатиш орқали интеллектуал ёшлар сафини кенгайтириш, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганишга имкон яратиш;

– ўқувчилар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг спортнинг айрим йўналишларига қизиқишларини ошириш;

– мактабдан ташқари таълим тизимига илғор педагогик усуллар ва методлардан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари кенг жорий этиш;

– болаларни индивидуал ривожлантиришга қаратилган дастурлар ва услубий материалларни доимий такомиллаштириб бориш;

– тўғарак раҳбарларининг малака ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича истиқбол режаларини ишлаб чиқиш ва тегишли таклифларни киритиш;

– болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш учун хорижий давлатларнинг илғор тажрибалари асосида мактабларда давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларини амалга ошириш.

Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича 219 та «Баркамол авлод» болалар мактабларида 10 929 та тўғаракларга 322 741 нафар ўқувчи жалб этилган. Бу кўрсаткич жами тизимдаги 6,4 млн нафар ўқувчиларнинг 5,1 фоизни ташкил этади. «Баркамол авлод» болалар мактабларида 11929 нафар тўғарак раҳбарлари ва ходимлар фаолият кўрсатмоқда.

IT ва робототехника йўналишида 35 минг нафар ўқувчи-ёшлар замонавий тўғаракларга жалб қилинган бўлиб, уларга 894 нафар мутахассис таълим бермоқда.

79 номдаги мактабдан ташқари таълим бўйича ўқув дастур ва қўлланмалар такомиллаштирилади.

– 2023/2024 ўқув йилида 632 нафар ўқувчи халқаро танлов, фестиваль ва мусобақаларда иштирок этиб, 237 нафари ғолибликни қўлга киритди.

14 та ҳудудда тажриба конструкторлик бюрolari ва «Касблар лабораторияси» фаолияти йўлга қўйилиб, унда 2 150 нафар ўқувчи-ёшлар жалб қилинди.

2020–2023 йиллар давомида 10 та «Баркамол авлод» болалар мактаблари янгитдан қурилади, 1 таси реконструкция қилинди. Наманган вилоятида 150 ўринли «Болалар сайёҳлик» базаси фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида 2023 йил 20 декабрь куни тармоқ ва ҳудудларда ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда давлат бошқарувини рақамлаштириш бўйича устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар асосида бугунги кунда «Баркамол авлод» болалар мактабини янги босқичга олиб чиқиш ҳамда шаффофлигини таъминлаш мақсадида ушбу мактаблар фаолиятини мониторинг қилиш, тўғарақларга аъзо бўлиш, ота-оналар тўловлари ва ҳисобот жадвалларини автоматик ҳисобга олиш, мавжуд электрон тўлов тизимлари билан интеграция қилиш бўйича платформа яратилмоқда.

## **Китоб мутолааси ва китобхонлик маданияти**

Ўқувчи-ёшларни бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш мақсадида вазирлик тизимида 14 та ҳудудий «Болалар кутубхоналари» ҳамда 10 163 та мактаб кутубхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Умумтаълим мактаблари кутубхоналарида жами 18,5 млн. нусха адабиётлар фонди мавжуд бўлиб, шундан 10,5 млн. нусхаси латин алифбосидаги адабиётлар ҳисобланади. Мактаб кутубхоналаридаги доимий китобхонлар сони 4,8 млн. нафарни ташкил этмоқда.

IFLA халқаро ташкилотининг таълим муассасалари кутубхоналари учун тасдиқланган низомига мувофиқ ҳар бир ўқувчига ўртача 7–9 донадан китоб тўғри келиши белгилаб қўйилган. Бироқ ҳозирда бадиий адабиётлар умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар бирига ўртача 2,9 донадан, шундан кирилл алифбосидаги 1,4 донадан ва латин алифбосидаги 1,7 донадан тўғри келмоқда.

Ҳозирда «Ёш билимдонлар», «Қодирийлар», «Билимдон юлдузлар», «Кичик файласуфлар» ва «Донолар» каби 14 488 та китобхонлик клублари фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унга 582 458 нафар ўқувчи-ёшлар жалб қилинган. Вазирлик томонидан китобхонликни

ривожлантиришга қаратилган бир қатор танловлар, фестиваль ва тадбирлар ташкил этиб келинмоқда.

Жумладан, «Китобхонлар» байрами тадбирлари доирасида «Адабиёт кунлари», «Китобим - офтобим», «Бир болага уч китоб» акцияси, «Энг фаол китобхон ўқувчи», «Фарзандимга китоб совға қиламан» тадбирларида 2 340 та тадбирлар ташкил этилиб, 670 минг нафар ўқувчилар жалб қилинган.

Шунингдек, «Йил ҳикояси», «Мен севган адабий қаҳрамон», «Китобхон мактаб», «Китобхон оила», «Энг яхши кутубхоначи», «Ўткир Ҳошимов издошлари», «Абдулла Орипов ворислари» танловлари ҳар йили мунтазам ўтказиб келинади.

Бугунги кунда ўқувчиларни интернет тармоғи орқали китоб мутолаасига қизиқтириш мақсадида kitob.uz сайти ташкил этилган, ушбу порталга бадиий адабиётларнинг 3 мингдан зиёд электрон шакллари жойлаштирилган. Бундан ташқари, 100 номдаги ўзбек мумтоз ва замонавий ҳамда жаҳон адабиёти намуналарининг аудио китоб шаклидаги вариантлари яратилди, аудио китобларни kitob.uz сайти орқали юклаб олиш ва онлайн тинглаш учун жойлаштирилган.



## Жисмоний тарбия ва спорт

Инсоннинг равнақ топиши, камолотга эришиши, чуқур билим ва салохиятга эришиши учун унга болалик чоғидан таълим-тарбия бериш зарурлиги ҳеч кимга сир эмас.

Бунинг учун аввало унинг соғлом бўлиши, болалик чоғидан уни жисмоний ҳаракатга йўналтириш зарурлиги асл ҳақиқат эканлиги авлодлар алмашинувида ўз исботини топиб келмоқда.

Келажагимиз умидлари бўлган мактаб ёшидаги болаларимизни жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш, уларни жисмоний ҳаракатлантириш билан бир қаторда улар орасидан спортга иқтидорлиларини танлаб олиш ишлари қандай йўлга қўйилган?

Мактаб спорти мамлакат спортининг бир қисми бўлиб, умумтаълим муассасаларида фаолият кўрсатадиган дарсдан ташқари спорт секциялари фаолияти жисмоний тарбия фани ўқитувчилари томонидан олиб борилади.

Бундан ташқари, Спорт вазирлиги тасаруфидаги мактаб ўқувчилари профессионал тарзда шуғулланадиган спорт таълим муассасалари, хусусан, 254 та спорт мактаблари ва 56 та ихтисослашган спорт мактаблари фаолияти йўлга қўйилган.

Ўзбекистон спортини ривожлантириш, спортчиларни рақобатларга бардошли қилиб тарбиялаш ва юқори спорт натижаларга эришиш

учун умумтаълим мактаб спортини янада ривожлантриш талаб этилади.

Шунингдек, биринчи синфга қадам қўйган ўқувчи мактабда ўтказилаётган спорт мусобақаларини кўриб, ичидан жисмоний тарбия ва спортга бўлган ҳаваси уйғониши ва юқори синфларга ўтганда, унинг ҳам спорт мусобақаларида иштирок этишга бўлган иштиёқини ортиб боришига эришиш лозим. Албатта, соҳа мутахассислари шундай тизимни яратишига эришишлари зарур.

Шу билан бирга, мактабларда ташкил этилган 69 961 та дарсдан ташқари спорт секцияларида спортнинг 33 тури (футбол, волейбол, баскетбол, гандбол, стол тенниси, енгил атлетика, шахмат, шашка, кураш, мини-футбол, бадминтон, бадий гимнастика, спорт гимнастикаси, акробатика, дзюдо, таеквондо, карате, эркин кураш, юнон-рум кураши, бокс, регби, стритбол, қўл жанги, белбоғли кураш, турон яккакураши, ўзбек жанг санъати, армрестлинг, универсал жанг, муай-тай, кикбоксинг, самбо, ушу, гимнастрада) бўйича 1 млн. 486 минг (шундан 587 минг қизлар) нафар ўқувчиларга профессионал спортга илк қадам ташлашларига замин яратиб келмоқдалар.

Ушбу спорт секциялари фаолиятини йўлга қўйишда мактаблардаги 7 885 та спорт залларидан ҳамда 29 073 та (шундан 6 669 та футбол, 6 165 та баскетбол, 8 309 та во-

лейбол, 3 710 та гандбол, 3 484 та мини-футбол майдонлари, 651 та мини-футбол сунъий қопламали майдонлари ва 85 та теннис кортлари) спорт майдонларидан фойдаланиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан алоҳида қабул қилинган қарорлар асосида спортнинг бадий гимнастика, дзюдо, шахмат, футбол, кураш, таэквондо, волейбол, бадминтон, регби, стритбол, велоспорт, текбол, киберспорт ва паралимпия дастурига киритилган спорт турлари бўйича федерация ва ассоциациялар билан яқин ҳамкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Хусусан, футбол бўйича Халқаро футбол федератсияси (FIFA) ҳамда Ўзбекистон футбол ассоциатсияси мутахассислари билан «Мактабда футбол», Халқаро дзюдо федерацияси билан имзоланган меморандумга асосан «Мактабда дзюдо» дастурлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Гимнастика спорт турларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 23 декабрдаги ПҚ-449 сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон гимнастика федерацияси билан ҳамкорликда «Мактабгача ва мактаб таълими вазири кубоги» мусобақалари йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, мактаб спортини ривожлантиришда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим:

– вазирлик тизимидаги Ўзбекистон «Ёшлик» ЖТСЖ фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш орқали ҳар бир мактабдаги спорт тўғараклари фаолиятини қўллаб - қувватлаш, мактаб спорт клублари сонини ошириш, уларни фаолият юритиш тартибини белгилаш, йирик спорт мусобақалари, олимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлашни қўйи (бошланғич) тизимини тубдан такомиллаштириш.

– мактабдан ташқари жисмоний тарбия ва спорт таълими тизимининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини, мактаблардаги юридик шахс бўлмаган спорт клублари, спорт жамиятининг туман (шаҳар) бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш, ёшларнинг таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган чора-тадбирларни амалиётга татбиқ этиш, умумтаълим мактабларининг ўқувчи-ёшлари саломатлигини мустаҳкамлаш ва жисмоний маданиятини юксалтиришдаги ролини ошириш, жисмоний ва маънавий соғлом ёш авлодни тарбиялашнинг устувор вазифаларини амалга оширишда спорт жамияти фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш орқали йирик спорт мусобақалари, Олимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлашни қўйи тизимини тубдан такомиллаштириш.

– Ўзбекистон мактаб спортини халқаро спорт майдонларига олиб чиқиш;

– мактаб ўқувчи-ёшлари ўртасида «Ҳаваскор», «Талабгор» ва «Иқтидор» йўналишлари бўйича спорт мусобақалари ўтказиш орқали селекция ишларини амалга ошириш;

– мактаб ўқувчилари ўртасида оммалашган олимпия ўйинлари дастурига киритилган 14 та спорт тури бўйича 12–17 ёш тоифасидаги Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги терма жамоаси асосий ва захира таркибини шакллантириш, шунингдек, ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказиладиган республика ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақалари ҳамда оммавий спорт тадбирларида иштирок этишини таъминлаш;

– жисмоний имконияти чекланган ўқувчи - ёшлар иштирокида анъанавий тарзда спорт мусобақаларини ташкиллаштириш;

– барча умумтаълим мактабларида ўқувчилар ва ота-оналар танишиш имконини берадиган кўرғазмали спорт бурчаклари, онлайн ресурслар (ижтимоий тармоқлар ва бошқа интернет-ресурслари) ёрдамида ўқувчилар ўртасида жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш ва оммалаштириш;

– ҳар бир ўқувчининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши истагини амалга оширишда уларга спорт тури билан танишиш, танлаш учун имкон берадиган тавсиявий базани яратиш;

– халқаро спорт ташкилотлари, спорт федерациялари, ассоциация ва уюшмалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш;

– федерация (уюшма)лар билан биргаликда маҳорат дарслари, ўқув семинар, давра суҳбатларини ўтказиш орқали ўқувчи-спортчилар спорт маҳоратини, спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчилар ва умумтаълим мактаблари жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг касбий кўникмаларини ошириб бориш;

– ҳар бир умумтаълим мактабида жамиятнинг бошланғич ташкилоти (нодавлат нотижорат ташкилоти мақомига эга бўлмаган, ўз номи ва рамзига эга бўлган, жамоатчилик шаклидаги) «Мактабнинг жамоатчилик спорт клуби» фаолиятини мувофиқлаштириб бориш.

Мактабгача ва мактаб таълими терма жамоасининг асосий таркибига киритилган ўқувчиларни жамоада бўлган даврига ўқувчи-спортчи стипендиялари, спорт кийим-бошлари берилиши, мактаб спортида банд бўлган мутахассисларни рағбатлантириш ҳамда моддий қўллаб-қувватлаш тизимини жорий қилиш.

Спорт тренер-ўқитувчилари таркибида ёш мутахассислар сонини кўпайтириш, спорт билан шуғулланувчи иқтидорли мактаб ўқувчиларининг ижтимоий кафолатлар даражасини ошириш, мактаб спортида банд бўлган мутахассисларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни жорий этиш.

## 5 БОБ. ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ:

### МЕҲНАТ БОЗОРИГА МОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЗАРУРАТИ

#### **Касб-ҳунарли бўлиш – инсон зийнати**

Касб-ҳунарли бўлиш, меҳнат қилиш инсоннинг зийнати ҳисобланади. Айниқса, улғайиб, катта ҳаётга кириб келаётган ёшлар учун бу жуда муҳим. Шунинг учун ота-боболаримиз фарзандларнинг бирон касб, фойдали ҳунар эгаллашга катта эътибор қаратишган.

Ёшлар ҳунар қилмаса, ўзига манзур касбнинг бошидан тутмаса, маҳалла-қўйга, жамиятга қўшилиб кетишга қийналади, турмушда ҳам мураккабликларга дуч келади. Ёшлар қанча кўп касбли, ҳунарли бўлса, мамлакат ободлиги ҳам ошади, халқ ва миллат юксалади.

Фарзандларни илмли, ҳунарли этиб вояга етказиш халқимизга хос анъанадир. Ҳаёт тарзимизда илму ҳунар доимо улуғлангани бежиз эмас. Илмли, ҳунарли бўлишга даъват ҳеч қачон эсдан чиқарилмаган. Алломалардан бирининг «Олтин ва кумуши бўлмаган одам камбағал эмас, балки ақл-хуши ва касб-ҳунари бўлмаган киши камбағалдир», деган сўзларида катта маъно бор.

Мамлакатимизда ҳар йили юз минглаб йигит-қиз катта ҳаётга, меҳнат бозорига кириб

келади. Бу жуда катта рақам, юртимизнинг улкан ютуғи. Ҳар бир ёшга муаммо эмас, янги имконият деб тўғри муносабатда бўлиш кейинги йилларда профессионал таълим тизимидаги ўзгариш ва янгиланишларнинг туб мазмунига айланмоқда. Тўғриси айтиш керак, ёшларни ҳунарли қилиш, касбий таълим бериш осонлик билан самарали ташкил этиладиган жараён эмас. Муаммолар келиб чиқишининг олдини олиш учун яқин тарихимизда бир қанча уринишлар бўлди. Дастлаб 9 синф битирувчилари «СПТУ», деб аталган муассасаларда муайян йўналишлар бўйича касб-ҳунар ўқитилган. Кейинчалик касб-ҳунар коллежлари очилди. Ривожланган мамлакатлар тажрибасига кўра, уларда меҳнат бозорининг реал талабларига муносиб, бир неча касбни пухта эгаллаган малакали кичик мутахассислар тайёрланиши керак эди.

Бунинг учун ҳудудларда кўплаб муҳташам бинолар қурилди. Махсус давлат таълим стандартлари яратилди, дастур ва ўқув режалари ишлаб чиқилди. Бироқ масалага тизимли ёндашилмагани, ҳудудларнинг иқтисодий ҳолати ва ўсиш нуқталари пухта ўрганилмагани, иш берувчиларнинг талаб ва таклифлари билан ҳисоблашилмагани, назария ва амалиёт интеграцияси таъминланмагани, энг муҳими, ўғил-қизлар қизиқиши ва лаёқатига муносиб соҳаларга йўналтирилмагани туфайли бу тизим ўзини оқламади.



Бу ҳам етмаганидек мактабдан тўғри коллежга келган ўсмирларнинг руҳий ҳолатини баҳоламаслик натижасида ёшлар тарбиясида жиддий бўшлиқ кузатила бошлади. Айнан шу ёшдаги йигит-қизлар орасида ҳуқуқбузарлик содир этиш ҳолати кўп кузатилди. Коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашдаги кўзбўямачиликлар ҳам аҳолининг тизимга қизиқишини сўндирди.

11 йиллик мактаб таълими тикланганининг муҳим жиҳатлари ҳақида аввалги бобларда тўхталдик. Шунинг учун бу бобда кейинги йилларда профессионал таълим тизимида рўй бераётган ислоҳотлар, уларнинг йўналиши ва аҳамияти ҳақида кенгроқ тўхталишга ҳаракат қиламиз.

### **Узлуксиз профессионал таълим**

ЮНЕСКО томонидан 2030 йилгача белгиланган Барқарор ривожланиш мақсадлари ва халқаро таълим концепциясида «Бутун ҳаёт давомида сифатли таълим олишга имкониёт яратиш» долзарб вазифа сифатида белгиланди. Мамлакатимизда мазкур мақсадларга эришиш йўлида чора-тадбирлар ва аниқ вазифалар белгиланган бўлиб, улар ижроси таъминлаб келинмоқда.

Жумладан, профессионал таълим тизимида меҳнат бозори талаблари ва иш берувчилар таклифлари асосида кадрлар тайёрлаш бо-

расидаги муаммолар ўрганилиб, касб-ҳунар ўргатиш тизими тубдан такомиллаштирилди. Айти пайтда Ўзбекистоннинг Миллий малака тизимини тўлақонли жорий этишга ушбу муаммоларни бартараф этишнинг самарали механизми сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Президентимизнинг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профessional таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони асосида 3 йиллик мажбурий таълим шаклидаги касб-ҳунар коллежлари негизида шаклан ва мазмунан мутлақо янги, узлуксиз профессионал таълим тизими барпо этилди.

Уларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, уч тоифадаги, яъни бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим муассасалари тармоғи фаолияти йўлга қўйилди.

2023/2024 ўқув йилидан 689 та профессионал таълим муассасасида, яъни 332 та касб-ҳунар мактаби, вазирлик ва идора тизимидаги 124 та коллеж ва 233 та техникумда 367,2 мингдан ортиқ ўғил-қиз кундузги, кечки, сиртқи ва дуал таълим шакли бўйича касб-ҳунар ўрганмоқда. Шу билан бирга, қарийб 200 та таълим муассасасида 6 минг нафардан ортиқ ишсиз ёш қисқа муддатли курсларда ўқитилмоқда. Ўтган даврда 35 мингга яқин фуқаро қисқа муддатли курсларда тайёрланди.

Коллеж ва техникум ўқувчиларининг 20 фоиздан ортиғи давлат гранти асосида таълим олмақда. Янги ўқув йилидан коллеж ва техникумлардаги давлат гранти асосидаги ўринлар сонини 10 фоизгача ошириш режалаштирилмоқда. Шунингдек, коллеж ва техникумларга етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлганлар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, ногиронлиги бўлган шахслар қабул параметрларидан ташқари қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиниши йўлга қўйилди.

Илгари ўқувчилар учун ўрта махсус таълимнинг фақат кундузги шакли мавжуд бўлиб, ёшларнинг ижтимоий имконияти ҳисобга олинмаган эди. Айрим ёшлар куннинг фаол қисмида ишлаб, муайян вақтдагина касб-ҳунар таълими олиши мумкинлиги назарда тутилмаганди. Энди бу камчиликлар тузатилиб, ўғил-қизларнинг ўз вақти ва имкониятига муносиб равишда таълим олиши учун имконият яратилди. Шунингдек, дуал таълим йўналишида ўқийдиган ёшлар бир вақтнинг ўзида иккита давлат (Ўзбекистон ва ҳамкор мамлакат) ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасасининг тенг амал қиладиган дипломига ва касб квалификациясига эга бўлади. Бу дегани дуал таълим тизимида ўқиган йигит-қиз иккала мамлакатда ҳам фаолият юритиши мумкин.

Президентимизнинг 2023 йил 3 июлдаги «Маъмурий ислоҳотлар доирасида олий таъ-

лим, фан ва инновациялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2023/2024 ўқув йили учун коллеж ва техникумларга қабул параметри бўйича давлат гранти ўринлари ўтган ўқув йилига нисбатан икки баробар оширилди. Бу 18 минг 796 та грант ўрин белгиланди, деганидир. Жумладан, муҳандислик, ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш йўналишлари бўйича қабул параметрининг 50 фоизи; қишлоқ хўжалиги, туризм, ирригация ва мелиорация, хизмат кўрсатиш ҳамда ветеринария йўналишлари; ветеринария медицинаси ва агротехнологиялар техникумларида паррандачилик, ветеринария, балиқчилик, асаларичилик ва қуёнчилик йўналишлари; туризм коллеж ва техникумларига қабул тўлиқ давлат грантига ўтказилди.

Ҳозир касб-ҳунар мактабларида оилавий бизнес, томорқа бизнеси, қурилиш, хизмат кўрсатиш, чорвачилик, паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик каби ишчи касблар бўйича ўрта бўғин кадрлар давлат гранти асосида тайёрланмоқда. Коллеж ва техникумларда ўқув жараёни касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда кундузги, кечки, сиртқи ва дуал таълим шаклида давлат буюртмаси ҳамда тўлов-контракт асосида олиб борилади.

2021 йил 1 июндан бошлаб профессионал таълим муассасаларида таҳсил олаётган

«Ёшлар дафтари»га киритилган йигит-қизларга ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида амалиёт ўтаган вақтида давлат бюджети маблағи ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробари миқдо­рида ҳар ойлик субсидия ажратиш амалиёти жорий этилди.

2021/2022 ўқув йилида «Ёшлар дафтари»га киритилган 671 нафар ўқувчига ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш корхоналарида ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган даврида бюджет маблағлари ҳисобидан 460,4 миллион сўм субсидия ажратилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги «Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида»ги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда олий таълим муассасалари таклифлари шакллантирилди.

Дастлаб коллеж ва техникумларда дуал таълим шакли жорий қилиниб, 3 минг 34 нафар ўқувчининг 22 касб ва мутахассислик бўйича дуал таълим шакли асосида ўқитилиши йўлга қўйилди.

2023/2024 ўқув йили учун касб-ҳунар мактабларига 109 та касб бўйича 98 минг 252 та қабул параметри тасдиқланган бўлиб, 104 минг 204 нафар 9 синф битирувчиси қабул

қилинган. Энг муҳими, шундан 4 минг 852 таси дуал таълим шаклига оид. Коллежларга 23 минг 486 нафар, техникумларга 45 минг 357 нафар абитуриент қабул қилинди.

### **Педагоглар намуна бўлиши керак**

Касб-ҳунар ўргатиш осон вазифа эмас, кўп сир-асрорлари, шу билан бирга, илғор тажрибалари ҳам бор. Замонавий тенденцияларни ўрганиб, таълим жараёнига тадбиқ этиб бориш педагоглардан машаққатли меҳнат талаб қилади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги «Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, бошқарув ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва улуксиз малакасини ошириш учун таълим дастурларини инновацион ёндашувлар асосида доимий янгилаб бориш каби вазифалар белгиланди.

Айни пайтда профессионал таълим муассасаларида 28 минг 141 педагог кадрлар фаолият юритади. Уларнинг 6 минг 442 нафари ишлаб чиқариш таълими усталаридир. Педагогларнинг 90, ишлаб чиқариш таълими усталарининг эса 60 фоизи олий маълумотга эгадир.

Ўтган ўқув йилида педагог кадрлар сифат таркибини янгилаш ва ёшларга кенг имконият яратиш учун олий таълим муассасаларининг 1 минг 43 нафар битирувчиси профессионал таълим муассасаларига ўқитувчиликка жалб қилинди. 2023/2024 ўқув йилида эса олий таълим муассасаларининг 900 нафардан ортиқ битирувчиси ишга қабул қилинди.

Профессионал таълим тизими раҳбар ва педагог ходимлари нафақат педагогика, психология йўналишидаги билимларга, балки маъмурий бошқарув кўникмаларига эга бўлиши талаб қилинади.

Шунингдек, ишлаб чиқариш, молиявий менежмент, маркетинг ва ресурслар билан таъминлаш вазифаларининг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда қарорлар қабул қилиши, ташқи ва ички муҳитни таҳлил қилиш натижалари асосида бошқарув фаолиятини ташкил этиши лозим. Мазкур жараёнлар профессионал ўқув муассасаларининг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш билан бирга, таълим хизматлари бозорида рақобат муҳитини яратиш, хизматлар сифатини ошириш ва ўз навбатида, соҳада замонавий фикрлайдиган, узлуксиз касбий ривожланишга тайёр бошқарув ходимларига эҳтиёжни оширмоқда.

«Таълим тўғрисида»ги қонунга асосан кадрлар малакасини ошириш касбий билим, малака ва кўникмаларнинг чуқурлаштирилиши ҳамда янгилаб борилишини таъминлайди.

Кадрларнинг тоифаси, даражаси, разряди ва лавозими ошишига хизмат қилади. Мунтазам касбий маҳорати, билими, кўникмаларини янгилаб бориш, юқори самарали янги ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни, фан-техника ютуқларини амалиётга татбиқ этиш, бошқарувнинг замонавий тенденцияларини ўзлаштиришда иқтисодиётнинг турли соҳасидаги бошқарув ходимлари учун малака ошириш жараёни жуда муҳим.

Шу боис профессионал таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари малакасини оширишнинг қатор шакллари назарда тутилган. Асосий ишдан бўшаган ва бўшамаган ҳолда ОТМлар ҳузуридаги тармоқ марказларда ва Педагогик инновациялар институтида малака ошириш, турли ташкилотлар ёки хорижий давлатларда стажировка ўташ, яқка тартибдаги режа бўйича ўқиш шаклида мустақил таълим олиш шулар жумласидан.

Узлуксиз таълим назариясининг концептуал ҳолатларидан фарқли ўлароқ, катталар таълими назарияси ва амалиёти асосида ёши катта одам табиатидан келиб чиққан таомиллар ётади. Катта ёшли одам эҳтиёж сезмагунча ўқимайди. У фақат ўз фикрига кўра, зарур кўникмаларни ўргангани ва иш жараёнида ўқийди. Бошқача айтганда, ёши катта одам таълим жараёнида, аниқроғи, унинг



барча параметрини аниқлашда етакчи ролини ўйнашга тайёр.

XXI асрда етакчи давлатлардаги малака ошириш тизимида очик ва ёпиқ курсларни ташкил этиш касбий ривожланишда муҳим омилдир. Қисқа муддатли курсларни ташкил этишда асосий эътиборни ўқув-услубий таъминотни яратишга қаратиш даркор. Зеро, малака ошириш тизимини такомиллаштириш ўқитиш сифатини таъминлайдиган асосий омиллардан. Бу жараёнда профессионал таълим мутасаддилари, соҳа мутахассислари ва педагогларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш, фаолиятини мувофиқлаштириш зарурати мавжуд.

Шунингдек, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнини илғор хориж тажрибаси асосида такомиллаштириш, касбий фаолиятда зарур бўлган билим, малака ва кўникмаларнинг ҳаёт давомида эгалланишини қўллаб-қувватловчи, рағбатлантирувчи узлуксиз касбий ривожланиш тизимини яратиш мақсадга мувофиқ.

Профессионал таълимда малака ошириш сифатини юксалтиришда бошқарув ва педагог ходимларнинг шахсий ташаббуси асосида таълим олишга эҳтиёжи, мотивациясини ривожлантириш, ўқув жараёнида ўзаро ишонч ва хайрихоҳликка асосланган ҳамкор-

лик муҳитини яратиш, таълим дастурларини амалга оширишнинг модулли тизимини жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бу жараёнда катта ёшдагилар таълимининг ўзига хос хусусиятлари бор. Шахсий ва касбий жиҳатларнинг ўзаро боғлиқлиги, етакчилик роли, касбий, ижтимоий, маиший ва амалий тажриба каби омилларни ҳисобга олиш, касбий фаолият мақсадлари, вазифалари, натижалари ва эҳтиёжларига мувофиқлиги асосида ўқув-услубий таъминотини тақомиллаштириб бориш муҳим саналади.

### **Ўқув режалари тақомиллаштирилмоқда**

Профессионал таълим муассасаларида ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш жами 310 та касб ва мутахассисликлар бўйича амалга оширилмоқда. Таълим жараёнини тақомиллаштириш ва модул тизимига босқичма-босқич ўтиш учун касб ва мутахассислик бўйича компетенцияга асосланган модулли таълим дастурлари ишлаб чиқилиб тажриба-синовдан ўтказилмоқда.

Шунингдек, профессионал таълимда ўқитиладиган фанларни оптималлаштириш ва дастурларни технологик янгиланишларга мос равишда тақомиллаштириб бориш мақсадида таълим дастурларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиб борилади.

Касб-ҳунар ўрганаётган киши учун амалиёт ниҳоятда зарур. Бусиз ҳар қандай мукам-

мал назария қуруқ гаплигича қолади. Шу боис ҳам уларнинг ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлигини йўлга қўйишга бирламчи эҳтиёж сифатида қаралмоқда.

Мана шу саъй-ҳаракатлар туфайли профессионал таълим муассасалари ҳамда корхона (ташкилот)лар ўртасида шартнома имзоланди. Бу ҳужжатлар йигит-қизларнинг назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаши, ўзлаштирган кўникма ва малакасининг меҳнат бозори талабларига мослигини амалда синаб кўришини кафолатлайди.

### **Ўзбекистондаги профессионал таълимнинг халқаро эътирофи**

Профессионал таълим тизими халқаро стандартларга мос ташкил этилгани халқаро ташкилотлар томонидан ҳам юқори баҳоланди. Тизимга ишонч билдирилди ҳамда уни ривожлантириш учун кўплаб хорижий ҳамкорларнинг инвестиция лойиҳалари кириб келди.

Европа Иттифоқи комиссияси, ЮНЕСКО, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Осие тараққиёт банки, Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси Helvetas Uzbekistan фонди лойиҳалари асосида профессионал таълим тизимни ривожлантириш борасида зарур ишлар бажарилмоқда. Профессионал таълимнинг тайёрлов йўналишлари, касблар ва му-

тахассисликлар классификатори ЮНЕСКО томонидан жорий қилинган Таълимнинг халқаро стандарт классификацияси ҳамда «ТХСК: Таълим ва касбий тайёрлаш соҳалари» тамойиллари бўйича такомиллаштирилди.

Мазкур классификатор бўйича меҳнат бозоридаги асосий иш берувчилар, тармоқ малака кенгашлари, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида ўрта бўғин кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилди.

Халқаро ҳамкорлик доирасида Ўзбекистонда дуал таълимни ривожлантириш учун Германия халқаро ҳамкорлик жамияти экспертлари ҳам зарурий методик ёрдам кўрсатмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида профессионал таълим тизимида фаолият юритаётган ўқитувчи ва ишлаб чиқириш таълими усталарининг малакасини ошириш жараёнида касбий компетентлиликни ривожлантириш мақсадида профессионал таълим муассасаси ҳузурида «Илғор профессионал тайёргарлик маркази» ташкил қилинмоқда. Мазкур марказларда ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини ошириш ҳамда касбий компетентлигини ривожлантириш эҳтиёжга асосланган ва амалиётга йўналтирилган ҳолда ташкил қилинади.

Профессионал таълим учун янги авлод ўқитувчиларини тайёрлашнинг асоси олий педагогик таълимнинг фундаменталлашуви ва ўзгариб боришида кўзга ташланади. Ижти-

мойлаштириш, табақаларга бўлиб ўргатиш ва инновацион-педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни ҳаётга кенг татбиқ қилиш шулар жумласидан.

Соҳа педагоглари олдига долзарб вазифа қўйилган. У ҳам бўлса, ўқувчи-талабанинг касбий фаолиятга тайёргарлигини ошириш бўйича зарур таълим шакллари, метод ва воситаларни ҳамда замонавий ўқитиш назариясини ишлаб чиқишдан иборат.

Ёшларга касб-ҳунар ўргатиш билан биргалликда уларни келгусида ўзини ўзи банд қилиш ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, бизнес асосларига ўқитишнинг дастури ва методикаси германиялик мутахассислар иштирокида тўлиқ янгилашиб, ривожланган давлатлар тажрибаси асосида амалиётга жорий этилмоқда.

### **Истиқболдаги эзгу мақсадлар**

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясида профессионал таълим тизимини ривожлантириш орқали ўқувчиларни замонавий билим ва кўникмаларга ўргатиш бўйича муҳим вазифалар белгиланган.

Жумладан, 2030 йилгача 700 та профессионал таълим муассасасида таълим сифатини ошириш ва моддий-техника базасини такомиллаштириш, 14 та ҳудудий профес-

сионал тайёргарлик маркази ташкил этиш кўзда тутилган.

Малака тоифасига эга бўлган педагог кадрлар улуши 50, масофавий ёки аралаш шаклларда ташкил этиладиган малака ошириш курслари улуши 30, ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашда давлат гранти ахборот технологиялари, қурилиш, транспорт ва логистика йўналишларида 100 фоизга етказилади.

Бу саъй-ҳаракатлардан кўзланган мақсад аниқ: жаҳон ва маҳаллий меҳнат бозори талабларига мос кадрлар тайёрлаш орқали ўфил-қизларимизнинг иш билан бандлигини таъминлаш, жамиятда ва ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш, пировардида фаровонлигига ҳисса қўшишдан иборат.

## ТАРИХДАН САБОҚЛАР ВА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

«Ҳар бир мамлакатнинг толеъси ва тараққиёти ёшларга қандай таълим ва тарбия берилишига ҳар томонлама боғлиқдир». Буюк жадид Абдурауф Фитратнинг ушбу фикрлари ўтмишимиздаги аччиқ сабоқлардан униб чиққан десак, муболаға бўлмайди.

Тарихдаги оғир ва мустақилликнинг дастлабки босқичларидаги машаққатли йиллар ҳар томонлама етук ва юксак малакага эга мутахассислар авлодини шакллантирмасдан барқарор тараққиётга эришиш мумкин эмаслигини тасдиқлади.

Айниқса, олий таълим инсон, жамият ва давлат учун ҳам бирдек аҳамиятли эканини қанча қийинчиликлардан кейин англадик. Мамлакатнинг бугунги салоҳиятини ҳам келажак авлод саналмиш ёшларимизнинг интеллектуаллигини ҳам айнан олий таълимни تامомлаган мутахассислар белгилайди.

Мустақил Ўзбекистондаги олий таълим тизimini тўртта даврга бўлиб таҳлил қилиб кўрамиз. Аввалига эса олий таълим ҳақида умумий тушунча ва стандартларга тўхталиб ўтайлик.

Тарихчи олимларнинг фикрича, илк давлатчилик анъаналарининг пайдо бўлишида ҳам олий таълимнинг ўрни катта бўлган. Сабаби,

энг илғор билим ва кўникмаларга эга одамлар жамиятда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлгани инсонларда табақаланиш жараёнини бошлаб берган. Ҳа дaврлардан бошлаб одамлар орасида кучга нисбатан ақл устуворлик қила бошлаган.

Маълумотларга қараганда, олий таълимнинг тарихий илдизлари дастлаб Қадимги Шарқ мамлакатларига бориб тақалади. Илк олий босқичдаги мактабларда талабалар олимларнинг табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари, давлатни бошқариш йўллари ҳақидаги асарларини ўргангани манбаларда келтирилади.

Платон ва Аристотель сингари мутафаккирлар ҳар бир шахснинг жисмоний ва ақлий имкониятлари 3 босқичли таълимда тўла намоён бўлишини асослаганлар. Шунинг учун ҳам Юнонистон ва Қадимги Римда озод кишилар ҳамда аслзодаларнинг фарзандлари учун таълимнинг учинчи – олий босқичи зарурлиги тан олинган. Антик давр олий таълимида фалсафа, муסיқа, нотиклик, тиббиёт, математика фанларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мусулмон Шарқининг кўплаб мамлакатларидаги сингари Туркистон ўлкасида ҳам дастлабки олий таълим мадрасаларда берилган. Инсоният тарихида мусулмон Ренессанси деган босқичнинг юзага келишида мадрасалар беқиёс аҳамият касб этган.

Ўзбекистон аҳолисига ҳозирги тушунчадаги олий таълим Ўрта Осиё жадидчилиқ ҳара-



кати асосчиси Мунавварқори Абдурашидхон раҳбарлигида 1918 йил 12 майда Тошкентда ташкил этилган Халқ Дорул – Фунунида берила бошланган. Шўролар даврида олий таълим тармоғи бир қадар кенгайган бўлса-да, маҳаллий аҳолидан олий маълумотли кадрлар тайёрлаш устувор мавқеда бўлмаган.

**Олий таълим** – узлуксиз таълимнинг юқори малакали мутахассислар тайёрловчи икки босқичдан иборат (бакалавриат ва магистратура) мустақил тури.

**Бакалавриат** – олий таълим йўналишларидан бири бўйича чуқурлаштирилган билим, малака ва кўникмалар берадиган, давомийлиги камида уч йил бўлган асосий олий таълимдир.

Олий таълим бакалавриат йўналишларининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим билан узвийлик ва узлуксизлиги таъминланган ҳолда, олий таълимнинг давлат таълим стандартлари, бакалавриат таълим йўналишларининг малака талаблари асосида ишлаб чиқилади. Ўқув режалар таркибига ўзлаштирилиши мажбурий бўлган фанлар (мажбурий фанлар) блоки ва танлаб ўзлаштириладиган фанлар (танлов фанлари) блоки киради.

Бакалавриат таълим йўналишларининг таълим жараёни ўқув режаларига мувофиқ якуний давлат аттестацияси билан тугалланади.

**Магистратура** – тегишли бакалавриат негизидаги аниқ мутахассислик бўйича даво-

мийлиги камида бир йил бўлган олий таълим-дир. Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва ўқув дастурлари мазмуни олий малакали илмий, илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал, амалий билимлар беришни назарда тутган ҳолда шакллантирилади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида олий таълим тизими турли даврлардан, айтиш мумкинки, оғир синовлардан ҳам ўтишига тўғри келди.

Мустақил Ўзбекистон олий таълимини нисбий 3 та даврга бўлиб таҳлил қилиш мумкин.

### **1991–2011 йиллар. Адаптация босқичи**

Олий таълимнинг бу даврини том маънода ўтиш, янгилашиш ва халқаро таълим стандартларига мослашиш даври бўлди, дейиш мумкин. Бир асрдан ортиқ давом этган мустамлакачилик тузими даврида халқимизнинг маънавияти, руҳи каби таълим тизими ҳам «марказ»га бўйсундирилган эди.

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим соҳасида эски ёндашувлардан бутунлай воз кечиб, янгича тамойиллар, миллий қадрият ва анъаналаримизга, илғор жаҳон тажрибасига асосланиб таълим ва тарбия соҳасига устувор аҳамият қаратилди.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим тизимини барпо этишга ташланган муҳим

қадам «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишидир. Ушбу қонунда мамлакат тарихида биринчи марта миллий ва умуминсоний қадриятлар, ўзбек халқининг бой тарихий тажрибаси, фан ва таълим соҳасидаги кўп асрлик анъаналари ҳисобга олинди. Ўзбекистон тарихида илк бор олий таълим ташкилотлари ўқув дастурлар, дарсликлар ва ўқитиш услубиятини ўзи танлаш ҳуқуқига эга бўлди. Қонунда олий таълимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди. Яъни, университет таълимининг устуворлигига, олий таълим муассасаларини бўлиш ва ихтисослаштиришга, олий таълимни ҳудудийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон олий таълим тизимида амалга оширилган таркибий ўзгаришлар натижасида мамлакатнинг барча вилоятларида университетлар ташкил қилинди ҳамда етакчи олий таълим муассасаларига университет мақоми берилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун билан бирга «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида»ги қонун ҳам қабул қилинди.

2001 йил 17 августдаги «Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги қарор билан Олий таълим тизимидаги барча талабаларга стипендия бериш тартиби жорий қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мус-

таҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилингунича бўлган даврни олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларига аниқликлар киритиш ва тўлдириш даври, деб номлаш мумкин.

2011 йилгача бўлган узоқ даврда олий таълим тизимими адаптация босқичида турди. Чунки 2011 йилга келиб ҳам олий таълимнинг қамрови 10 фоиздан ошмасди. Яъни, шу йили республика олий таълим муассасаларига 58204 нафар талаба қабул қилинганди. Бу демографик жиҳатдан шиддат билан ўсиб бораётган, замонавий тараққиёт йўлини тутаётган халқнинг олий таълимга эҳтиёжини қондира олмасди.

### **2011–2016 йиллар. Турғунлик даври**

Бу даврда таълим тизимида бир қатор ислохотлар амалга оширишга қаратилган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Олий таълимни ислоҳ қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг:  
– 2012 йил 24 июлдаги «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги фармони;

– 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлар имзоланди. Бу қайсидир маънода чекланган тартибдаги ислохотга ўхшарди. Яъни, кадрлар сонини оширишдан кўра мавжудларининг сифатини яхшилашга қаратилган эди.

Афсуски, меъёрий ҳужжатлар асосий муаммони ҳал қилишга, умумий вазиятни яхшилашга таянч бўла олмади. Бу рақамларда янада яққол кўринади.

Статистик рақамлар шуни кўрсатадики, 2012 йилда 56 969 нафар, 2013 йилда 57 087 нафар, 2014 йилда 59 324 нафар, 2015 йилда 58 301 нафар, 2016 йилда эса 58 022 нафар талаба олийгоҳларга қабул қилинган.

Шундай қилиб 2016 йилга келиб жами 77 та олий таълим муассасасида 279 674 нафар талаба таҳсил оларди. Бу рақамлар олий таълимнинг қамров даражаси 10 фоизга ҳам етмаганини кўрсатади.

Ҳар йили ОТМларга қабул имтиҳонлари тушаши билан юз минглаб абитуриентлар ўқишга киролмаганидан ўксиб, руҳий тушкунликда қоларди. Бу ҳолат ўз навбатида ёшларни келгуси фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмасди. Ўқишга киролмаган ёшларнинг ота-оналари ҳам бунда ўзини айблаб яшашга мажбур эди.

Умуман, ўша даврда фақат пулинг кўп бўлса ўқийсан, деган фикр шаклланиб ҳам улгурганди. Фарзандини ўқитиш, олий маълумотли қилиш орзусидан воз кечмаган ота-оналар фарзандини яна тайёрланишга жўнатарди.

Шундай турғунлик даврининг яна бир ўзига хос жиҳати абитуриентлар синфининг шаклангани бўлди. 7–8 йиллаб ўқишга тайёрланган ёшларни учратиш одатий ҳол эди.

Реал рақамлар олий таълим тизимида деярли ўсиш бўлмаганлигини кўрсатади. Кадрлар етишмаслиги жамиятнинг ҳар бир соҳасига кириб борган эди. Натижада 10 йиллар давомида олий маълумотли кадрларнинг ўрнида ўрта ёки ўрта-махсус маълумотга эга кадрлар фаолият юритиб келди. Бу қайсидир маънода тармоқлар ривожига ҳам салбий таъсир кўрсатган бўлиши мумкин. Шу тариқа нафақат олий таълим, балки бутун таълим соҳаси катта ислоҳотлар тўлқинига муҳтож эди.

### **Янги Ўзбекистон педагогикаси: таянч олийгоҳни асраб қолиш заҳмати**

Президентимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича 2026 йилгача мўлжалланган устувор вазифаларнинг дастлабки сифатида айнан таълим соҳасини белгилаб берди. Мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмуни тубдан қайта кўриб чиқиши, янгиланган тизим, аввало,

хорижлик илғор мутахассислар экспертизасидан ўтказилиб, кейин ҳаётга татбиқ этилиши зарурлиги таъкидланди. Демак, англашимиз керакки, мамлакатимиз таълим тизими янги босқичга, бутунлай янгича ислоҳотлар даврига кирмоқда.

### **Мураккаб муаммолар гирдобида**

Бунга етиб келиш осон бўлгани йўқ. Узоқ йиллар мобайнида тўпланиб қолган мураккаб муаммолар ҳал қилинди. Айрим ҳолларда эски хатоларни қатъият билан тузатишга ҳам тўғри келди. Яқин-яқингача, бундан 5–6 йил олдин ҳам таълим тизими ечими имконсиз масалалар гирдобига тушиб қолгандек туюларди. Хусусан, 9 йиллик мактаб таълимига ўтиш хато бўлганини ҳаётнинг ўзи аччиқ сабоқларида кўрсатди. Ҳали дунёқараши шаклланиб улгурмаган ўқувчи мактабдан кейинги даврда кўп қийинчиликларга дуч келди.

Аввало, уларнинг келажакда ким бўлиш ҳақидаги орзулари, қандай соҳа ёки касбга қизиқиши билан ҳисоблашилмади. Ҳамма ўқувчи ҳудуддаги битта коллежга, қизиқиши, эҳтиёжидан қатъи назар, кўр-кўрона жойлаштирилди. Мактаб ўқитувчиларини тайёрлаш масаласига тизимли ёндашилмаслиги фан ўқитувчиларининг етишмовчилигини келтириб чиқарди. Битта ўқитувчининг мутахассислиги бўлмаган икки ёки учта фандан

дарс бериши таълим сифатининг кескин тушишига олиб келди.

Ўқувчиларнинг фан асосларини ўрганишга интилишини сусайтирди. Йиллар давомида ўқитувчиларнинг тоифалари пасайиб кетди. Уларнинг қарийб **70** фоизи шунинг эвазига кам маош оларди. Гўё бундай ишлар таълимга сарф-харажатларни оширмаслик учун атайлаб ўйлаб топилгандек бўлиб қолди. Педагогларнинг ўқувчилари билан бирга жамоат ишларига мажбуран жалб этилиши, бу ҳолат ҳар йили мунтазам такрорланиши, ойлаб давом этиши ҳар икки томоннинг ҳам ўқиб-ўрганишга иштиёқини сўндириб борди.

Коллежлардаги умумий вазият мактаблардагидан ҳам мураккаб эди. Ёшларни касб-ҳунарга ўргатиши, замонавий ва профессионал кўникмалар бериши керак бўлган коллежларнинг ўзида моддий-техник ҳолат, ўқув-услугий таъминот, педагог-ўқитувчиларнинг савияси талаб даражасида эмасди. Барчанинг бир хил 3 йиллик дастур асосида ўқитилиши ёшларни коллежлардан бездирди. Давомат жуда сусайиб, билим, ҳунар ўрганиш сифати пасайиб кетди.

Боз устига, ўқувчиларнинг оила муҳитидан узилиб қолиши, коллежда уларга етарли шароит яратилмагани, оила, маҳалла ва муҳит таълим муассасаси тизимининг самарасиз фаолияти оқибатида ёшлар тарбияси билан



боғлиқ муаммолар ҳам ортиб бораверди. Коллежни тамомлаб, ундан муайян касб-ҳунар эгаллаб чиқиши керак бўлган ўғил-қизлар на мустақил ишлашга, на олий таълимда ўқишни давом эттиришга тайёр бўларди.

Умумий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги камчиликлар олий таълимга, юқори малакали, замон талабларига жавоб берадиган, ватанпарвар кадрларни тайёрлашга салбий таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмасди. Қабул квоталарининг йилдан йилга қисқартирилгани вазиятни янада мураккаблаштириб юборди. Ҳолат шунга бориб етдики, умумий ўрта таълим битирувчиларининг 9 фоизигина олий таълимда ўқишни давом эттириши мумкин бўлди, холос.

Олий таълим муассасаларидаги педагог кадрлар малакасини ошириш, касбий ва методик тайёргарлигини такомиллаштириш, меҳнатини муносиб рағбатлантириш, юқори натижаларга интилиш, илмий фаолият билан шуғулланишини қўллаб-қувватлаш масалаларида ҳам муаммолар оз эмасди. Бугун эсласак, ўша йиллари жамиятда олий таълимнинг, билимнинг қадри, таълим муассасалари ва педагог-ўқитувчиларнинг жамиятдаги нуфузи ҳақиқатан ҳам тушиб кетганди.

Шундай пайтда таълим тизимини янада қийинроқ вазиятдан асраш учун, аввало, унинг дарду ташвишини ичидан билиш, таълим ҳақида, илм-маърифат ҳақида қайғу-

риш, уни ҳимоя қила олиш керак эди. Давлатимиз раҳбарининг Янги Ўзбекистон шароитида узоқни кўра олиши, муаммоларни ҳал қилишдаги қатъий иродаси билан бугунги кунга келиб, юқорида келтирилган ва таълим билан боғлиқ барча муаммоларга самарали ечим топилмоқда.

### **Илм-маърифат қайғусида**

2016 йили халқ таълими вазири вазифасида ишлардим. Бир куни Бош вазир қабулга чақирилдим. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўша пайтда Бош вазир эди. Мен билан бирга Бош вазир ўринбосари, олий таълим вазири ҳам етиб келган. Шундан ҳам кўриладиган масала ёки бериладиган топшириқ одатдагидан муҳим ва жиддий эканини сезиш мумкин эди. Бош вазир бизни ўйчан кайфиятда қабул қилди.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолияти бўйича Президент Ислон Каримов қаттиқ эътироз билдирганини, унинг талабаларини вилоятлардаги педагогик йўналишдаги олий таълим муассасаларига тарқатиб юбориш ва университетни ёпиш масаласи қўйилганини айтди. У кишининг юзидан, кайфиятидан узоқ йиллик тарихга эга, мамлакатдаги педагог кадрлар тайёрлаш бўйича таянч олийгоҳни ёпиб юбориш масаласида чуқур ўйлаб,

қарор қабул қилинишини истаётгани билиниб турарди.

Ўзи яқинда Тошкент вилояти педагогика институти ёпилгани, агар таянч университет ёпилса, педагог кадрларни етказиб бериш муаммоси янада чуқурлашиши, бу ҳолат, айниқса, бутун мамлакатдаги педагогларга салбий таъсир қилиши мумкинлигини айтди. Вазият ҳақиқатан ҳам мураккаб, ўйга толдирадиган эди: бир томонда қатъий эътироз ва топшириқлар, иккинчи томонда мамлакат миқёсида педагог кадрлар тайёрлаш масаласи турарди.

Шунинг учун Шавкат Мирзиёев бизга асосланган таклифлар тайёрлаш бўйича топшириқ берди. Масалани қандай ҳал қилиш кераклиги бизни ҳам ўйлантириб қўйди. Шунини педагог кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ маълумотларни, мамлакатимизда педагогик йўналишда фаолият кўрсатадиган барча олийгоҳларнинг вилоятлар бўйича талабаларни қабул қилиш имкониятини таҳлил қилиб чиқдик. Бир-икки таклиф тайёрлаган бўлдик.

Вазият ҳаммамиз учун жуда қалтис эди. Битта нотўғри қадам мамлакат келажаги, халқимиз маърифати билан узвий боғлиқ бўлган муҳим соҳага жиддий путур етказиши мумкин эди. Шу кеча жуда узун бўлди. Ҳаммамиз қаердандир, қандайдир нажот кутардик. Эртаси кун керакли маълумотлар, факт

ва рақамлар, тайёрлаган таклифларимизни олиб, яна Бош вазир қабулига бордик. Тақдимот қилдик, таклифларимизни, фикрларимизни билдирдик. Лекин тўғриси айтсам, ҳеч биримиз бундай мураккаб вазиятда ечим, охирги қарор қандай бўлишини тахмин ҳам, тасаввур ҳам қилолмасдик.

Шавкат Мирзиёев ҳаммамизни диққат билан тинглади, вазиятни ойдинлаштирувчи бир неча савол берди. Биз ўшанда эътибордан четда қолдирган, таклиф тайёрлашда ҳисобга олмаган жиҳатлар борлигини тушундик. Тўғриси, аҳволимиз янада оғирлашди. Кутилмаганда Бош вазир Чилонзордаги педагогика коллежига зудлик билан етиб боришимизни тайинлади. Коллежнинг тўрт томонини айланиб, асосий ва ёрдамчи бинолар, ётоқхона, барча кириш-чиқиш йўлаклари, ертўлаларга-ча кўздан кечирди.

Шундан сўнг ҳаммамизга иш-ишимизга қайтишимизга рухсат берди. Орадан бир неча соат ўтиб, Шавкат Мирзиёев педагогика университети ёпилмаслиги, балки унинг фаолияти такомиллаштирилиб, ўзи бориб кўрган коллеж биносига кўчирилиши ҳақида хулосага келинганини айтиб, бир қатор кўрсатмалар берди. Шу тариқа узоқ йиллик тарихга эга, мамлакатимизда педагог кадрлар тайёрлаш бўйича таянч олийгоҳ ёпилмайдиган бўлди.

2016 йил 13 май куни Вазирлар Маҳкамасининг Тошкент давлат педагогика универ-

ситети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Унда 1 Тошкент педагогика коллежининг Чилонзор тумани Бунёдкор кўчаси, 27 уй манзилида жойлашган бинолари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига берилиши ҳамда унинг моддий-техник базасини мустақкамлаш учун зарур маблағлар ажратилиши кўзда тутилганди.

Энг муҳими, университет мамлакатимиз узлуksиз таълим тизими ва олий таълимнинг педагогика йўналишлари учун юқори малакали педагог кадрларни халқаро стандартлар даражасида сифатли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш бўйича базавий олий таълим муассасаси сифатида белгиланди.

Ўшанда коллежни кўздан кечириш жараёнида Шавкат Мирзиёев педагогика университетини бу ерга қандай жойлаштириш, шунчаки кўчириш эмас, педагогларга, талабаларга қулай шароит яратиш режасини ҳам пишитиб олганини, ривожлантиришнинг таълимни асосий омилларида бири бўлган педагог кадрларни тайёрлаш тизимини қўллаб-қувватлашни кўнглига тутиб қўйганини кейин билдик...

## Ўзгача меҳр

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганидан кейин таълим тизимиغا, хусусан, педагогика йўналишидаги олийгоҳлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор, ўзгача меҳр билан ёндашаётганига гувоҳмиз. Узоққа бормайлик, мана, жорий йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, шу йилдан бошлаб 2026 йилгача университет халқаро талабларга мувофиқ трансформация қилиниши керак. Бу бўйича комплекс ривожлантириш дастури ва мақсадли кўрсаткичлар ҳам тасдиқланиб, вазифалар белгилаб берилди. Комплекс ривожлантириш дастурида 6 та йўналишда 26 та яхлит вазифани бажариш бўйича аниқ чоралар кўзда тутилган. Университетнинг халқаро рейтингларга киришини, узлуксиз таълим тизими билан интеграциясини таъминлаш, хорижий мутахассисларни ўқув жараёнига жалб этиш, олийгоҳ ҳудудида 5000 ўринли бино ва иншоотларни қуриш ҳамда жиҳозлаш каби вазифалар шулар жумласидан.

Узоқ йиллар соҳада сақланиб келган муаммолар болалар, ёшларнинг билими ва дунёқара-

шида қандай оғир асоратлар қолдирган бўлса, педагогларга, уларни тайёрлаш тизимига ҳам ундан кам бўлмаган зарар етказган, асорат қолдирган эди. Давлатимиз раҳбарининг педагог кадрларни тайёрлаш, уларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича қабул қилаётган қарорлари мазмуни, аввало, эски асоратларни йўқотиб, тизимни дунёдаги илғор амалиёт билан интеграциялашга қаратилмоқда.

Бунинг сабаби тушунарли: таълим тизимини ўзгартиришни ўқув режа ва дастурларини янгилаш, профессор-ўқитувчиларнинг савиясини оширишдан бошлаш керак. Кўркам, қулай шароитли бинолар қуришга, имкониятлар яратишга манба топилапти. Бу яхши, албатта. Лекин бу тадбирларнинг ҳаммаси охир-оқибатда педагогика соҳасининг ижтимоий нуфузини ини оширишга, салоҳиятини кўтаришга, мазмунини илғор билимлар ва методикалар билан бойитишга хизмат қилишини унутмаслигимиз керак.

Давлатимиз раҳбари «Янги Ўзбекистон мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқараши кенг шахс бўлиб етишади. Бунинг учун барча ҳудудларимизда, айниқса, қишлоқларда мактаблар қуриш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берамиз», деб таъкидлади.

Дарҳақиқат, бу Президентимизнинг доимий эътиборида турган, кун тартибидан тушмайдиган масалага айланди. Эътибор беринг, шу йил 21 июнь куни давлатимиз раҳбарининг «Педагогик таълим сифатини ошириш ва педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасалари фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу қарор, бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда янги авлод педагоглари тайёрлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Қарор билан ўта долзарб ва ўзаро узвий боғлиқ 3 та вазифа замонавий таълим дастурларини ишлаб чиқиш, юқори малакали профессионал кадрлар тайёрлашни янги босқичга кўтариш, педагогика соҳасида таълим, илм-фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш масалаларини самарали ҳал этишни кўзда тутди. Бир пайтлар педагогика йўналишидаги таянч университет асраб қолинган бўлса, энди ушбу қарор билан педагогик йўналишлар ва педагогик таълим муассасалари негизида мамлакатимизнинг турли вилоятларида 8 та давлат педагогика институти ҳамда 2 та давлат педагогика университети ташкил этилиши белгиланди.

Бу мамлакатимизда педагогик таълимнинг янги, ҳақиқий ривожланиш даври бошланаётганини англатади. Стратегик даражадаги муҳим ҳужжат билан қўйилган вазифа-



лар, яратилган имконият ва қулайликларни яқин-яқингача хаёлга келтириш мушкул эди. Масалан, жорий ўқув йилидан бошлаб педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассалари кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган 2-4 курс талабалари учун ҳафталик ўқув машғулоти «4+2» тартибида йўлга қўйилди. Яъни талабалар ҳафтада 2 кун мактабга ва умумий ўрта таълим муассасаларида амалиёт ўташ имкониятига эга бўлади.

Шу тариқа талабалар назария билан амалиётни уйғун олиб боришни, болалар билан бевосита ишлашни, боғчадаги, мактабдаги муҳитга киришни ўргана боради. Бундан ташқари, жараёнда институт ва умумтаълим муассасалари ўртасида доимий алоқа, талабчанлик юзага келади, бу эса ҳар икки томонда сифатнинг ўзгаришига йўл очади. 2023 йилдан бошлаб «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиялари ҳисобидан ҳар йили тасдиқланган умумий қабул квоталари доирасида педагог кадрлар учун камида 35 та алоҳида квота ажратилади. Умидли ёшларимиз дунёнинг илғор давлатларида билим ва малакасини ошириб қайтиши юксак педагогик қадриятларнинг юртимизга кириб келишини янада жадаллаштиради.

Педагогика соҳасини ривожлантириш, Янги Ўзбекистон руҳига мос даражага кўтариш учун амалга оширилаётган ислохотлар, белгиланган вазифалар кўлами, қамрови

жуда кенг. Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича Миллий кенгаш раиси сифатида Президентимизнинг ўзи бу ислоҳотларнинг асосий ташаббускори, жонқуяри бўлиб, ҳаммамизга юксак намуна кўрсатмоқда. Энди педагоглар соҳага масъуллар, барчамиз мамлакатимиз таълим тизимини янги даражага олиб чиқиш, билимли, мустақил фикрлайдиган, Ватанга садоқатли ёш авлодни вояга етказиш масъулияти билан фаолият юритишимиз зарур.

*(«Маърифат» газетаси, 2022 йил 21-сентябрь, 37-сонда эълон қилинган)*

## **2017 йилдан бошланган янги давр**

Олий таълим тизимидаги узоқ йиллар кутилган туб ислоҳотлар 2017 йилдан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йил 7 февралда «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Мазкур Стратегиянинг «Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари» деб номланган тўртинчи йўналишида, хусусан, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга оширишни ва мавжуд таълим тизимида оид барча норматив-ҳуқуқий ҳуж-

жатларни янада такомиллаштириш ҳамда ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда, янги меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш назарда тутилди.

Халқаро таълим тизими меъёрларига мос келадиган тизим яратиш учун аниқ, пухта ишлаб чиқилган ва йиллар кесими бўйича режалаштирилган, изчиллик устувор бўлган стратегиялар зарур эди. 2017–2021 йилларга мўлжалланган «Ҳаракатлар стратегияси», 2022–2026 йилларга мўлжалланган «Тараққиёт стратегияси», Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси ва «Ўзбекистон – 2030» стратегиялари юртимиз таълим тизими трансформациясини бошлаб берди.

Статистик рақамларга мувожаат қилсак, 2022/2023 ўқув йилида олий таълимнинг қамров даражаси 2016 йилги 9 фоиздан 38 фоизга етган.

Маълумотларга қараганда, 2023 йилга келиб олий таълимнинг 625 та бакалаврият йўналишларида 943 минг, магистратуранинг 634 та мутахассислигида эса 25 минг талаба таҳсил олмоқда.

Олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган жами 34539 та ўқитувчидан 2799 таси фан доктори ва 10651 тасини фан номзодлари ёки фалсафа докторларини ташкил қилади. Рақамлар 2017–2022 йилларда олий

таълим тизимидаги илмий потенциалнинг ўсишини кўрсатмоқда. Бу ўз-ўзидан мазкур даврни олий таълим соҳасидаги янги давр дейишга замин яратмоқда.

Олий таълимдаги асосий ислохотлар:

– Олий таълим жараёни кредит-модуль тизимига ўтказиш бошланди. Асос сифатида Европанинг ЭТС (European Credit Transfer and Accumulation System) тизими қабул қилинди.

Бу олий таълим муассасалари ўзининг ҳар бир бакалавр ёки магистратура дастурлари бўйича каталог ишлаб чиқиб, ундан ўқиш давомида қайси фанларни ўрганиш мумкинлиги, ушбу фанларни кимлар ўқитиши, дастур давомида мутахассис сифатида қандай билим, кўникма ва маҳоратларга эга бўлиш ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин бўлади, дегани.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси»га кўра, юртимиздаги ОТМларнинг 85 фоизи босқичма-босқич 2030 йилгача кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган.

«Рақамли университет» лойиҳаси доирасида «Олий таълим жараёнларини бошқариш ахборот тизими» НЕМИС (Higher Education Management Information Systems) ишлаб чиқади.

НЕМИС – таълим жараёнига олий таълим муассасаларидан олинadиган турли ҳисобот

ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қоғоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизимини рақамлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган тизимдир. Бу тизим «Маъмурий», «Ўқув», «Илмий» ва «Молиявий» жараёнларни бошқариш модулларини ўз ичига олади.

– 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган талабалар учун тўлов-контракт миқдорини бир ўқув йили давомида тенг улушларда тўртга бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилди.

Бу талаба ва унинг ота-онасига қулайлик берди. Тўлов-контрактнинг тўртдан бир қисмини тўлаш унинг ярмини тўлашдан кўра қулайроқ ва ортиқча босимдан халос қилади.

– 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб базавий тўлов-контракт асосида давлат олий таълим муассасасига қабул қилинган, ота-онаси ёки уларнинг биридан айрилган муҳтож қизлар, боқувчиси йўқ ёлғиз аёлларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда давлат олий таълим муассасалари ҳисобидан ўқитиш тартиби жорий этилди.

– 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб барча давлат олий таълим муассасаларида талабалар ўқув варақаси, рейтинг дафтарчаси, академик маълумотнома, дарс жадвали, даволат ва ўзлаштиришга оид маълумотлар, тўлов-контракт шартномалари рақамлаштирилди.

– 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб барча ўқув режалар ва ўқув дастурлар ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан мустақил ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши тартиби жорий этилди.

Ўқув режа ва ўқув дастурлар таянч олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилиб, вазирлик билан келишилган ҳолда тасдиқланиши амалиёти бекор қилинди. Яъни, олий таълим муассасаларига академик мустақиллик берилди.

– 2017–2022 йилларда республика олий таълим муассасаларининг хорижий олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик дастурлари асосида ҳамда «Эл-юрт умиди» жамғармаси грантлари доирасида 6 минг 151 нафар профессор-ўқитувчилар хорижий олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларига малака ошириш ва стажировка ўташ учун юборилди. Уларнинг 2185 нафари Европа, 445 нафари Америка, 1059 нафари Осиё, 2462 нафари МДҲ мамлакатларига юборилди.

Шу йиллар давомида олий таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида 6 минг 279 нафар хорижлик мутахассислар ўқув жараёнларига жалб қилинди. Уларнинг 1 минг 845 нафари Европа, 462 нафари Америка, 1 минг 759 нафари Осиё, 2 минг 213 нафари МДҲ мамлакатлари профессор-ўқитувчилари ва соҳа мутахассислари ҳисобланади.

## **Хотин-қизлар учун имкониятлар**

Фарзанд ақлий салоҳиятни кўпроқ онадан олишини фан исботлаган. Демак, эртанги авлод соғлом, етук, интеллектуал жиҳатдан илғор бўлиши аёлларга, оналарга ҳам боғлиқ. Шунинг учун юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги фаолигини оширишга қаратилган ҳар бир қадамни олқишлашимиз, қўллаб-қувватлашимиз лозим. Амалда ҳам бу йўлда катта қадамлар ташланмоқда. Жумладан:

– 2022/2023-ўқув йилидан бошлаб ОТМ, техникум ва коллежларда, сиртқи ва кечки таълимда ўқиётган хотин-қизлар контрактларини тўлаш учун 7 йилга фоизсиз кредит бериш учун банкларга бюджетдан ҳар йили 1,8 триллион сўм йўналтирилиши белгиланди.

– Давлат ОТМларида магистратурада ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт тўловлари қоплаб берилади.

– Хорижий ОТМларга бакалавриат учун – 50 нафар, магистратура учун – 10 нафар хотин-қизларга ҳар йили «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали қўшимча грантлар ажратилмоқда.

– Ҳар йили 2 100 нафар ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг таълим контрактлари маҳаллий бюджетдан тўлаб берилмоқда.

– Мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумот-

га эга бўлмаган 500 нафар хотин-қизлар ҳар йили тавсияномаларга асосан давлат ОТМларига умумий квотадан ташқари алоҳида тест синовлари натижаларига мувофиқ контракт асосида ўқишга қабул қилинмоқда.

– Давлат илмий ташкилотлари ёки ОТМ докторантурасига хотин-қизлар учун ҳар йили камида 300 тадан мақсадли квота ажратиш назарда тутилган.

Шу тариқа 2017 йилдан бошлаб олий таълим тизимида улкан эврилиш ва кенг кўламли ислохотлар даври бўлди.

Эътибор беринг биргина 2023 йида 39 та янги олий таълим муассасаси ташкил топган. Шундан 9 таси давлат, 29 таси нодавлат ва 1 та хорижий олий таълим муассасасидир.

Бугунги кунда жами 200 та олий таълим муассасаси рўйхатга олинган. Шундан 114 таси давлат, 56 таси нодавлат ва 30 таси хорижий олий таълим муассасаси ҳисобланади.

### **«Ўзбекистон – 2030» Олий таълимни ривожлантириш бўйича стратегик мақсадлар**

2023 йил сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида ҳам олий таълим тизимини янада ривожлантиришга қаратилган катта мақсадлар ўрин олган.

Хусусан,

– ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини камида 50 фоизга етказиш;



– 30 та олий таълим муассасасининг таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўтказиш;

– «Топ-500»га кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камида 50 та қўшма таълим дастури асосида «икки дипломли тизим»ни жорий этиш;

– 10 та олий таълим муассасасини дунёнинг энг нуфузли «Топ-1000» олий таълим ташкилотлари рейтингига киритишга эришиш;

– олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш ва илмий салоҳиятни 70 фоизга етказиш;

– 5 та олий таълим муассасасини миллий тадқиқот олийгоҳларига айлантириш;

– қўшимча 120 минг ўринли ўқув бинолари ҳамда 150 минг ўринли талабалар турар жойларини қуриш;

– кутубхоналарни камида 1 миллион та замонавий адабиётлар билан тўлдириш ва кутубхона фондини тўлиқ рақамлаштириш;

– фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш учун 3 триллион сўм маблағ ажратиш;

– фундаментал тадқиқот йўналиши бўйича 8 та етакчи хорижий илмий мактаблар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш;

– тил ва адабиёт, тарих, археология, маданият ва санъат йўналишларидаги илмий дастурлар учун 2 триллион сўм ажратиш;

– иқтисодиётнинг энг тез ўсиб бораётган йўналишларида амалий тадқиқотларни кучай-

тириш, «корхона – олийгоҳ – илмий ташкилот» кластер тизимини жорий этиш;

– 40 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг улушини камида 60 фоизга етказиш, илмий ташкилот ходимларининг иш ҳақини ўртача 2 барбарга ошириш;

– стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура, докторантура ҳамда мақсадли докторантура квоталари сонини 5 200 тага етказиш;

– Ўзбекистон Глобал Инновацион Индексда Топ-50 талик мамлакатлар рўйхатига киришини таъминлаш;

– ҳар бир миллион аҳолига тўғри келадиган тадқиқотчилар сонини 2 минг нафарга етказиш ва бошқа мақсадлар белгиланган.

Мақсадлар улкан ва катта жонбозлик кўрсатишни тақозо қилади. Марраларга эришилганида мамлакатимизнинг илмий ва кадр салоҳияти, инсон капитали дунё даражасида юксалади, миллат, халқ, давлат сифатидаги интеллектуаллигимиз ривожланган бўлади.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига 116 та олийгоҳни ўрганиш вазифаси билан бирга уларга «миллий», «давлат» университети, академия ёки институт мақомини беришнинг аниқ мезонларини белгилаш топширилди.

Бажарилаётган ишлар, олдинга қўйилган мақсадлар олий таълим соҳасида демократик жараёнлар бошланишига замин яратмоқда.

Бу нима дегани?

Ёшларда танлов имконияти мавжуд. Яъни энди мактаб битирувчиси ўзи танлаган йўналиш бўйича хоҳласа давлат, хоҳласа нодавлат, хоҳласа хорижий олий таълим даргоҳида олий таълимнинг кундузги, кечки ёки сиртқи шаклини танлаб таҳсил олади. Мактаб битирувчиси ўз имконияти ва билим даражаси ёки бўлмаса режасига асосан танлов қилади. Олий таълим соҳасининг тўлиқ демократик асосда ишлаши ўз-ўзидан меҳнат бозорига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Иш берувчида ҳам танлаш имконияти кўпроқ бўлади.

Иш берувчи ҳам иш олувчи қайси олий таълим даргоҳини тугатганига эмас, асосан унинг нимага қодирлигига, билим, тажриба ва кўникмалари қандайлигига қараб танлов қилади. Бу ўз-ўзидан талабанинг эртага иш топиши ва талаб даражасидаги мутахассис бўлиши учун ўз устида ишлаши ва мукамалликка интилишига олиб келади. Хулоса қилиб айтганда, меҳнат бозорининг талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ёшларимиз орасидан етишиб чиқадиган етук ва салоҳиятли мутахассислар халқимиз интилаётган Янги Ўзбекистонни барпо қилишда драйвер вазифасини ўташига ишонамиз.

## 7 БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ

### СОН ВА СИФАТ УЙЎУНЛИГИ

Мамлакатлар тараққиётини белгиловчи омиллар жуда кўп. Шундай омилларнинг энг асосийларидан бири – илм-фаннинг ривожланганлик даражасидир. Илм инсонни, инсон жамиятни юксалтиради, ҳаётни фаровонлаштиради.

Олий таълимдан кейинги таълим жамиятнинг турли жабҳаларини фундаментал тадқиқ этиш, тармоқларни ривожлантириш бўйича таҳлилларга асосланган янги таклифлар ишлаб чиқиш, муаммоли ҳолатларга креатив ечимлар бериш, умуман, мамлакатни тизимли тараққий эттиришда асосий таянч вазифасини ўтайди.

**Олий таълимдан кейинги таълим** – докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганишни ва илмий изланишлар олиб боришни назарда тутадиган таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчанлик асосида илмий даражага эга илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни таъминлайдиган таълим тури.

Аввал ҳам таъкидлаганимиздек, юртимиздаги таълим тизимини юксалтириш ва уни бир ўзанга тушириш йўлидаги туб ислохотлар 2017

йилдан бошланди. Ҳозир биз сўз юритадиган олий таълимдан кейинги таълимдаги йирик ислохотлар ҳам айнан ўша даврда бошланган.

2017 йилга келиб республикамизда олий таълим муассасаларидаги илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар сони 48 тани ташкил қилар эди. Ўзгариш ва янгиланишлардан кейин, 2019 йилга келиб улар сони 84 тага етди.

Айни шу йилларда 1693 нафар профессор-ўқитувчи докторлик диссертациясини ҳимоя қилиши натижасида олий таълим муассасаларида илмий даражага эга педагог ходимлар сони 9636 нафарга етди. Шундан 2130 нафари фан доктори (DSc), 7506 нафари эса фан номзодлари (PhD). Натижада республика олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти қисқа даврда 5,1 фоиз ўсишига эришилди.

Шу йилларда олий таълим муассасаларидаги фан доктори илмий даражасига эга профессорларнинг базавий лавозим маошлари 2016 йилга нисбатан 3,2 бараварга оширилди.

Бугунги кунга келиб юртимиздаги олий таълим муассасаларида жами 34 539 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг илмий салоҳияти эса 39,3 фоизни ташкил қилади. 2016 йилда эса бу кўрсаткич 31,9 фоизни ташкил қилиб, 24 368 та профессор-ўқитувчи фаолият олиб борган.

Профессор-ўқитувчиларнинг илмий салоҳияти деганда, уларнинг илмий даражаси ва унвонлари назарда тутилади. Янги Ўзбекистон

таълими ҳақида фикр юритганда олий таълимдан кейинги таълим, яъни илмий даража олиш хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз илмда ўсишга эришиш бирданига ёки қисқа муддатда бўлиб қоладиган жараён эмас, албатта. Бунинг учун тизимли ўзгариш ва янги-ланишлар зарур бўлади. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимининг сифати ва самарадорлигини тубдан ошириш, олий ўқув юртидан кейинги таълим соҳасини янада такомиллаштириш, илмий-тадқиқот фаолиятида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ҳар томонлама намоён этиш имкониятларини кенгайтириш долзарб бўлиб турган вақтда муҳим қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони бунинг яққол мисолидир.

Мазкур фармонга асосан 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали тизими жорий этилди.

Биринчи поғонада диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини беришни назарда тутувчи **таянч докторантура** бўлса, иккинчи поғонада эса диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини

беришни назарда тутувчи **докторантура** тизими йўлга қўйилди.

**Таянч докторантура** – фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим.

**Докторантура** – фан доктори (Doctor of Science (DSc) илмий даражасига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим.

Биз таянч докторантурани олий таълимдан кейинги таълимнинг биринчи босқичи, докторантурани эса иккинчи, яна ҳам тушунарли бўлиши учун тугалловчи босқичи, десак ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам худди бакалавриятни тугатмасдан туриб магистратурага кириш имкони бўлмаганидек, таянч докторантурани тугатмасдан докторантурага ҳам кириш мумкин эмас.

Буни уларга қабул қилиш талабларида янада яхшироқ англашимиз мумкин:

**Таянч докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:**

– магистр даражасига ёхуд клиник ординатурани тугатган (тиббиёт фанлари учун), олий маълумот тўғрисидаги диплом (мутахассислик дастурлари бўйича) эга бўлганлар;

– фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар.

**Докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:**

– фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий давлатларда олинган илмий даражалар;

– фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришиш, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақолага ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлиши керак.

Олий таълимдан кейинги таълимнинг таянч докторантура ва докторантурадан ташқари **стажёр-тадқиқотчилик** – ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда тегишли ихтисослик бўйича илмий ва илмий-ижодий изланишларни олиб бориш ва фалсафа доктори (PhD) илмий да-



ражасини олиш учун изланувчини тайёрлаш шакли ва **муस्ताқил изланувчилик** – фалсафа доктори (Doctor of Philosophy (PhD) ёки фан доктори (Doctor of Science (DSc) илмий даражаларига даъвогар изланувчилар учун ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакллари ҳам мавжуд.

### **Докторантуранинг молиялаштирилиши**

Шу ўринда яна бир жиҳатга тўхталиб ўтиш лозим. Докторантуранинг ҳар иккала босқичида ўқийдиган докторантлар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда, яъни меҳнат фаолияти билан шуғулланмай таҳсил олади. Бу давр оралиғида уларнинг моддий эҳтиёжлари учун Давлат бюджетидан стипендия ажратилади. Стипендия ажратиш тартиби аниқ белгиланган.

Ўқишга қабул қилинган санадан бошлаб:

– таянч докторантурада – таҳсил олувчи шахсларга илмий даражага ёки илмий унвонга эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган) кичик илмий ходим лавозим маошининг базавий миқдорига тенглаштирилган миқдорда стипендия тўланади;

– докторантурада таҳсил олувчи шахсларга фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражасига ёки хорижий давлатларнинг

унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига ёки илмий унвонга эга бўлган етакчи илмий ходим лавозим маошининг базавий миқдорига тенглаштирилган миқдорда стипендия тўланади.

Олий ҳарбий таълим муассасаларига (кейинги ўринларда «ОХТМ» деб юритилади) қабул қилинган таянч докторант ва докторантларнинг моддий таъминоти ҳарбий хизматчилар учун қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Кўриниб турибдики, юртимизда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Докторантларга Давлат бюджетидан стипендия ажратилиши ҳам бунга яққол мисол. Мақсад эса аниқ етук ва салоҳиятли мутахассисларни етиштириб чиқариш. Шу сабабдан докторантлар фақат илмий изланишда бўлиши, ўзи фаолият олиб бораётган соҳанинг етук мутахассисига айланиш учун уларнинг моддий эҳтиёжлари таъминланмоқда.

### **Докторантурага қабул тартиби**

Таянч докторантура ва докторантурага тегишли ўқув йили учун тасдиқланган олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида магистратура мутахассисликларига ўқишга қабул қилиш умумий параметрларининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар. Талабгорларда IELTS (ўртача балли камда 5,5), TOEFL (PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган), CEFR (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлганда чет тилидан топшириладиган имтиҳонлардан озод этилади.

Кириш имтиҳонлари саволлари илмий ташкилот ёки таълим муассасасининг қабул комиссияси томонидан мутахассисликнинг моҳиятидан келиб чиқиб тузилади ва Коллегиал орган томонидан тасдиқланади.

Докторантурада ўқиш учун кираётган талабгорлар Коллегиал орган томонидан ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтадилар.

### **«Ўзбекистон – 2030» илмни ривожлантириш учун устувор мақсадлар**

2023 йилнинг сентябрь ойида қабул қилинган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида юртимиздаги олий таълим ва ундан кейинги таълим босқичлари, умуман олганда, Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини оширишга қаратилган аниқ мақсадлар, уларни амалга ошириш учун катта маблағлар ажратилиши кўзда тутилган.

Жумладан,

– олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар натижадорлигини ошириш ва илмий салоҳиятни 70 фоизга етказиш;

– фундаментал тадқиқотларни амалга ошириш учун 3 триллион сўм маблағ ажратиш;

– тил ва адабиёт, тарих, археология, маданият ва санъат йўналишларидаги илмий дастурлар учун 2 триллион сўм ажратиш;

– амалий тадқиқотларга Давлат бюджетидан 4 триллион сўм маблағ йўналтириш ва бошқа муҳим мақсадлар.

Ҳар қандай мақсадга йўналтирилган ислохотнинг молиявий асоси унинг амалга ошиши ва самарадорлигини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Амалий ва фундаментал тадқиқотлар, илмий дастурлар учун керакли маблағ ажратилиши мақсадларга эришишда муҳим аҳамиятга эга.

Олий таълимдан кейинги таълимни сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш натижаларда акс этиши лозим.

Шу нуқтаи назардан стратегияда белгиланган қуйидаги мақсадлар ҳам долзарбдир:

– 40 ёшгача бўлган тадқиқотчиларнинг улушини камида 60 фоизга етказиш, илмий ташкилот ходимларининг иш ҳақини ўртача 2 баробарга ошириш;

– стажёр-тадқиқотчилик, таянч докторантура, докторантура ҳамда мақсадли докторантура квоталари сонини 5 200 тага етказиш;

– ҳар бир миллион аҳолига тўғри келадиган тадқиқотчилар сонини 2 минг нафарга етказиш.

Бу тахминан ҳар 500 кишига 1 нафар тадқиқотчи тўғри келади, дегани. Маълумот ўрнида, таълим тизимида 2017 йилги туб ислоҳотлар бошланган вақтда бу кўрсаткич бир неча баробарга кам эди. Ислоҳотларда жуда катта ўсиш тенденцияси мақсад қилинган.

Янги Ўзбекистонни барпо этишдек юксак мақсад учун курашилаётган ҳозирги жараёнда соҳа ва тармоқларни илмий таҳлил қилиш, камчиликларни аниқ кўрсатиш, уларни бар тараф этиш бўйича асосли таклифлар билдириш муҳим ва фойдалидир. Бунинг учун илмий тадқиқотлар ўтказиш зарур. Олий таълимдан кейинги таълимнинг долзарблиги ҳам, аҳамияти ҳам шунда аслида.

## **МУНДАРИЖА**

ИСЛОҲОТЛАР БАҲОСИНИ ХАЛҚ БЕРМОҚДА..... 3

### **1 БОБ. ЯНГИДАН ЯРАТИЛГАН МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ.**

Таълим ва тарбиядан узоқда .....	10
Мактабгача таълим болани кашф қилади .....	14
Мактабгача таълимда стратегик ислоҳотлар .....	19
Соҳани концепция асосида ривожлантиришнинг зарурати.....	27
Хусусий, оилавий ва давлат хусусий шерикчилик МТТлари .....	31
Оилавий МТТ .....	34
Давлат-хусусий шериклигидаги МТТлари .....	39
Хусусий мактабгача таълим ташкилотлари.....	42
Мобил (кўчма) боғчалар .....	46
Стратегик натижалар .....	47

### **2 БОБ. МАКТАБ ТАЪЛИМИ.**

Ўқувчилар қалбига йўл.....	51
Умумий ўрта таълим босқичлари.....	52
Ўн бир йиллик таълимга қайтиш .....	54
Ўқуқий асослар такомиллашиши.....	55
Стратегик дастур ва қарорлар.....	62
Реал ва амалий натижалар .....	65
Халқаро даражадаги натижалар учун рағбат.....	72
Таълим сифатини халқаро стандартлар асосида баҳолаш.....	74
«Ўзбекистон – 2030» стратегиясидаги улкан мақсадлар .....	77

### **3 БОБ. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБЛАРИ**

Ибрат яратиш зарурати.....	80
Президент мактаблари ҳар жиҳатдан намуна.....	84
Бу мактабларда ижодкорлар тарбияланади .....	87
Ихтисослаштирилган мактаблар етук кадрлар бешиги .....	89

Янги Ўзбекистон мактабларининг амалий натижалари.....	91
<b>4 БОБ. МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ.</b>	
Болалар иқтидорини рўёбга чиқарувчи ва ривожлантирувчи тизим.	
Муסיқа маданияти ва дид тарбияси .....	99
Мактабдан ташқари таълим .....	103
«Баркамол авлод» болалар мактаблари .....	106
Китоб мутолааси ва китобхонлик маданияти .....	110
Жисмоний тарбия ва спорт .....	112
<b>5 БОБ: ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ:</b>	
<b>МЕҲНАТ БОЗОРИГА МОС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ</b>	
<b>ЗАРУРАТИ.</b>	
Касб-ҳунарли бўлиш инсон зийнати.....	118
Узлуксиз профессионал таълим .....	120
Педагоглар намуна бўлиши керак .....	125
Ўқув режалари такомиллаштирилмоқда.....	129
Ўзбекистондаги профессионал таълимнинг халқаро эътирофи .....	130
Истиқболдаги эзгу мақсадлар .....	132
<b>6 БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМ.</b>	
<b>ТАРИХДАН САБОҚЛАР ВА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР...</b>	134
1991–2011 йиллар. Адаптация босқичи .....	137
2011–2016 йиллар. Турғунлик даври .....	139
Янги Ўзбекистон педагогикаси: таянч олийгоҳни асраб қолиш заҳмати.....	141
2017 йилдан бошланган янги давр.....	153
Хотин-қизлар учун имкониятлар .....	158
«Ўзбекистон – 2030» Олий таълимни ривожлантириш бўйича стратегик мақсадлар ...	159
<b>7 БОБ. ОЛИЙ ТАЪЛИМДАН КЕЙИНГИ ТАЪЛИМ</b>	
<b>СОН ВА СИФАТ УЙҒУНЛИГИ .....</b>	163
Докторантуранинг молиялаштирилиши .....	168
Докторантурага қабул тартиби.....	169
«Ўзбекистон – 2030» Илми ривожлантириш учун устувор мақсадлар.....	170

*Илмий-оммабоп нашр*

*«Ўзбекистон овози» кутубхонаси учун*

УЛУФБЕК ИНОЯТОВ

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА УЗЛУКСИЗ  
ТАЪЛИМ**

Муҳаррир  
Тўлқин ТЎРАХОНОВ

Бадий муҳаррир  
Бобур МУРОДОВ

Саҳифаловчи  
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир  
Сурайё АҲМЕДОВА



Лицензия рақами: АИ № 252. 02.10.2014 да берилган.  
Босишга 16.08.2024 йилда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1/32.  
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.  
Босма табағи 6,0. Шартли босма табағи 10,08.  
Адади 2000 нусха. Буюртма № 143-24.  
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.  
«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

***Мурожаат учун телефонлар:***

Нашр бўлими – (71) 230-00-50  
Маркетинг бўлими – (77) 013-00-50, 013-00-60;  
[www.book.uz](http://www.book.uz); [@bookuzbekistan](mailto:@bookuzbekistan)  
email: [yangiasravlodi@mail.ru](mailto:yangiasravlodi@mail.ru)